

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида
УДК*

Бўриева Моҳинур Шавкатовнанинг

**СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДА ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

мавзусида 5A220101 – халқаро журналистика таълим йўналиши
магистр академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

Халқаро журналистика назарияси ва
амалиёти кафедраси мудири

_____ ф.ф.н., доцент Н. Тошпўлатова

2017 йил “ _____ ” _____

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ф.ф.н., доцент,
Н. Тошпўлатова

2017 йил “ _____ ” _____

Тошкент – 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ИНТЕРВЬЮ – КОММУНИКАТИВ МУЛОҚОТ ВОСИТАСИ ВА ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖАНРИ СИФАТИДА	
1.1. Интервью жанри ва унинг коммуникатив хусусиятлари.....	8
1.2. Интервью жанри ривожланишининг илмий-назарий асослари.....	23
II БОБ. МАТБУОТДА СПОРТГА ИХТИСОСЛАШГАН НАШРЛАРДА ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИНИНГ ЎРНИ	
2.1. Замонавий спорт матбуотида интервью етакчи жанр сифатида.....	34
2.2. Спортга ихтисослашган нашрларда интервьюлар тематикаси.....	47
III БОБ. СПОРТ МАВЗУЛАРИДАГИ ИНТЕРВЬЮЛАР ТАҲЛИЛИ: ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ	
3.1. Интервьюларда спортга оид долзарб мавзулар таҳлили.....	65
3.2. Спорт мавзусидаги интервьюларда журналистнинг маҳорати.....	78
ХУЛОСА	95
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	97

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий матбуот ривожини ўз навбатида жанрлар трансформацияси, ўзгача услуб ва кўринишда ахборот узатиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Интернет имкониятларининг кенгайиши ҳар кимга исталган вақтда исталган ахборотни олиш, тарқатиш имконини бераётган, ахборот майдонидаги рақобат кучайиб бораётган бир шароитда аудитория талабларини қондириш ҳам мураккаб масалага айланиб қолаётгани — ҳақиқат. Кишиларнинг онги ва тафаккури, жамият ҳаёти ва ижтимоий қарашларида кузатилаётган кўплаб ўзгаришлар, табиийки, ОАВ фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, ОАВ фаолиятида тез-тез муружаат қилинаётган жанрлардан бири — интервью ҳам сўнгги йиллар мобайнида бироз бошқачароқ кўриниш ва аҳамият касб эта бошлади. Интервью ахборот олиш усулларида бири бўлиб қолмасдан, факт, маълумот ва рақамларни тақдим этиш услуби ҳамдир.

Анъанавий интервью бу — журналист ва халқ ўртасидаги бевосита мулоқот, коммуникация жараёнидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида Президентимиз Шавкат Мирзиёев инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш кераклигини таъкидлаган:

“Яқинда бўлиб ўтган сайлов олди учрашувларида мен бир нарсага амин бўлдим. Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди”.¹

Жамиятда содир бўлган ёки бўлиши кутилаётган воқеа-ҳодисаларни журналист тасвири орқали эмас, бевосита жараён иштирокчиси, яъни респондент нигоҳида кўриш имкониятини берувчи бу жанрнинг такомиллашуви, айниқса, спорт журналистикасида кўзга ташланмоқда.

¹ www.uza.uz

Таъкидлаш жоизки, спорт журналистикаси деярли барча замонавий жанрларни камраб олади. Анъанавий газета жанрлари сифатида эса тезкорлик, аниқлик, қисқаликка асосланган инфор­мацион жанрлар устуворлик қилади. Спорт нашрларида мақола, корреспонденция, репортаж ҳамда интервью жанрларига кўпроқ ўрин берилишини соҳанинг воқеа-ходисаларга бойлиги ва изчил ривожланишда эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Спортнинг бошқа соҳалардан фарқи шундаки, у маълум кўрсаткичларнинг доимий қиёсини назарда тут­ади, бу эса унинг таҳлилийдан кўра, кўпроқ инфор­мацион характер касб этишини тақозо этади. Қайд этиш лозимки, мусобақалар сонининг ор­тиши билан спорт журналистикаси ҳам ўсиб боради. Бу эса ўз навбатида спорт журналистлари зиммасига тезкорликни, шунга мувофиқ ўз устида мунтазам ишлаш, ўзгаришларга тайёр туриш, аудитория талабларини ўрганиш каби ва­зифаларни юклайди.

Спорт нашрларида тезкорлик тамойили бирламчи аҳамият касб этиши бе­жиз эмас. Чунки спорт замон билан ҳамнафас соҳа, чинакам спорт ишқибозлари эса соҳадаги у ёки бу воқеага оид ахборотнинг кечикаётганини дарҳол пайқайди. Бошқа томондан, интернет, радио ва телевидениеда жонли (он-лайн) трансляцияларнинг бериб бори­лиши, тезкорлик борасида ушбу ОАВнинг бирмунча устунликларга эгалиги спорт нашрларини ахборот майдонидан сиқиб чиқараётгандек тасаввур уйғотади. Айни шу жараёнда таҳлилий интервьюларга, яъни спортчининг ички олами, дунёқарашини очиб берувчи, мулоҳазага ундовчи журналистик материалларга эҳтиёж туғилади.

Интервью жанрининг кенг тарқалганлиги ва оммавийлигини кўпфункционаллик ва хилма-хилликдан ташқари оддийлик ва тушунарлилик билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бунда журналистдан суҳбат мавзусига оид билимларни пухта эгаллашдан ташқари спортчилар психологиясининг ўзига хосликларини инобатга олиш ҳам талаб этилади.

Мавзунинг долзарблиги спорт мавзуларини ёритишда интервью жанри нинг имкониятлари спортга ихтисослашган нашрлар мисолида тадқиқ

этилгани билан белгиланади. Шу билан бирга мазкур тадқиқот иши интервьюнинг спортни самарали тарғиб қилишдаги ўрни, унинг жанр сифатидаги такомиллашуви каби масалаларни изчил ўргангани билан ҳам аҳамиятли.

Тадқиқотнинг объекти “Интерфутбол”, “Футбол экспресс” ҳамда Россия федерациясида нашр этиладиган “Спорт экспресс” газеталарида чоп этилган интервьюлар этиб белгиланган.

Магистрлик диссертациясининг предмети интервью жанрининг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимиз ва хорижда бу жанрнинг такомиллашиш босқичларидир.

Тадқиқотнинг мақсади спортга ихтисослашган нашрларда интервью жанри такомиллашувининг назарий ва амалий жиҳатларини миллий ва халқаро нашрлар тажрибасида қиёсий ўрганишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинган:

- интервью жанри ва унинг коммуникатив хусусиятларини кўриб чиқиш;
- интервью жанри ривожланишининг илмий-назарий асосларини аниқлаш;
- спортга ихтисослашган нашрларда интервьюлар тематикасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- интервью жанрининг замонавий спорт матбуотида тутган ўрнини тадқиқ этиш;
- интервьюларда спортга оид долзарб мавзуларнинг акс эттирилишини ўрганиш;
- спорт мавзусидаги интервьюларда журналистнинг маҳорати қандай аҳамиятга эга эканини асослаш ва ҳ.к.

Тадқиқот ишининг янгилиги. Шу кунга қадар спорт журналистикаси бўйича олиб борилган тадқиқотларда, асосан, спорт журналистикасининг умумий назарий муаммолари, унинг матбуот, радио, телевидение, интернет каби турларида ёритилиши каби жиҳатларга кўпроқ эътибор берилганини

кузатдик. Мазкур тадқиқот ишида ўзбек спорт журналистикасида интервью жанрининг аҳамияти, унинг такомиллашуви ҳамда бу борада журналист маҳорати масалаларига алоҳида илмий ҳодиса сифатида ёндашилгани **ишнинг илмий янгилигини** белгилайди.

Тадқиқот ишининг методологик асослари. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, қонуности ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармойишлари мазкур магистрлик диссертациясининг **методологик асосини** ташкил этади.² Шунингдек, спорт журналистикасига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар ҳамда интернет манбаларидан фойдаланилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тажрибасида спорт мавзусининг ёритилишига оид адабиётлар сони етарли даражада кўп. Бунга мисол сифатида Ким М.Н., Корконосенко С.Г. Солганик Г. Я., Хавин Б., Алексеев К.А., Ильченко, Черепанов М. С., Учёнова В. В., Стюфляева М. И., Прохоров Е., Фихтелиус Э., Killenberg С., Anderson R., Лазутина Г. В., Лукина М., Мельник Г. С., Тепляшина А. Н., Metzler К., Устинова З. К., Трубицына Л. В., Кайда Л.Г.³ сингари олим ва тадқиқотчиларнинг журналистика жанрлари, хусусан, интервьюнинг спортга оид мавзуларни ёритишдаги аҳамияти борасидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда илмий мақолаларини келтиришимиз мумкин.

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами – www.lex.uz;

³ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами – www.lex.uz;

Учебник для студентов вузов по специальности "Журналистика" / Ред. -сост. С. Г. Корконосенко. - СПб.: Знание, СПбИВЭСЭП, 2000; Солганик Г. Я. О языке спортивной журналистики // Спорт в зеркале журналистики; Лазутина Г. В. Основы творческой деятельности журналиста. М, 2000; Лукина, М. «Технология интервью: учебное пособие». — М.: Аспект Пресс, 2003; Гусев А.В. “Жанры спортивной журналистики”/www.studopedia.ru; Мальцева Д.А. “Общение как воздействие и диалог”. www.lib.csu.ru; Metzler К. Creative Interviewing: the writer's guide to gathering information by asking questions. 2nd Edition. Prentice Hall, 1989; Б. Ходоровский, спортивный журналист: "Нельзя научить человека журналистике, а спортивной — в особенности". URL: gipp.ru/openarticle; Reinardy S. The essentials of sports reporting and writing. Abingdon, 2009; Rosenthal В. Sports journalism an introduction to reporting and writing. Plymouth, 2010; Саватски Д. How To Ask Powerful Questions: Лекции / Европейский центр журналистики. Маастрихт, 2000; Скоряпин В. И. Техника спортивного интервью // Спорт в зеркале журналистики / сост. Г. Я. Солганик. М., 1989.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган илмий муаммони ўрганиш жараёнида тизимли, киёсий ва контент-таҳлил, кузатув, умумлашма усулларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, интервью жанрининг такомилли суръатини белгилашда ёрдам берувчи ижтимоий сўров услуби ҳам қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, аввало мазкур магистрлик диссертацияси спорт журналистикада жанрларнинг тутган ўрни борасида изланиш олиб борадиган тадқиқотчилар, мавзуга қизиққан талабалар учун қўлланма вазифасини бажаради. Бундан ташқари, интервью жанрининг ривожланиш қонуниятлари билан қизиқувчилар, унинг эволюциясини ўрганиш истагида бўлганлар учун маълум даражада кўмак бериши, журналистик жанрлар такомилли тўғрисидаги умумий илмий-назарий қарашлар кўламини, мундарижасини бойитиши мумкин.

Танланган мавзунинг илмий-тадқиқот йўналишлари билан боғланганлиги. Диссертация мавзуси олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган илмий тадқиқотлар қамровида олиб борилган бўлиб, иш журналистика факультетининг 2016-2017 йиллар учун мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган. Магистрлик диссертацияси мавзусидан келиб чиққан ҳолда, ҳимояга қадар 2та илмий ва илмий-оммабоп мақола чоп этилган.

Магистрлик диссертацияси таркибий тузилиши кириш, 3та боб, 6 фасл, хулоса ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган бўлиб, ҳажми 96 саҳифани ташкил этади.

Биринчи бобда интервью коммуникатив мулоқот воситаси ва журналистиканинг энг фаол жанри сифатида кўриб чиқилиб, унинг коммуникатив хусусиятлари, ривожланишининг илмий-назарий асосларига атрофлича тўхталиб ўтилган.

Иккинчи бобда спортга ихтисослашган нашрларда интервью жанрининг ўрни ҳақида сўз борган. Шу аснода спортга ихтисослашган нашрларда

интервьюлар тематикаси ҳамда замонавий спорт матбуотида интервьюнинг етакчи жанр эканлиги тадқиқ этилган.

Учинчи боб спорт мавзуларидаги интервьюларда журналист маҳорати масаласига бағишланган бўлиб, унда интервьюларда спортга оид долзарб мавзулар таҳлили ва журналист маҳорати каби жиҳатлар ўрганилган.

I. БОБ. ИНТЕРВЬЮ – КОММУНИКАТИВ МУЛОҚОТ ВОСИТАСИ ВА ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖАНРИ СИФАТИДА

1.1. Интервью жанри ва унинг коммуникатив хусусиятлари

Нафақат матбуотда, балки барча ОАВда ҳам кенг қўлланиладиган жанрлардан бири — интервью бўлиб, таъсирчанлик жиҳатидан у оммани қизиқтирган ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига доир ахборотлар ичида олдинги ўринларда туради. Бунинг асосий сабаби — мулоқотлар ҳар қандай расмиятчиликлардан холи, эркин ва, муҳими, интерактивликка, яъни томонларнинг тенглигига асосланганидир. Иккинчи сабаби, интервьюлар, одатда барчага тушунарли тилда ва самимий, кишини толиқтирмайдиган руҳда олиб борилади. Бир кишининг узундан-узоқ нуткидан кўра, савол-жавоб асосига қурилган интервью ўқувчига қизиқарлироқ ва самаралироқ туюлади. Учинчидан, интервьюнинг йўналиши одатий мулоқотлардан у қадар фарқ қилмаса-да, уни тайёрлаш жараёнини енгил деб бўлмайди. Айниқса, матбуотдаги мулоқотларни ташкил қилиш бирмунча мураккаб жараён. Матбуотда оммавий мулоқотнинг кўриниши бўлган интервью орқали интерактив жараённи вужудга келтириш эса замонавий журналистдан катта маҳоратни талаб этади.

Энциклопедик луғатда интервью сўзининг маъноси куйидагича берилган: (ингл. interview) — публицистика жанри, журналистнинг бир ёки бир неча шахслар билан муайян долзарб масалалар бўйича суҳбатидир.⁴

Википедиа электрон манбасида эса журналистнинг ижтимоий аҳамиятга эга шахс билан долзарб масалалар бўйича суҳбати шаклидаги журналистика жанрларидан бири — интервью эканлиги қайд этилган. «Бундан ташқари интервью ахборот олиш усулларидан бири саналади. Интервьюда икки суҳбатдош иштирок этади: интервью олувчи (журналист) ва интервью берувчи. Улар аудитория(коммуникациянинг учинчи

⁴<http://tolkslovar.ru>

иштирокчиси)нинг ахборотга бўлган талабини қондириш мақсадида ўзаро ахборот алмашадилар. Интервью якунида олинган маълумотлар шунчаки қизиқишни қондириш, ёки касбий, шахсий ҳамда корпоратив мақсадлар учун хизмат қилиши мумкин. Журналистик интервью ўз табиатига кўра ўзига хос ижтимоий аҳамиятга эга ҳодисадир».⁵

Е.И.Голанова, интервьюни замонавий оммавий диалогнинг коммуникатив-нутқий турларидан бири сифатида баҳолаб, унга «журналистнинг муайян шахс ёки шахслар гуруҳи билан жамоатчиликда қизиқиш уйғотган ва масс-медиага мўлжалланган мавзудаги эркин суҳбат жанри», дея таъриф берган.⁶ Ҳар қандай интервью шахслар орасидаги бевосита ёки билвосита мулоқот — коммуникация асосига қурилади.

“**Коммуникация**” – латинча *communicatio, communicare* деган сўзларидан олинган бўлиб, **умумийлаштирмоқ, боғламоқ, хабар йўллаш усули, алоқа шакли** деган маъноларни англатади. Кенг маънода эса, ўзаро мулоқотга киришиш, таъсир этиш жараёни, шунингдек, турли хилдаги ахборотни яратиш, узатиш ва қабул қилиш имкониятини берувчи алоқа усуллари тушунилади. Илмий адабиётларда «коммуникация» тушунча сифатида XX аср бошларида пайдо бўлди. Америкалик социолог Чарльз Кулининг фикрича, “коммуникация” деганда, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлиги ва ривожланиши учун шароит яратувчи ақл тимсоллари ҳамда уларни муайян макон бўйлаб тарқатиш механизми тушунилади⁷.

Бугунги кунда коммуникация икки хил маънода қўлланилади:

1. Бир жойдан бошқа жойга хабар узатиш, бир жой билан бошқа жойни боғлаш усули, (масалан, мобил коммуникация, виртуал коммуникация транспорт коммуникацияси, ерости коммуникацияси ва ҳ.з.);

⁵Лукина, М. Технология интервью: Учебное пособие. - М.: Аспект Пресс, 2003. — с 254.

⁶Голанова Е. И. Устный публичный диалог: жанр интервью // Русский язык конца XX столетия (1985-1995). - 2-е изд. - М.: Школа «Языки русской культуры», 2000.

⁷ Шарков Ф. Основы теории коммуникации. [www. iub.at.ua](http://www.iub.at.ua)

2. Мулоқот, ахборотни бир одам(гуруҳ)дан бошқасига узатиш; уларнинг ҳаётий фаолият жараёнида тил ва алоқанинг бошқа сигналли турлари ёрдамида ўзаро таъсир этиш.⁸

Ахборот маконида ахборот алмашиш жараёнлари асосан уч турдаги коммуникация (алоқалар) орқали амалга ошади. Булар: шахслараро, гуруҳлараро ва оммавий коммуникациялардир. Шуларнинг ичида соҳага тааллуқли бўлган коммуникация бу – оммавий коммуникациядир.

Оммавий коммуникация, медиапсихология нуқтаи назаридан, жамоачиликнинг ўзини-ўзи бошқаришини англатувчи тизимдир. Моҳиятан автокоммуникациянинг, яъни жамоатчиликнинг ўзаро алоқаси ўзини-ўз бошқаришининг бир бутун системаси саналади.⁹

Оммавий коммуникациялар (алоқалар)нинг ўзига хос хусусиятларидан маълумки, оммавий коммуникация каналларидан ўтадиган ҳар қандай ахборот манбадан жамоатчиликка етиб боргунга қадар ўзгартирилади ёки ўзгартирилиб таърифланади.

Интервьюнинг жанр хусусиятларини тавсифлар экан, тадқиқотчилар биринчи навбатда суҳбатдошларнинг ўзаро суҳбатида намоён бўлувчи полифония — кўп овозлилик, бир вақтнинг ўзида турли нуқтаи назарлар ифодасига эътибор қаратишади.

Дарҳақиқат, интервью — диалогик нутқ. Диалогда, аввало ахборот-мундарижавий (хабар берилаётган воқелик) ва шаклий (мазмун баён этилаётган шакл) жиҳатларни фарқлаб олиш зарур. Ахборот-мундарижа нуқтаи назаридан, интервьюда икки хил талқин бўлиб, булар объектив (факт ҳақида хабар бериш) ва субъектив (коммуникация иштирокчиларининг суҳбат объектига муносабатини баён этиш) талқинлардир. Шакл жиҳатидан, диалогни расмийлаштириш суҳбат мавзуси характериға боғлиқ эмас. Ахборот алмашинуви муваффақияти асосан, танланган тил услуби, интонация ҳамда новербал мулоқот воситалариға боғлиқ бўлади.

⁸ Ўша манба.

⁹ Шарков Ф. Основы теории коммуникации. www.iub.at.ua

«Барча нутқий сифатлар ҳамда нутқнинг бошқа таркибий қисмлари интервьюнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз кечишини белгилайди. Кенг қамровли вербал ва невербал коммуникация воситалари орасидан тегишли вазият учун энг мақбуллари танлаб олинади».¹⁰ Бунда интервью олувчи — суҳбатни йўналтириб турган одам сифатида, бош ролни ўйнайди.

Кишиларнинг интервью вақтидаги хатти-ҳаракати маълум мақсадларга қаратилган бўлади. Уларга эришиш учун қўлланувчи усуллар эса коммуникатив стратегиялар ҳамда коммуникатив тактикалар деб аталади.

«*Коммуникатив мақсад* бу — интервью қаратилган стратегик натижа, коммуникант шахсининг у ёки бу ҳаракатни нутқ орқали ёки унинг ёрдамида амалга ошириш истагидир».¹¹ Зеро, хабарнинг мазмуни эмас, унинг жамоавий онгга қай даражада таъсир этиши муҳимдир.

Коммуникатив тактика реал нутқий таъсирлашиш жараёнидаги амалий ҳаракатлар мажмуини назарда тутаяди. Миқёс нуқтаи назаридан, у коммуникатив мақсад эмас, балки алоҳида коммуникатив истаклар жамланмасига яқинроқ туради. Тадқиқотчи Г. А. Золотовага кўра, «матн стратегияси муаллифнинг предмет ва қўйилган муаммога оид дастлабки ғояси, позицияси, дунёқараши, муносабатини қамраб олса, матн тузилишининг тил ва нутқ услублари мажмуи унинг тактикасини белгилайди. Матннинг ўзида фақат тактикаларни кўриш мумкин, стратегия эса «матн ортига яширилган» бўлади».¹²

Стратегия ва тактика, мақсад ва истаклар ҳақида гапирар эканмиз, биз, аввало, интервью олувчини назарда тутаямиз, чунки диалогнинг бу иштирокчиси ташаббускор, манфаатдор томон ҳисобланади. Айни шу томон интервью берувчига аввал ҳеч ким бермаган саволлар билан мурожаат қилиш орқали, янги ахборотни билиши, унинг ишончига кириши ва кўнглига йўл

¹⁰Мальцева Д.А. Общение как воздействие и диалог. www.lib.csu.ru

¹¹Кашкин В. Б. Введение в теорию коммуникации : Учеб. пособие. Воронеж : Изд-во Воронеж. гос. тех. ун-та, 2000.

¹²Золотова Г. А., Онипенко А. К., Сидорова М. Ю. Коммуникативная грамматика русского языка. - М.: Филолог. ф-т МГУ, 1998.

топа олиши керак. Бунинг учун билим ва маҳоратни ишга солиш, мулоқот ўрнатувчи воситалар, усуллар, ўзга хос тактикалардан фойдаланиш талаб этилади.

Журналист берган саволларга реципиент турли кўринишда: оғзаки, ёзма, визуал, вербал тарзда жавоб бериши мумкин. Бундай мулоқотларда иккинчи томон, яъни реципиент фаоллик кўрсатмайди, фақат ахборот манбаси сифатида иштирок этади. Шу маънода интервью журналист ва респондент орасида мавзули мақсадга эга бўлган диалог, психологик, вербал — коммуникатив усул сифатида янги маълумотларга эга бўлиш мақсадида олиб борилади ва у интерактивликка асосланади. Шу ўринда “интерактив” деган сўзнинг луғавий маъносини яна бир бор эслаш фойдадан холи бўлмайди.

“Интерактив” сўзининг луғавий маъноси, “интер”- ўзаро, “акцион”- фаолият, ўзаро фаолият юритиш, тор маънода, икки ёки ундан ортиқ кишининг муайян макон ва замонда, яъни муҳит ва вақт оралиғида ўзаро ахборот алмашиши, кенг маънода эса ижтимоий таъсир кўрсатиш даражасини кўтариш, ўзаро тенг фаолият кўрсатиш орқали муайян масаланинг объектив-субъектив томонларига тенг муносабатда бўлиш каби маъноларни англатади.

Интерактив мулоқотда томонларнинг фаоллашуви орқали ахборот алмашиш, ўзаро ўрганиш, ўргатиш, муносабат билдириш, алоқада бўлиш жараёнлари амалга ошади. Илмий-истилоҳий маънода алоқада бўлиш деганда тажриба, қобилиятлар, билим ва малакалар, шунингдек, жамият ва шахс тараққиётининг зарурий ва умумий шартларидан бири ҳисобланган фаолият натижаларининг алмашинуви содир бўладиган мулоқот жараёни, ижтимоий ва шахсий муносабатлар ўзаро боғланиши, хабарлашиш, муайян мақсадга эришиш амаллари назарда тутилади.

Бу жараёнда турли хил таъсир воситалари орқали ахборот алмашиш содир бўлса-да, моҳиятан бу жараён тажриба, қобилият, дунёқараш, билим ва малакалар, шунингдек, жамият ва шахс тараққиётининг зарурий ва умумий

шартларидан бири ҳисобланган фаолият натижалари алмашинуви содир бўладиган реал ҳодисадир. Матбуотда бу жараён суҳбат ёки интервьюларда намоён бўлади. Ушбу жараёнга М.Бахтин “Ҳақиқат битта бошда туғилмайди. У суҳбатлар асосида юзага чиқади”, дея таъриф беради. Бу фикрлар ахборий жанрлар таркибига кирувчи интервью жанрига ҳам бевосита тааллуқлидир. Журналистика жанри талаблари кўра ҳам икки ёки ундан ортиқ кишининг муайян бир мақсадга эришиш йўлида биргаликда амалга оширадиган нутқий фаолияти - интервьюдир. Унинг қурилиши савол-жавоб қонуниятига асосланади. Яъни, журналист савол беради, интервью иштирокчиси ана шу саволларга жавоб қайтаради. Ушбу жараёнда томонларнинг нутқ ифодаси ва уни қабул қилиш амаллари алмашиб туради. Бу дегани қаҳрамон савол бериб, журналист жавоб қайтариши назарда тутилмайди. Балки айрим саволларга жавоб бермаслик, саволнинг очиқ қолиши ёки интервьюер фикрларини тўлдириш назарда тутилади. Оддий қилиб айтганда, интервьюда бир киши гапирди, иккинчиси тинглайди. Интервью орқали маълум мақсадга эришиш, муайян масалага ойдинлик киритиш, муаммонинг ечимини биргаликда излаб топишга имкон яралади.

"Интервью — узок давом этадиган заҳматли машғулот бўлиб, унда сиз саволларингизга жавоб олиш ёки ёритадиган мавзуингизни тушуниш учун савол беришдан чекинмайсиз," — деган эди англиялик тележурналист, муҳаррир Девид Рендалл.¹³ Интервьюда ўқувчи учун қизиқарли, шу билан бирга керакли бўлган ахборот суҳбатдошнинг фикрлари воситасида, аҳамиятли жиҳатларини ҳисобга олиб берилади. Баъзан у қандай бўлса шундайлигича, баъзан эса интервьюда кўтарилган мавзу доирасида қисқартириб берилиши мумкин. Интервью бу журналист саволларига аниқ шахс (шахслар гуруҳи)нинг аудиториянинг қизиқишларини назарда тутиб берадиган жавобидир.

Шундай қилиб, “интервью” сўзининг инглизчадан таржимаси “оралиқ”, “нигоҳ” деган маъноларни англатади. Улар орасидаги юпқа парда

¹³Рэндалл, Д. Универсальный журналист. — М.: Международный центр журналистики, 1996, с - 21.

олиб ташланса, “нигоҳлар оралиғи” деган мазмун ҳам келиб чиқади. Яъни, интервью — журналист билан суҳбатдош фикрлари, мулоҳаза ва муносабатининг ўзаро кесишиш нуқтаси, дейиш мумкин.

Мақсадига кўра интервью куйидаги турларга бўлинади:

Информацион интервью — ушбу жанрнинг энг кўп қўлланиладиган тури. У янгиликлар учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш мақсадига хизмат қилади. Қатъий вақт стандартлари сабаб интервьюнинг бу тури динамик кўриниш касб этган. Масалан, миллий аҳамиятга эга фожеани ёритиш учун тележурналист, дейлик, бир соат ичида кўплаб одамларни сўроқ қилиши керак. Информацион интервью асосини «ким?», «нима?», «қаерда?», «қачон?», «нега?», «нима сабабдан?» саволлари ташкил этади, бироқ махсус тасдиқланган ахборотларни қўлга киритиш мақсадида бу саволлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин.

Оператив интервью информацион интервьюнинг сиқик тури ҳисобланади. Унинг вазифаси аниқ, тор доирадаги савол юзасидан турли фикрларни жамлашдан иборат. Интервьюнинг бу тури одатда блиц-интервью ёки кўчадаги сўровнома деб юритилади. Бундай интервьюнинг ўзига хослиги стандарт шаклдаги саволларнинг имкон қадар кўпроқ одамга берилишида намоён бўлади. Сўров мавзусига қараб, унда бир ёки бир неча ижтимоий гуруҳ вакиллари иштирок этадилар. Ижтимоий сўровдан блиц-сўровнинг фарқи унинг далилланмаганида кўринади.¹⁴

Интервью-суриштирув маълум муаммо ёки воқеани жиддийроқ, батафсилроқ ўрганиш мақсадида уюштирилади. Одатда унга аввалдан тайёргарлик кўрилиб, саволлар ва уларнинг кетма-кетлиги пухта ўйланади. Бунда интервью олувчи учун респондент мулоҳазалари йўналишини кузата олиш қобилияти, мулоқотга киришувчанлик ҳамда мулоқотнинг новербал шаклларида моҳирона фойдаланиш кабилар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.¹⁵

¹⁴www.wikipedia.org

¹⁵ўша манба

Интервью-портрет (шахсий интервью) айнан бир қаҳрамонга йўналтирилади. Бу ижтимоий ҳаётда ўзини кўрсата олган ва кенг жамоатчилик эътиборидаги ҳар қандай инсон бўлиши мумкин. «Оддий одамлар» билан уюштирилган портрет интервьюлар нисбатан камроқ учрайди. Қаҳрамоннинг ўзига хослиги, бошқалардан фарқли жиҳатларини кўрсатувчи предмет ва деталлар аудиторияга ҳам етказилиши лозим.¹⁶

Сухбат (диалог) — интервьюнинг ушбу турида журналист қаҳрамон ва томошабин(тингловчи, ўқувчи) ўртасида воситачилик қилишдан ташқари суҳбатдош билан ҳамкорликда ижод қилиб, у билан тенг поғонани эгаллайди. Журналистнинг ижоддаги нуфузи ҳамда катта профессионал тажрибаси бу каби интервьюнинг зарурий шартларидан бири саналади. Шунингдек, суҳбатдошни тўғри танлаш ҳам муҳим. Чунки унинг ёрдамида журналист ибратли ва қизиқарли материал тўплайди.¹⁷

Флеш-интервью — қисқа интервью турларидан бўлиб, амалиётда ундан кўпинча жонли спорт трансляциялари ўртасидаги танаффусларда фойдаланилади.

«Журналист интервью берувчи спортчи/мураббийга ўйиннинг ўтган қисми ҳамда кейинги қисмидаги истиқболларга оид бир неча саволлар билан(спортнинг ўйин турларида қатъий равишда фақат ҳакам ҳуштагидан сўнг) мурожаат қилади».¹⁸

Флеш-интервью майдоннинг махсус ажратилган жойида олинади ва унинг вақти 90 сониядан ошмайди.¹⁹

«Журналистика ва публицистика» дарслиги муаллифи филология фанлари доктори Мухтор Худойкулов интервьюни оммавий ахборот воситаларида кенг қўлланиладиган жанр сифатида эътироф этади. Унинг фикрича, «мазкур жанрнинг матбуотда кўп учрашининг сабаби шундаки, ҳаётдаги ҳар бир факт, воқеа-ҳодисанинг қандай бўлиб ўтганлиги, тафсилоти,

¹⁶www.wikipedia.org

¹⁷ўша манба

¹⁸«Профутбол»: Срнa давал нашему каналу «интервью», а не «флеш-интервью».sports.ru (23 апреля 2013).

¹⁹ўша манба

одатда шу фактдан хабардор бўлган воқеа-ходисани кўрган, билган одамлардан сўраб-суриштириб билинади, кейингина бирор жанрдаги матбуот материалига асос бўлади”.²⁰ Олимнинг бу таърифи субъектив хусусиятга эга. Ваҳоланки, “интервью” сўзининг ўзи унинг оралик, масофа билан боғлиқ тушунча эканлигини айтиб турибди. Журналистикада интервью – бир шахснинг бошқа шахс ёки шахслар гуруҳидан ахборот излаш ва топиш жараёнидир. В.А.Аграновский айтганидек, “Интервью – бу фақат савол жавоблар эмас. Журналист интервью берувчининг олдига, биринчидан, фикр билан, иккинчидан, фикр учун боришга мажбур”.²¹

Интервью жанрининг бошқа журналистик жанрлардан ажралиб турадиган муҳим жиҳати, ўзига хослиги шундаки, аудитория интервью орқали ахборотни тез қабул қилади, фактларни тушуниш, идрок этиши осон кечади. Шунингдек, журналист томонидан берилган саволга соҳа мутахассиси томонидан жавоб берилгани учун унинг ишончилиги ортади. Чунки журналист берган ахборотдан кўра, респондент айтган хабар, маълумотнинг таъсир доираси кучли бўлади.

Савол-жавоб қонуниятига фақатгина интервью эмас, балки шаклий жиҳатдан яна бир жанр - суҳбат ҳам бўйсунити ҳақида юқорида айтган эдик. Гарчанд улар бир жанр турига мансуб бўлса-да, ўзаро фарқли жиҳатлари мавжуд.

Филология фанлари номзоди Ҳ.Саидов ва тадқиқотчи Н.Тўхлиевалар суҳбат ва интервьюнинг шаклан, мазмунан ва бошқа жиҳатлари нуктаи назаридан бир-бирига ўхшаш жиҳатларини тан олган ҳолда, икки жанр орасидаги фарқли томонларга тўхталиб, асосан тўртта фарқни ажратиб кўрсатадилар.

“Биринчи фарқи. Интервьюда интервью олувчи фақат қисқа, лўнда саволлар беради. Суҳбатда журналист савол бериш билан бирга бирор

²⁰ Худойкулов.М. Журналистика ва публицистика.- Т.: Тафаккур нашриёти. 2011. – Б.158 .

²¹ Аграновский В. Беседы о журналистике. –М., 1994.

муаммо ечими изланаётганда ёки бошқа зарурат туғилганда баҳсга киришиши мумкин...

Иккинчи фарқи. Журналист суҳбатдошининг жавобларини шарҳлаши мумкин. Албатта, шарҳлаш учун ҳам журналистдан юқорида таъкидланган сифатлар талаб қилинади.

Учинчи фарқи. Интервьюда асосий эътибор бир муаммо ёки бир мавзуга қаратилса, суҳбатда нисбатан кенгроқ, бир неча мавзуда савол жавоб бўлиши мумкин.

Тўртинчи фарқи. Савол берилганда ёки суҳбатдош жавоб қайтараётганда унинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлар - кулганлиги, жаҳли чиққанлиги, ўйланиб қолганлиги ва бошқа ўзгаришларни ҳам қавс ичида бериб бориш мумкин”.²²

Демак, гарчанд техникаси, шакли, қонуниятлари айнан бир хил бўлишига қарамасдан, мақсади ҳар хил бўлгани боис ҳам интервью ва суҳбатнинг ўртасида муайян фарқ бор экан. Биз бу икки тушунчанинг ичида интервьюни ўзимизга ўрганиш объекти қилиб олганмиз. Интервью жанри турли ранг-баранг кўринишларга эга бўлиб, улар ижтимоий ҳаётнинг кенг ва чуқур ёритиш, ундаги муҳим факт ва воқеа-ҳодисалардан ўқувчиларни бохабар этиш, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилади.

Рус тадқиқотчиси А.Тертычный интервьюни шаклий жиҳатдан иккига, яъни ахборий ва таҳлилий каби турларга ажратади.²³ Ахборий интервьюда сўров, суриштирув натижасида олинган факт, аниқланган воқеа ва ҳодиса ҳақида хабар қилинади ҳамда бу хабар ёки маълумот ким томонидан берилганлиги маълум қилинганлиги айтилади. Яъни бир хил материалда факт ва маълумотлар кимдан олинганлиги айтилиб, қисқача тарзда баён этиб ўтилади. Бу жиҳатдан у хабар жанрига яқин туради. Таҳлилий интервью эса суҳбат деб аталади ва унда таҳлилий публицистика

²² Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Т., 2008. - Б.49-51.

²³ Тертычный А.А. Жанры периодической печати: Учебное пособие. - М.: Аспект Пресс, 2000.- С.81.

хусусиятлари бирлашиб кетиши, яъни у орқали хабар ва маълумотлар берилиши ҳам, фикр-мулоҳазалар билдирилиши ҳам мумкин.

Ҳозирги замонавий ўзбек матбуотида журналистика жанрлари нуктаи назаридан ҳам интервьюнинг бир неча турлари учрайди. Масалан, бирорта факт, ҳодиса ҳақида янги маълумот олиш кўзда тутилган хабар-интервьюлар, муайян воқеликка ойдинлик киритишига қаратилган, аниқлаш мақсадида қилинадиган интервью орқали журналист илгари олинган хабарни таҳлил қилади ёки воқеа-ҳодиса билан боғлиқ фактларни аниқлайди. Ёки суҳбат-фикр-мулоҳазадан жамоатчиликнинг эътиборида бўлган, шунингдек журналистни ҳам бефарқ қолдирмаган муаммога суҳбатдошнинг фикри орқали ойдинлик киритади. Интервью – текширув эса, асосан, зиддиятли вазиятларда унинг асосий ўзагини, бўғинини топиб, барча жиҳатларини аниқлаштирадиган мутахассис ёки мутасадди билан биргаликда олиб бориладиган журналист фаолиятидир.

Интервьюнинг жанр сифатидаги ўзига хосликлари борлигини ва у асосан савол-жавоб тариқасида бўлишини юқорида таъкидладик. Филология фанлари номзоди Ҳ.Саидов ва тадқиқотчи Н.Тўхлиевалар томонидан яратилган “Репортёрлик маҳорати” ўқув қўлланмасида унинг: интервью-монолог, интервью-диалог, интервью-ахборот, оммавий интервью сингари кўринишлари ҳақида маълумот берилган.

Интервью-монологда танланган суҳбатдошга савол берилади ва у саволларга батафсил жавоб қайтаради. Бу савол-жавобларга бўлиб ташланмаган бир бутун матндир.

Интервью диалог — саволлар ва жавоблардангина иборат мулоқот. Журналист тайёрлаб қўйган асосий саволлар билан чекланмасдан қўшимча саволлар ҳам бераверади. У суҳбатдошидан баъзи масалаларга аниқлик киритишни, муҳокама этилаётган муаммо бўйича шахсий фикрини билдиришни, қўшимча далил ва мисоллар келтиришни, кишилар исм-шарифини, шаҳарлар номини эслашини ва ҳоказоларни сўрайди.

Интервью-ахборот — суҳбатнинг аҳамиятли жойлари бериледи, шунингдек жавоблар қисқартириб берилиши мумкин.²⁴

Энг оммабоп тезкор мазкур жанр журналистлардан жуда катта меҳнат, топқирлик ва маҳорат талаб этади. Журналист аввало ҳаётни мутассил кузатиб бориши, ундан ижтимоий аҳамиятли, ўқувчиларни қизиқишини уйғотадиган факт, воқеа ва ҳодисаларни қидириб топиши, улар ҳақида кенгроқ маълумот бера оладиган одамларни аниқлаши, уларни суҳбатга тортиши, ҳамда зарур маълумотларни ола билиши лозим. Интервьюни ёзиш чоғида журналист аввало, фактлар аниқлиги, воқеа-ҳодиса тафсилотларининг ҳаққонийлигига эътибор бериши лозим. Интервьюнинг қайси шаклда ёзилиши унинг қайси мавзу, масала ва муаммога бағишланганлиги, ижтимоий аҳамиятига боғлиқ.

Қаҳрамон шахсини аниқ очиб беришга йўналтирилган интервью ёки муаммоли вазиятни ўрганиш учун бевосита суҳбатнинг ўзи кифоя қилмайди. Интервью олувчининг муҳим вазифаларидан яна бири – бу суҳбатдошни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир.

Журналист интервью олишда маълумот олинаётган одамга ўша воқеа, ҳодисанинг моҳиятини очиш учун зарур бўлган саволларни ўз вақтида бера олиши ва уларга тегишли жавоб ола билиши лозим. Журналист мўлжалга урадиган қисқа, лўнда саволлар бериб, суҳбатдошдан ҳам шундай жавоб олишга эришиш лозим. Кераксиз тафсилотлар, ортиқча сўзлар интервьюни бузади, унинг аҳамиятини пасайтиради. Энг муҳими кўпчиликка, жамоатчиликка янгилик, янги факт, янги маълумотлар етказишдир”.²⁵

Интервьюнинг ички тузилишига келсак, унинг қандай бўлиши унга асос бўлган мавзудан ва журналист танлаган шаклдан келиб чиқади. Бу борада тайёр, кўп учрайдиган шаблон тузилишлардан қочиб, оригинал, ижодий услуб топилиши лозим. Журналистлар интервьюга жуда кўп вақт сарфлашади. Бунда ҳам маълум даражада асос бор. Сабаби айнан интервью

²⁴ Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Т., 2008, 12-б.

²⁵ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Тошкент.: Тафаккур нашриёти.2010. – Б.160.

жанри ўзининг жонлилиги ва табиийлиги билан инфор­мацион жанрлардан ажралиб туради. Шунингдек, айнан интервью бошқа жанрлар қоришмасида кела олади. Дейлик, хабар, мақола, корреспонденция, шарҳ ҳамда журналист суриштируви каби турли хил жанрларда айнан ахборот манбаларидан интервьюнинг берилиши интервьюнинг кенг кўлам­ли эканлигидан далолатдир.

Газетада учрайдиган интервьюлар ранг-баранг тарзда, турли шаклларда олиб борилиши мумкин. Аммо мазмуни ва мақсадига қараб ҳам бир неча турларга бўлиш мумкин. Булар хусусий, оммавий ва махсус интервьюлардир.

Хусусий интервью – мавзу ва мақсад эркин бир вазиятда томонлар майлига қараб ихтиёрий ва ихтиёрсиз тарзда белгиланади. Кундалик ҳаётда учрайдиган мулоқотлар шу тоифадаги мулоқотлар сирасига киради. Бундай интервьюларни кўпроқ хусусий, кўнгилочар нашрларда кузатиш мумкин.

Оммавий интервью – катта аудиторияни жалб этиш мақсадида аниқ режа ва саволлар асосида ташкил этилади. Бундай интервьюлар мазмун ва моҳият жиҳатидан ижтимоий йўналтирилган, шаклий-услубий жиҳатдан эса муайян кўринишда бўлади.

Махсус интервью – аниқ бир мақсадни ол­дига қўйган, аниқ йўналишга эга, муайян муаммо ёки тор мавзуга қаратилган бўлади. Уни уюштиришдан кўзланган мақсад бирор бир воқелик, вазият, жараён, ҳодисага нисбатан мутахассис – суҳбатдошнинг аниқ фактлар ёки шахсий мулоҳазалари орқали муносабати ёки баҳоси ҳақида маълумотга эга бўлишдир.

Ҳар қандай ахборот факт асосига қурилади. Интервью ҳам бундан мустасно эмас. Факт лотинча “faktum” сўзидан олинган бўлиб, қилинган иш деган маънони билдиради. Оддий қилиб айтганда, факт исбот талаб қилмайдиган маълумот. Ҳар қандай хабарнинг асосида ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса туради, лекин ҳар қандай факт воқеа ва ҳодиса ҳам хабар учун асос бўла олмайди. Аввало бу фактнинг ижтимоий аҳамияти, яъни, жамият учун, шу кун, шу давр учун керак-нокерак, зарур-нозарурлиги муҳим

аҳамиятга эгадир. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётига тааллуқли, ўз моҳияти билан керакли, зарур бўлган факт, воқеа ва ҳодисагина матбуот хабари учун асос бўла олади. Бунда ана шу факт, воқеа ва ҳодисанинг янгилиги биринчи даражали аҳамият касб этади. Яна бир эътиборли жиҳатни таъкидлаб ўтиш керакки, таҳлилий материалларда келтирилган интервьюлар кўп ҳолларда факт сифатида талқин этилади.

Интервью олишда журналистнинг асосий қуроли саволдир. Савол — бу мантикий шакл бўлиб, мавжуд ахборотни ўз ичига олади. Агар журналист саволни тўғри туза олмаса, интервью берувчи шахсдан зарур ахборотни олишга эришолмайди. Жавоблар эса қисқа ва тушунарсиз бўлиб қолади. Аввало журналист интервьюда журналист этикаси қоидаларига риоя этиши керак, яъни унга кўра журналист мавзунини чуқур ўрганиб олиши, саволларни тўғри танлай билиши, суҳбатдошни тўғри танлаши зарур ҳамда суҳбатдошининг таржимаи ҳоли ва унинг қизиқишларини ўрганиб чиқиб ҳатто гаплашиш услубига билса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, интервью берувчига тааллуқли маълумотларнинг иқир-чиқиригача биладиган журналист респондент меҳри ва ишончини қозонади. Бу эса мулоқотнинг муваффақиятини таъминлайди. Демак, интервью оладиган журналистлар мулоқотнинг асосий ҳеч бўлмаганда иккита специфик талабини яхши билиши керак. Журналистда ахборотга эга бўлган суҳбатдошни ўзига жалб қила олиш кўникмасининг борлиги бу—биринчи талаб. Иккинчиси мулоқотга жиддий тайёргарлик кўришдир.

Журналист аввало ҳаётни муттасил кузатиб бориши, ундан ижтимоий аҳамиятли, ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотадиган масала ва муаммоларни қидириб топиши, улар ҳақида кенгроқ маълумот бера оладиган суҳбатдошларни аниқлаши, уларни суҳбатга тортиши ҳамда зарур маълумотларни ола билиши лозим.

Шундай қилиб, журналистик фаолиятда интервью ахборот олиш усули ҳамда ахборот жанри намунаси сифатида муҳим эканлигини эътироф этиш зарур. Интервьюнинг муваффақияти шахслараро коммуникациянинг қай йўсинда қурилиши, вербал ва невербал мулоқот воситаларидан тўғри фойдаланиш каби жиҳатларга боғлиқ. Журналистик асарлар орасида интервью содир бўлган воқеа-ходисалар ҳақида муайян мавзуга оид янгиликларни шахс орқали бериш, мавзуга ойдинлик киритиш, маълумот олиш ва суҳбатдошнинг фикрлари, шахсий мулоҳазалари орқали ҳаёт ҳақиқатини аниқлашга хизмат қилади.

1.2. Интервью жанри ривожланишининг илмий-назарий асослари

Журналистиканинг ҳар бир жанри бошқа жанрлардан фарқ қилувчи маълум ўзига хосликларга эга. Улар бир-биридан ахборотни етказиш шакли, усули, хиссий-таъсир воситалари каби жиҳатлар билан фарқланади.

Аммо, юқорида айтганимиздек, жанрлар эволюцияси техника ривожидан чамбарчас боғлиқ. Масалан, радио ва телевидениенинг вужудга келиши аввал мавжуд бўлган жанрларнинг янги турларига асос солди. Шу тариқа радио ва телевизион интервью пайдо бўлди, лекин улар газета интервьюсини сиқиб чиқармай, у билан биргаликда ривожлана борди. Интернет журналистикаси эса мавжуд жанрларнинг қисқа, лўнда ва интерактив турлари юзага келишини тақозо этди.

Интервью жанри шаклига кўра, диалог асосига қурилишини ҳисобга олиб, бу жанрнинг келиб чиқиш ва ривожланиш босқичлари ана шу мулоқот усули билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақиқатга яқин. Диалог (фр. dialogue, ингл. dialog[ue], грек. dialogos «суҳбат», «сўзлашув») бу — икки ва ундан ортиқ шахслар ўртасидаги сўзлашув жараёни. Мантиқан, интервью жанри табиий равишда диалогдан ва ахборотни тўплаш ҳамда тарқатиш эҳтиёжидан келиб чиққан, деган фикр ўзини тўла оқлайди.

Милоддан аввалги 1 асрда Юлий Цезар фармонида асосан, газеталарни эслатувчи илк хабарномалар — «Acta Senatus» и «Acta diurna populi Romani» чоп этила бошлаган. Улар учун мўлжалланган хабарлар гипс билан қопланган ингичка тахта бўлакларига ёзилиб, барчага кўринадиган жойларга осиб чиқилган. «Acta»нинг ёзма нусхалари Рим шаҳарлари ва худудий бўлинмалари бўйлаб тарқатилган. Маълумотларга кўра, ахборот тўпловчи одамлар — «деурналистлар» мансабдор мулкдорлар орасидан танлаб олинган. Ахборот тўплаш жараёни, англаш қийин эмаски, Рим фуқаролари ва амалдорлари билан диалог шаклида кечган. Бироқ у савол-жавоб эмас, балки хабар матни кўринишида қайд этилган.²⁶

Қоғознинг кашф этилиши, дастлабки газеталарнинг чоп этилишига

²⁶ www.telenir.net

карамай, тўғридан-тўғри интервью жанрининг ривожини билан боғлиқ воқеалар 18 аср ва ҳатто 19 аср ўрталарида ҳам кузатилмаган. Журналистлар сиёсатчилар, дипломатлар билан ахборот олиш мақсадида суҳбатлар ўтказган бўлса-да, манбани камдан-кам ҳолларда келтиришган ва суҳбатлар мазмунини етказиш билан чекланишган. Масалан, АҚШнинг 16-президенти А. Линкольн, журналистлар билан суҳбатлар ўтказиб, уларнинг саволларига жавоб берган. Бироқ президент фикрларидан иқтибос келтирилган интервью шаклидаги журналистик материаллар чоп этилмаган.

XX асрдан бошлаб интервьюнинг матбуотдаги ривожини кузатиш имконияти ортади. Лекин бу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: таянч нуқта сифатида қайси давлатни олган маъқул? Зеро, машҳур британиялик журналист У. Сид 1902 йилда интервьюга «Американинг ўзига хос кашфиёти» дея таъриф берган. 1927 йилда АҚШ журналистикаси ҳақида китоб ёзган немис журналистика назариётчиси Э. Довифат ҳам ўз навбатида интервьюни соф америкача янгилик деб атаган.²⁷

1870-йилларгача интервью берувчиларнинг фикрлари журналистик асарларда фақат тўғридан-тўғри иқтибос сифатида қўлланилган. Ж.Суинсоннинг 1880 йилда К.Марксдан олган интервьюси ўз ичида «Капитал» муаллифининг бир неча қисқа иқтибосини сақлаган холос. Бироқ асрнинг кейинги ўнйилликларида интервью АҚШ журналистикасида машҳур жанрлардан бирига айланади. 1890-йилларда бу жанр Нью-Йорк газеталарида кенг қўлланила бошланди. Журналистлар одатда амалдорлар, рим папаси, Британия ва Германия вазирлар маҳкамаси аъзолари, хорижий меҳмонлардан интервью олишган.²⁸

XIX аср сўнгида интервью Европада кенг тарқала бошлайди. Ўша замон британиялик журналистларидан бири «1900 йиллардан сўнг инглизлар интервьюни қабул қила бошлади», дея тан олган. Кейинчалик бу жанрга

²⁷ [Беспалова А.Г., Корнилов Е.А., Короченский А.П. История мировой журналистики. 2003](http://www.lawbooks.news)

²⁸ ўша манба

Франция, Германия ва Италияда ҳам мурожаат қилиш одатий тусга кирди.²⁹

Биринчи жаҳон уруши йилларида тарғибот олиб бориш эҳтиёжи интервьюнинг Европада ривожланишига туртки бўлди. Урушдан кейинги даврда бу жанр Европа матбуотида жуда кенг тарқалишга улгурди. XX асрнинг 30 йилларига келиб, интервью олиш газета журналистикасининг ривожланган соҳасига айланди, интервьюнинг хилма-хил турлари кўлланила бошланди. Саволларнинг долзарблиги ва кутилмаганлиги, суҳбатдаги «иштирок эффекти» бу жанрнинг омма орасида муваффақият қозонишини таъминлади.³⁰

АҚШда интервьюнинг пайдо бўлиш шароитларини ўрганган россиялик тадқиқотчи А.Оскерко жанр вужудга келишининг куйидаги қонуниятларини ажратиб кўрсатади:

1) Оммавий ўқувчи ва, табиийки, оммавий матбуотнинг мавжудлиги. Жуда чекланган шахслар доирасига йўналтирилган нашрларда интервьюни амалга ошириш иложсиз. Оммавий матбуотнинг юзага келиши ахборот ишончилиги муаммосини кун тартибига қўяди. Ўз навбатида, маълумотларни «биринчи шахс тилидан» бериш зарурати пайдо бўлади. Шу тариқа матбуот бир томондан ўзига нисбатан аудитория ишончининг ортишини таъминласа, иккинчи томондан, бировларнинг сўзларини нотўғри талқин қилиш масъулиятидан халос бўлади.

2) Ижтимоий ҳаётнинг демократлашуви. Интервью, гарчи коммуникантларнинг белгиланган вазифаларини тақозо этса-да, барибир суҳбатдошлар тенглигини назарда тутвчи диалогдир. Журналист интервью берувчи билан баҳслашиши, провокацион саволлар бериши мумкин, қатъий иерархия шароитида эса, бунинг имкони йўқ. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаётнинг демократлашуви шахс ролининг ва ўз навбатида унга нисбатан қизиқишнинг ортишига сабаб бўлди.

3) Интервью жанрининг вужудга келишига хизмат қилувчи муҳим

²⁹ [Беспалова А.Г., Корнилов Е.А., Короченский А.П. История мировой журналистики. 2003](http://www.lawbooks.news)

³⁰ ўша манба

шартлардан бири сўз эркинлигидир. Жамиятда хилма-хил фикрларни баён этиш имконияти мавжуд ҳолатдагина интервью жанри аҳамиятга эга бўлади. Собиқ совет тузуми даврида сўз эркинлигининг йўқлиги интервьюнинг вужудга келиш жараёнини АҚШга нисбатан қирқ йилга кечиктирди.

4) Интервью дастлаб пайдо бўлган вақтданок ўзида таҳлилийлик ҳамда образлилик элементларини сақлаган, яъни у ўз табиатига кўра, баъзи тадқиқотчилар тахмин қилганидек, турли жанрлар диффузияси натижасида келиб чиққан эмас, балки турлараро жанр ҳисобланади.³¹

Журналист М.Худойкуловнинг қайд этишича, ўтган асрнинг охирларида рус матбуотида фаолият кўрсатган журналист В.Песков интервью жанрининг илк намоёндаларидан бири бўлган. Унинг 1962 йил 12 апрелда коинотга учирилган биринчи космонавт Ю.Гагариндан олган интервьюси ушбу жанрнинг бугунги кунга қадар сақланиб қолган нодир намуналаридан саналади.

“Ўзбек матбуотида ҳам интервью жанри ўзига хос ўринга эга бўлиб, бу жанрнинг ҳам усталари мавжуддир. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида “Қизил Ўзбекистон” газетасида фаолият кўрсатган журналист Абдулла Пўлатов ҳам бу жанрнинг устаси эди. У ҳар куни газета учун бирор қизиқарли, “теша тегмаган” янгилик топиш учун тинмай изланарди. Журналист газета саҳифаларида ёритилган ана шундай ижодий ёрқин интервьюларни, хабарлари учун ўз касбдошлари томонидан “ахборот қироли” деб ном олган эди”.³²

Ғарб журналистика мактабларида интервью назарияси ва методологияси нисбатан пухтароқ ишлаб чиқилган. Қуйида биз бу ишларнинг айримларинигина келтириб ўтамиз.

Масалан, барчага маълум тўнкарилган эҳром шаклидаги интервью олти анъанавий саволга(ким, нима, қачон, қаерда, қандай, нега) кетма-кет жавоб бериш қонуниятига бўйсунди. «Тўнкарилган эҳром»да воқеанинг асосий

³¹ Оскерко А. Н. Возникновение жанра интервью: от истоков к современности// <http://www.bestreferat.ru>

³²Ўша манба.

қисми — унинг натижаси матн аввалига жойлаштирилади. Бу қоида воқеа-ходисанинг содир бўлганига оид хабарнинг классик моделини яратишда қўл келади. Тўнқарилган эҳромнинг «асосий мазмун — бошида» кабилидаги формуласи асосий ахборотни бошиданок илғаб олиш ҳамда ўқувчи диққатини асосий фактларга қаратишга ёрдам беради.³³

Креатив интервью назарияси ҳам ўзида кенг имкониятларни сақлайди. Бунда суҳбат иштирокчилари маълумотлар, ғоялар алмашиш орқали ҳар бири мустақил равишда чиқара олмайдиган хулосалар, юксак билим даражасигача етиб боришади. Ушбу йўналиш муаллифи Мецлер К. (Metzler К.)нинг фикрича, журналист ўз саволларига тўғридан-тўғри эмас, балки ижодий ёндашиши керакки, нашрга тайёр ахборот маҳсулотида ўқувчи ўзи билмаган маълумотларни топсин.³⁴

Россиялик тадқиқотчи М.Лукинанинг ёзишича, сўнгги йилларда Европа ва Американинг ўқув муассасаларида интервьюнинг машҳур канадалик журналист Жон Саватски томонидан ишлаб чиқилган янги методологияси оммавийлашиб бораётган экан. Ушбу методология мазмуни шундан иборатки, журналист ва суҳбатдоши ўртасидаги яширин мусобақа, респондентдан ахборотни «юлиб олиш» истагига асосланган савол-жавоб мулоқоти стереотипларига барҳам беришни назарда тутди. Мусобақа, яъни мулоқотга киришувчи томонларнинг ўзига хос кураши, Жон Саватскининг фикрича, инсонлар ўртасидаги одатий суҳбатларга хос, журналистик интервью учун ахборот тўплашда эса ўзгача ёндашув зарур. «Интервьюда мусобақаланиш эмас, балки саволлар бериш ва уларга жавоб олиш керак», дейди у.³⁵

Аслида кенг маънода олганда, журналистнинг профессионал мақсаддаги барча суҳбат шакллари ва турлари интервьюдир. Албатта, бунда

³³Оскерко А. Н. Возникновение жанра интервью: от истоков к современности// <http://www.bestreferat.ru>

³⁴Metzler К. Creative Interviewing: the writer's guide to gathering information by asking questions. 2nd Edition. Prentice Hall, 1989, 42-б.

³⁵Саватски Д. How To Ask Powerful Questions: Лекции / Европейский центр журналистики. - Маастрихт, 2000, 33-б.

журналист хатти-ҳаракатлари мақсадлар тури, қўйилган вазифалар даражаси ҳамда уларда журналист иштироки қай даражада эканлигига қараб ўзгариб туриши мумкин. Лекин шунга қарамай, барча ҳолатларда интервью бу ахборот олиш ҳамда жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун янги билимларни ишлаб чиқиш мақсадидаги шахслараро вербал мулоқот ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган интервью борасидаги қарашлар орасида Жон Саватскининг мусобақага асосланган муносабатларни инкор қилиб, ҳамкорлик муносабатларини таклиф этувчи ёндашуви, назаримизда, замонавий журналистик амалиёт реалияларига яқинроқдек. Бироқ бу ёндашув ҳам ахборот олиш мақсадида бошқа одамлар билан мулоқотга киришувчи журналист хатти-ҳаракатлари услубини тўла акс эттира олмайди.

Фуқаролик жамияти даври ҳамда асрлар давомида юзага келаётган янги ахборот тартиби ахборот алмашинуви жараёнларининг барча иштирокчиларини эски ёндашув ҳамда қарашларни қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқда. Профессинал журналистика амалиётида очиклик, шаффофлик ҳамда суҳбатдошга нисбатан бағрикенглик ва ҳурматга асосланган янги ёндашувлар вужудга келаётир. Механик тарзда «ахборот тўплаш»га асосланган ҳамда суҳбатдошни гўёки «фош этувчи», у билан баҳсга киришувчи конфронтацион суҳбат усуллари бугун аҳамиятини йўқотди. Журналистнинг фикр билдириш ва баҳолаш чегаралари эса торайиб бормоқда. Аини дамда журналистикада фикр-мулоҳазалардан кўра, соф ахборотга талаб кучаймоқда, бу ўз навбатида «дилдан суҳбат», интервью берувчи билан дўстона мулоқотга эҳтиёжнинг камайишига сабаб бўлаётир. Бу ўринда биринчи ўринга маълумотлар манбаи сифатида суҳбатдош чиқади, журналистнинг вазифаси эса бу маълумотларни босим ўтказмаган ҳолда, юмшоқлик билан қўлга киритиш, сўнг уларни керакли ўринда жамиятга етказишдан иборат. Бу ёндашувда аудиториянинг интерфаол иштироки ҳам муҳим ўринга эга бўлиб, у тўлақонли ҳамкор сифатида интервью жараёнида иштирок этиши мумкин. Бунда журналист мулоқотнинг режиссёри,

модератори ҳамда ахборот маҳсулотининг якуний истеъмолчиси сифатида намоён бўлади.³⁶

Мавзу кўлами ва мақсадига кўра, тадқиқотчилар интервьюларни куйидагича тавсфилайдилар:

1. Интервью-баённома. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича расмий тушунтиришларга эга бўлиш мақсадида ўтказилади. Интервью берувчи сифатида, табиийки, юқори мартабали расмий шахсларга мурожаат этилади.

2. Информацион интервьюнинг мақсади – муайян маълумотларни тўplash. Интервьюнинг бу тури информацион-публицистик дастурлар таркибига киради.

3. Портрет интервью – суҳбатдош шахсини имкон қадар тўлиқроқ очиб беришга қаратилган телеинтервью тури. Мазкур ҳолатда интервью берувчининг ижтимоий-психологик тавсифи, унинг қадриятлар тизимини юзага чиқаришга аҳамият берилади. Интервьюнинг бу тури одатда экран очеркининг таркибий қисми сифатида гавдаланади. Айнан спорт соҳасини оладиган бўлсак, спортчиларнинг одатий турмуш тарзи, кундалик машғулотлари, шахсий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи портрет-интервьюлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

4. Баҳс-мунозара бир-биридан фарқ қилувчи хилма-хил нуқтаи назарлар ёки ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этиш йўлларини очиқлашга хизмат қилади.

5. Интервью-анкетадан маълум масала бўйича турли суҳбатдошлар фикрини аниқлашда фойдаланилади. Кўпинча бу айнан бир савол билан турли суҳбатдошларга мурожаат этишни кўзда тутвчи интервьюлар сериясидир. У студиядан ташқарида амалга оширилади. Журналист суҳбатдошлари бу ҳолатда турли ёш ва касб эгалари бўлиши мумкин. Масалан, мактаб ўқувчиси, ҳарбий хизматчи, хорижлик саёҳатчи ва ҳ.к.

Саналганлар орасида энг оддий кўринишдагиси интервью-баённома

³⁶ Лукина М.М. Технология интервью. - М.: Аспект Пресс, 2003, - с.32.

бўлиб, журналист бунда кўпинча олдиндан келишилган ва композицион жихатдан боғланмаган саволлар билан суҳбатдошига мурожаат қилади. Расмий шахс расмий жавобларни беради. Қайта сўраш ва бирор маълумотга аниқлик киритиш эса одатда журналистик этикага зид ҳолат деб баҳоланади.

Информацион йўналишдаги интервьюлар бир вақтнинг ўзида икки вазифани бажаради: ижтимоий аҳамиятга эга ахборотни олиш ва бу ахборот манбаси бўлган шахсларнинг баъзи ўзига хосликларини очиқ бериш. Интервьюнинг мазкур шакли бир савол бўйича бир неча иштирокчиларга жавоб бериш таклиф этилган интервью-анкетадан фарқ қилади. Информацион интервьюда ҳар бир савол индивидуал бўлиб, берилган вақтда интервью олувчи суҳбатлашаётган шахсга қаратилади.

Муаммоли интервью — юқорида кўриб чиқилган интервью турларидан энг мураккаби, десак, муболаға бўлмайди. Интервью олувчи суҳбатнинг асосий тезислари, ўз саволлари ва мулоҳазалари, шунингдек суҳбатдошларнинг инкор этувчи далиллари, ўз саволларига уларнинг ҳамда уларнинг жавобларига ўзининг муносабатини олдиндан ўйлаб олиши керак.

Журналистикада ихтисослашув тушунчасининг юзага келиши ҳам ўз навбатида жанрлар тараққиётига ҳисса қўшди. Ҳаётнинг сиёсат, иқтисодиёт, фан, маданият ва спорт каби жабҳаларини ёритишга ихтисослашган нашрларда ахборот тақдим этишнинг ўзига хос усуллари пайдо бўла бошлади. «Жанр тушунчаси доимо ўзгариб ва ривожланиб борганлиги боис унинг тугал назарияси ишлаб чиқилгани йўқ. Айниқса, интернетнинг ОАВ сифатида тан олинishi бу масалани бирмунча чигаллаштирди. Боиси, интернетдаги фойдаланувчилар фақат ахборот истеъмолчилари эмас, балки ахборотни етказувчилар ҳам ҳисобланади», деб ёзади бу ҳақда Н.Тошпўлатова.³⁷

Демак, замон талаблари асосида жанр хусусиятлари, фактларни тақдим этиш тартибига ўзгартиришлар киритилиши табиий ва зарур жараён саналади.

³⁷ Тошпўлатова Н., Журналистикага жанр керак(ми?) // «Хуррият», 2017 йил, 25 январь

Спорт нашрларига оид интервьюларнинг ўз тараққиёт йўли, алоҳида белги ва хусусиятлари мавжуд. Украиналик тадқиқотчи А.В. Гусевнинг фикрича, “Спорт журналистикаси тушунчаси етарлича кенг қамровлидир. Уни спортга доир долзарб ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва оммавий коммуникация каналлари (матбуот, радио, телевидение, Интернет) орқали тарқатишга оид ижтимоий аҳамиятга эга фаолият сифатида баҳолаш мумкин.

Спорт журналистикаси, худди публицистика сингари бадиий адабиёт билан боғлиқлик касб этади. Спорт журналистикаси ўзининг хос аудиториясига эга, уни, асосан, профессионал спортчилар ва спорт ихлосмандлари ташкил этади. Бу аудиторияни, камида уч категорияга ажратиш мумкин: мутахассислар, яъни спорт саноатида бевосита иштирок этувчи кишилар (спортчилар, мураббийлар, соҳада юқори мансабларни эгаллаган шахслар, журналистлар, спорт объектлари ходимлари), нофаол ҳамда фаол ихлосмандлар. Нофаол ихлосмандлар — вақти-вақти билан ўйинларни томоша қиладиган баъзан у ёки бу воқеага бағишланган материални ўқиши мумкин бўлган кишилардир, фаол ихлосмандлар эса спортга оид барча воқеа-ҳодисаларни кузатиб бориб, сеvimли жамоаси ёки спортчисини қўллаб-қувватлайди”.³⁸

Таъкидлаш жоизки, интервьюнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан унинг қандай аудиторияга мўлжаллангани ва ким билан ўтказилишига ҳам боғлиқ. Бу хусусда тадқиқотимизнинг кейинги бўлимларида батафсил фикр юритамиз.

Ҳар сонияга бир неча ахборот тўғри келаётган шиддатли ва тезкор бугунги кун журналистикасида ахборий жанрлар аҳамияти тобора ортмоқда. Тадқиқотчилар интервьюни ҳам анъанавий тарзда шу жанрларга мансуб, деб ҳисоблайдилар. Ўқувчига ахборотни “биринчи қўл”дан узатиш имконияти интервью жанрининг ҳозирги муваффақиятини таъминлаган бўлса, ажаб эмас.

Спортга бағишланган босма нашрларнинг деярли барчасида

³⁸ Гусев А.В. Жанры спортивной журналистики// www.studopedia.ru

интервьюни учратиш мумкин. Унинг савол-жавоб асосида қурилиши спорт мусобақалари ва ўйинларидаги тезкорлик, шиддат руҳини тўғридан-тўғри ўқувчига етказиш имконини беради. Шунингдек, интервьюда материал муаллифидан кўра, суҳбатдош фикрининг устуворлиги ҳам диққатга сазовор. Кўпинча суҳбатдош сифатида клуб ёки федерация раҳбари, жамоанинг бош мураббийи, етакчи, таниқли ўйинчи ёки спортчиларга мурожаат этилади; шунингдек, маълум спорт тури бўйича тан олинган эксперт ҳам, жамоанинг янги ўйинчиси ҳам интервью иштирокчисига айланиши мумкин. Спорт босма нашрлари биринчи навбатда ўқувчига ахборот бериш, фактларни қайта ишланган таҳлилий вариантда тақдим этиш, қолаверса, у ёки бу материаллар орқали доимий аудиториясини тарбиялаб боришга интилади. Босма спорт журналистикаси бир қанча жанрларга бўлинишига қарамай, улар орасидаги чегаралар нисбий ва амалий фаолиятда у ёки бу жанрлар қоришувидан иборат материаллар кўпроқ учрайди.

Хулоса қилиб, интервью коммуникация воситаси сифатида журналистика билан деярли бир вақтда пайдо бўлган ва ривожланиб борган бўлишига карамай, жанр сифатида унинг тараққиёт йўли бир қанча мураккаб босқичларни камраб олади. Узоқ йиллар давомида инсонлар тафаккуридаги ўзгаришлар, техника тараққиёти каби омиллар интервьюнинг шакл ва мазмун жиҳатидан ўзгариб боришига сабаб бўлган.

Интервью журналистиканинг деярли барча жанр хусусиятларини ўзида мужассам этгани боис, баъзи тадқиқотчилар унга бутунлай ўзига хос, жанрлар тизимидан четда турувчи гибрид ҳосила, дея таъриф беришади. Лекин биз интервьюни айнан спортга ихтисослашган нашрларда кенг тарқалган конкрет жанр сифатида, спорт мавзуларини ёритишдаги аҳамияти ва имкониятлари нуқтаи назаридан ўргандик.

Интервью дастлаб пайдо бўлган вақтларданок, ўзида таҳлилийлик ҳамда образлилик элементларини сақлаган, яъни ўз табиатига кўра, интервью турлараро жанр ҳисобланади. Бироқ бу унинг алоҳида хусусиятлари ҳамда спорт журналистикасида тутган ўрнини аниқлашга халал бермайди. Айтиш жоизки, спорт журналистикасига ихтисослашган нашрларнинг юзага келиши мазкур жанр тарихида янги саҳифа очди. Бу хусусда навбатдаги бобимизда атрофлича фикр юритамиз.

II БОБ. СПОРТГА ИХТИСОСЛАШГАН НАШРЛАРДА ИНТЕРВЬЮ ЖАНРИНИНГ ЎРНИ

2.1. Замонавий спорт матбуотида интервью етакчи жанр сифатида

Маълумки, ҳеч бир соҳа мамлакатни жаҳонга спортдек тез танита олмайди. Соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар, янги номлар, йўл кўйилаётган хато ва камчиликларни ёритишда эса спорт журналистикасининг алоҳида ўрни бор. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ, Ўзбекистонда спортга жуда катта эътибор қаратила бошлади, мазкур соҳа давлат аҳамияти даражасига олиб чиқилди, десак, хато бўлмайди. Ўз навбатида юртимизда фаолият юритаётган барча ОАВ бу сиёсатни тўлақонли акс эттиришга ўз хиссасини кўшмоқда. Бу борада, энг катта масъулият спорт нашрлари зиммасига тушади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда катор спорт йўналишидаги анъанавий ҳамда интернет нашрлари фаолият олиб бора бошлади. Тадқиқот ишимизнинг объекти сифатида танланган “Футбол экспресс” ва “Интерфутбол” газеталари футболга ихтисослашган бўлиб, улардаги мавзулар қамрови ҳам газеталарнинг йўналишидан келиб чиқади.

Спорт матбуоти журналистиканинг умумий қабул қилинган (стандарт) функцияларни бажаради. Информацион, таҳлилий ҳамда тарбиявий функциялар шулар жумласидан.

ОАВ вазифаси – инсон ҳаётининг барча кўринишларини ёритишдан иборат. Бирор алоҳида томонни батафсил ёритишга эса ОАВнинг махсус турлари йўналтирилади. Шундай қилиб, спорт матбуоти оммага спортга доир барча воқеа-ҳодисаларни қамраб олувчи **ахборотни тақдим этади**. У якунига етган мусобақалар натижаларини хабар қилади, бўлиши кутилаётган беллашувлар анонси ва прогнозларини беради, спорт турлари ўзига хослиги ҳақида умумий ва алоҳида турнирлар қоидалари ҳақида хусусий тарзда ҳикоя қилади

Таҳлилий функция натижалар, спортдаги жараёнларнинг объектив-субъектив идрок этилишини назарда тутди. Воқеликни шарҳлаш, аниқ натижага олиб келган сабаб-оқибат муносабатларини кўриб чиқиш,

хулосалар яшаш, умумлаштириш ҳамда вазиятнинг ривожланиш эҳтимолларини олдиндан айтишда намоён бўлади.

Журналистика назариётчилари ва амалиётчилари ўртасидаги “спорт матбуоти тарбиявий аҳамият касб этиши керакми” деган савол атрофида кечаётган қизгин баҳслар ханузгача тўхтагани йўқ. Бозор иқтисодиёти ва техник инқилоб, Интернетнинг ижтимоий ондаги экспансияси шароитида спорт матбуотида кўнгилочар восита, спорт ҳақида қуруқ ахборот берувчи манба сифатида қараш биров нотўғридек, назаримизда. Таъкидлаш керакки, ижтимоий қатлами ва гуруҳидан қатъи назар, спорт аудиторияси, айниқса, ёшлар учун бугунги кунда спорт сиёсат ёки иқтисодиётдан кўра қизиқроқ мавзу саналади. Демак, спорт газеталари таҳририятлари зиммасида ҳар томонлама баркамол ва саводли шахсларни жисмоний ва ахлоқий тарбиялаш вазифаси ҳам бор ва ҳар бир таҳририят уни турли ёндашувлар асосида амалга оширади.

Спорт матбуоти, айниқса, спорт турларига ихтисослашган даврий нашрларда, асосан, тезкорлик, аниқлик, қисқаликка асосланган инфор­мацион жанрлар устуворлиги кўзга ташланади. Бундан аксарият спорт журналистларининг асосий вазифаси спорт мусобақалари ва улар атрофидаги воқеаларга оид маълумотларни оператив узатишдан иборат инфор­мацион йўналишдаги фаолият билан шуғулланадилар, деган умумий хулоса келиб чиқади.

Юқорида айтганимиздек, спорт журналистикасида айнан оперативлик тамойилига нисбатан юқори талаблар қўйилади, бу эса спорт журналистининг тезкор равишда матн тайёрлашдан тортиб мусобақа натижаларининг ёритиб беришгача бўлган мутаносиб иш шароитини тақозо этади.

Спорт нашрларида янгиликлар, асосан, хабар, репортаж, интервью, мақола ва шарҳ жанрлари орқали тақдим этилади. Булар орасида энг кўп қўлланиладигани хабар ва шарҳдир. Хабар факт ҳақида маълумот бериш учунгина хизмат қилса, шарҳда унинг қисқа таҳлили, тафсилотлари ва

изоҳлари келтирилади. Ҳар икки жанр ҳам одатда ҳажман қисқа ва айтиб бир воқеага бағишланган бўлади. Бунда асосий мақсад долзарб ахборотни қисқа ва аниқ баён этишдан иборат. Ушбу тезкор материаллар нафақат спорт нашрларга, балки спортга оид воқеаларни ёритувчи ихтисослашмаган нашрларга ҳам хосдир.

Журналистик ижод тури сифатида интервьюга энг мукамал таърифни С.Н.Ильченко берган: “Интервью — журналистнинг жамоатчиликни қизиқтирган ахборот, фикр ва мулоҳазаларга эга бўлиш мақсадида респондент билан савол-жавоблар кетма-кетлиги вазиятидаги диалогик суҳбатидир”.³⁹ Саволларга берилган жавоблар орқали маълум масалаларга оидинлик киритилибгина қолмай, суҳбатдошнинг шахс сифатидаги қирралари ҳам очиқ борилади. Саволлар тузилиши, кетма-кетлиги, тартиби журналист тактикасини белгилайди. Суҳбатдош психологик ҳолатидаги ўзгаришлар, суҳбат мазмуни ва боришига уйғоқлик билан жавоб бераркан, журналист уни фаоллаштириш усуллари қўллайди, яъни берилган вазиятда энг мақбул сўзлашув воситаларига мурожаат этади. Журналистнинг кузатувчанлик қобилияти масаланинг асл моҳиятини очиқ берувчи таянч ҳолатларни илғаб олишга ёрдам беради. Зеро, журналистика амалиётида сўзлашув матнини қоғозга тушириш вақтда суҳбатдош айтмоқчи бўлган фикрларнинг журналист томонидан нотўғри баён этилиши ҳолатлари ҳам учраб туради.

Интервью предмети билиш суҳбатдош ўзини жавоб беришдан олиб қоча олмайдиган саволларни тузишга ёрдам беради. Савол фикрнинг ўрнини босиши эмас, балки уни йўналтириши керак. Предметли тайёргарлик “интервью олувчининг сўралаётган мавзуларни тўғри англаш ва улар бўйича муҳим, асосий, ўринли (релевант) йўналишлар танлаш қобилиятини оширади”.⁴⁰

³⁹ Ильченко С. Н. Интервью в журналистском творчестве. : СПбГУ, 2003. - с. 10.

⁴⁰ Белановский С. А. Методика и техника фокусированного интервью. М., 1993. - С. 105.

Спорт журналистикасида Интернет гегемонлигининг ўрнатилиши кўплаб анъанавий жанрларнинг босма нашрлар саҳифаларидан “ўчиб кетиши”га сабаб бўлди. Айти пайтда спорт мухлислари мусобақа натижаларини онлайн репортаж ва трансляциялар орқали улар яқун топган ондаёқ билиб олишмоқда. Газеталардан эса улар одатда ўйин таҳлиллари, мутахассислар фикри, воқеа иштирокчиларининг шарҳларини излашади. Қисқа вақт ичида эса оригинал, ўқишли таҳлилий материал тайёрлаш имконияти бирмунча пасайиши табиий ҳол. Интервью жанрининг бугунги кун спорт журналистикасида бу қадар кенг қўлланилиши ва аҳамияти айнан шу сабаб билан ҳам изоҳланади. Спорт йўналишидаги нашрларда унинг кўйидаги турларини учратиш мумкин:

— ҳар қандай таҳлиллардан ҳоли бўлган ва спорт оламидаги конкрет воқеа-ходиса тафсилотларини баён этувчи ахборот-интервью. Бунга мисол тариқасида “Интерфутбол” газетасининг 2016 йил 1 ноябр сонида чоп этилган “Лутфулла Тўраев: Малайзия чемпионати совриндори” сарлавҳали интервьюни келтиришимиз мумкин. Унда футболчи Малайзия супер-лигаси мавсуми яқунлари ҳамда бу давлатдаги фаолиятига оид саволларга қисқача жавоб берган. Таҳлилий фикр ва мулоҳазалар деярли учрамайди;⁴¹

— мақсади спортга дахлдор у ёки бу шахс фаолияти ва характерини очиш бўлган портрет интервью. “Интерфутбол” газетасининг 2016 йил 4 октябр сонидаги футболчи Шаҳбоз Эркинов билан уюштирилган “Максималист бўлишга интиламан” сарлавҳали интервью унинг соҳага оид мулоҳазалари, характери, мақсадлари, отаси билан муносабатларини очиб берган;⁴²

— маълум воқеа-ходиса муносабати билан у ёки бу спорт соҳаси юзасидан билдирилган мутахассис фикри ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи эксперт интервьюси. “Интерфутбол” газетасининг 2016 йил 14 июл сонидаги “Хитойда нима гаплар?” (кўп йиллик спорт мухлиси Б.Расулов билан),⁴³ 2017

⁴¹ Алимов К. Лутфулла Тўраев – Малайзия чемпионати совриндори// Интерфутбол, 2016 йил, 1 ноябрь, 11-б.

⁴² Алимов К. Максималист бўлишга интиламан, //Интерфутбол, 2016 йил, 4 октябр, 18-19-бб.

⁴³ Қосимов З. Хитойда нима гаплар?// Интерфутбол, 2016 йил, 14 июл, 10-11- бб.

йил 16 март сонидаги “Видеотакрорларга қаршиман” (Республика тоифасидаги ҳакам Ш.Арслонов билан),⁴⁴ “Футбол экспресс”нинг 2017 йил, 21 март сонидаги “Бизнинг чемпионатда ҳам дарвоза ортида турувчи ҳакам жорий этилиши мумкин” сарлавҳали (ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан)⁴⁵ интервьюларни мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин.

— Спортдаги камчиликлар ва муаммоли жиҳатлар акс эттирилувчи муаммоли интервьюга мисол қилиб, “Спорт-экспресс” нашрида эълон қилинган “Жозе Моуриньо: “Погбага осон тутманг” сарлавҳали интервьюни кўрсатиш мумкин.⁴⁶

— Иккитадан бештагача саволни қамраб олган блиц-интервью. У, табиийки, мусобақа босқичлари ўртасидаги танаффусларда ёки уларнинг сўнгида амалга оширилади. Бу каби интервьюларда содир бўлган воқеликнинг “қайноқ излари”ни акс эттирувчи бевосита жонли муносабат кўпроқ қадрланади. Масалан, “Интерфутбол” газетасининг 2016 йил, 20 сентябр сонида эълон қилинган “Данило Асприлья: “Локомотив энг хавфли рақибимиз бўлди”” номли интервью Тошкентнинг “Локомотив” ҳамда БААнинг “Ал-Айн” жамоалари ўртасида кечган ўйиндан кейинги таассуротлар ҳақида бўлган.⁴⁷

Юқорида санаб ўтилган спорт интервьюлари турларининг аксариятида шарҳ, таҳлил, публицистика, очерк ҳамда муаммоли мақоланинг муайян белгиларини кузатиш мумкин.

А.Абдулазиз ўғлининг “Машаққатли касбни танлаганидан афсусланмаган инсон” деб номланувчи интервьюсида очерк унсурлари кўзга ташланади. У суҳбат қаҳрамонининг ҳаёт йўли, касбий фаолияти, хотираларига бағишланган. Бунда журналист анъанавий савол-жавоб усулидан фойдаланмай, балки суҳбатдошнинг фикр-мулоҳазаларини

⁴⁴ Эшонхонов А. Видеотакрорларга қаршиман // Интерфутбол, 2017 йил, 16 март, 11-б.

⁴⁵ Жўраев Ш. Равшан Эрматов: Бизнинг чемпионатда ҳам дарвоза ортида турувчи ҳакам жорий этилиши мумкин // Футбол экспресс, 2017 йил, 21 март, 8-9-бб.

⁴⁷ Алимов К. Данило Асприлья: Локомотив энг хавфли рақибимиз бўлди // Интерфутбол, 2016 йил, 20 сентябр, 19-б.

тўлдирувчи, уларга ойдинлик киритувчи жумлалар билан интервью тугаллигини таъминлаган: “Илгари ҳакамлик қилиш қийин вазифалардан бири саналарди. Ҳозиргидек тартиб интизом ўрнатилманган, муҳофаза қилиш юқори даражада эмасди. Соҳанинг ёши катта вакилларида кўп эшитганмиз, ҳакамлар хонасига киришиб, ҳаттоки қурол ўқталишиб, дўқ-пўписаларга бир неча бор дуч келишганини ҳикоя қилиб ўтишган. Шерали акадан ҳам фаолияти давомида юз берган эса қоларли воқеалар ҳақида сўрадик...”⁴⁸

Интервьюни спорт журналистикасининг етакчи жанрларидан бирига айлантирувчи жиҳатлари – унинг шахсга йўналганлиги, субъектга қаратилганидир. Машҳур спортчи, мураббий, ихлосманд, мутахассис билан уюштирилган ҳар қандай интервью фақатгина спорт ҳақидаги суҳбат бўлиб қолмасдан, балки психологик тадқиқот, ўқувчиларга инсоннинг ташқи образи, спорт шахсининг ёрқин биографиясини тақдим этувчи ҳиссий чизгига айланиши ҳам мумкин.

Кузатувларимиз натижасида аниқландики, спортда эришилган муайян ғалаба, муваффақият кўпинча интервью уюштириш учун сабаб бўлади ва бунда мағлублар учун ғайритабiiй ёки аянчли ҳеч нарса йўқ. Ғалаба, биринчи ўрин, олтин медал — спортда олий қадрият саналади. Спортчиларнинг ўзлари ҳам айнан шулар учун курашга бел боғлайдиларки, спорт журналистикаси ҳам ўз навбатида ўйин қоидаларини ўзгаришларсиз қабул қилади. Шунинг баробарида мағлубиятлар ҳам омадсизлик сабабларини очувчи, унга олиб келган муаммоларни кўрсатувчи мазмунли ва ноанъанавий материалнинг яратилишига туртки бўлиши мумкин.

Мисол учун, “Футбол экспресс” газетасининг 2017 йил, 16 март сонидан бирваракайига икки интервью мағлубият мавзусига бағишланган ва ҳар иккисида ҳам Осиё чемпионлар лигаси 3-тур баҳсларини муваффақиятсиз яқунлаган “Бунёдкор” ҳамда “Локомотив” жамоалари ўйинидаги

⁴⁸ Абдулазиз А. Машаққатли касбни танлаганидан афсусланмаган инсон // Футбол экспресс, 2017 йил, 21 март, 12-13-бб.

камчиликлар хусусида сўз борган. Айтиш керакки, журналист Б.Турсуновнинг тажрибали мураббий Р.Инилеев билан уюштирган блиц-интервьюси (“ОЧЛнинг 3-тури Инилеев нигоҳида”), асосан, мураббий тажрибаси ва чуқур таҳлил қила олиш қобилиятига қурилган.⁴⁹

“Локо”нинг мағлубияти ва терма жамоа ҳақида” сарлавҳаси остида чоп этилган иккинчи интервьюда юқоридаги ҳолатга ўзгача нуқтаи назардан ёндашилган. “Локомотив” таркибида тўп сурувчи тажрибали футболчи Олег Зотеев билан кечган суҳбат ўйинларга ташқаридан туриб эмас, уларнинг ичидан баҳо бериш, футболчилар кайфияти, руҳиятини ҳис этишга имкон берган: *““Локомотив” 3та ўйиндан бир галаба ва икки мағлубият қайд этган ҳолда уч очко билан гуруҳда охирги ўринга тушиб қолди. Клубнинг мақсади эса катта эди. Албатта иккита мағлубият жамоанинг кейинги босқичга чиқиш имкониятларига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Олег эса бу борада қисқача тўхталиб ўтди.*

– Ҳозирча имкониятимиз қандай эканлиги хусусида гапирмоқчи эмасман. Гарчи ўз кватретимизда охирги ўринни эгаллаб турган бўлсак-да, навбатдаги босқичга чиқиш имконияти буткул бой берилмаган”.⁵⁰

Спортчи ва мураббийлар билан мулоқот алоҳида тайёргарлик, тажриба, муайян сифат ва кўникмалар мажмуини талаб этади. Негаки спорт соҳаси вакиллари оддий одамларникидан бирмунча фарқланувчи характер ва кун тартиби, ҳаёт тарзига эга. Спорт журналисти Борис Ходоровский бу ҳақда шундай деган: “Журналистлар орасида спортчилар ҳақида камгап ва омма орасида кўринишни ёқтирмайдиган одамлар, деган стереотип шаклланган. Негаки, авваллари фақат жамоа мураббийси, жамоа етакчиларигина интервью бера олишган. Ҳозир эса кўп спортчилар ўзларининг омма эътиборидаги шахс эканлигини ва ОАВ билан мулоқот қилмай туриб, машҳур бўла олмаслигини англашмоқда. Истисно ҳолатлар ҳам мавжуд, ҳаммаси суҳбат хусусиятидан келиб чиқади. Энг муҳими, спортчи

⁴⁹ Турсунов Б. ОЧЛнинг 3-тури Инилеев нигоҳида // Футбол экспресс, 2017 йил, 16 март, 6-б.

⁵⁰ Жўраев Ш. “Локо”нинг мағлубияти ва терма жамоа ҳақида // Футбол экспресс, 2017 йил, 16 март, 7-б.

кайфиятини ҳис қилиш — хўш, у бир-неча оддий ибора билан чекланадими, шунчаки гаплашишни истамайдими ёки кечинма ва ҳиссиётлари билан ўртоқлашадими?”⁵¹

“Интервью олувчининг энг асосий сифати (у ҳаммада ҳам бўлавермайди!) – эшита олишдир. У суҳбатдоши, унинг одатлари, диди, ҳаётий қарашлари ҳақида имкон қадар кўпроқ билишга ҳаракат қилиши керак. Агар қисқа интервью олиш лозим бўлса, суҳбатдошни саволларга кўмиб ташлаш ярамайди. Бир-иккита бўлса-да, шундай саволлар тайёрлаш керакки, уларга берилган жавоблар суҳбатдошни аудитория қаршисида очиб беришга хизмат қилсин”.⁵²

Интервью жанрининг кенг қўлланилиши сабабларидан яна бири унинг гуманистик характери, инсонийлиги эканлигини ҳам эътироф этиш зарур. Айнан интервью шахсининг очилиши, унинг “жонли овози”ни акс эттириш, характер қирраларини кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратади. Интервьюнинг ўзига хос кучи бевосита сўзлашув нутқи, ундаги самимият, ҳамдардлик руҳи, спорт воқеаларига дахлдорликни ўқувчига етказиш имкониятида намоён бўлади. Бу ўринда “Спорт-Экспресс” газетасининг “Разговор по пятницам” номли доимий саҳифаси орқали ихлосмандлар меҳрини қозонган Юрий Голишак ва Александр Кружковларнинг интервьюларини эътироф этиш жоиз. 2011 йилда улар Россияда ўтказиладиган “Йилнинг энг яхши спорт журналисти” профессионал танловининг “Даврий нашрлардаги энг яхши асарлар” номинациясида ғолиб бўлишган. Улар саҳифа меҳмонларига шахс қирраларини очишга хизмат қилувчи шундай саволлар беришадики, натижада оммада кизиқиш уйғотган инсонлар билан самимий ва очик интервьюлар пайдо бўлиб, узоқ вақтларгача ихлосмандлар орасида муҳокама этилади.

⁵¹ Новиков Д. Борис Ходоровский, спортивный журналист: "Нельзя научить человека журналистике, а спортивной — в особенности". URL: gipp.ru/openarticle.php?icN28439. 02/07/2009.

⁵² Скоряшин В. И. Техника спортивного интервью // Спорт в зеркале журналистики / сост. Г. Я. Солганик. М., 1989. С. 98.

Таъкидлаш жоизки, спорт журналистикасидаги интервью ва репортажларда айни пайтда тобора таҳлилийлик ва публицистикага оидлик тенденцияси кучаймоқда. Бу ҳол спорт журналистикасига хос ахборийлик, ундаги таҳлил ва таъсирчанликни инкор этмаслигини амалда исботлайди. Дарҳақиқат, ахборийлик юзакилик ёки қатъий ҳужжатлиликини назарда тутмайди. Ҳатто хабар ва ҳисоботлар ҳам деярли барча ҳолатларда курук очколар, голлар, сониялар саноғи эмас, балки материалнинг бир қисми сифатида ўзига хос шарҳ ва таҳлилдир. Зеро, журналист қаршисида турган вазифалар камдан-кам ҳолларда мусобақаларнинг бориши ёки уларга тайёргарлик кўриш жараёнларини ёритиш билан чекланади. Бу вазифалар кўлами бирмунча кенгроқ бўлиб, аудиторияга спорт мусобақасининг мазмун-моҳиятини ундаги бор қарама-қаршилиқлар, мураккаблиқлар, ахлоқий дарслар ҳамда драматизм билан етказиб беришдан иборат. Спорт ихлосманди ўзини қизиқтирган ҳар қандай маълумотни турли томонлардан ишланган ва тақдим этилган ҳолда Интернетдан топиши мумкин бўлган бугунги кунда бу, айниқса, муҳимдир.

Спортга оид ҳар қандай воқелик шу қадар кўп қиррали ва кутилмаган вазиятларга бойки, спорт журналисти уни ёритишда фактларни санаб ўтиш билангина чеклана олмайди, ўқувчининг ахборотга бўлган талабини қондириш учун ҳам бу етарли эмас. Ўзининг “Футбол клуби” кўрсатувида машҳур шарҳловчи Василий Уткин “Футбол ўйнаш қизиқ. Футбол кўриш ундан-да қизиқроқ. Лекин энг қизиғи – бу футбол ҳақида гапириш, уни муҳокама қилишдир”, деган эди.⁵³

Таниқли тилшунос Г. Я. Солганик худди шу фикрни қуйидагича баён этган: “Спорт матбуотининг вазифаларидан бири – кураш моҳияти, характери, драматизмини етказиб беришдир. Бу вазифа, объектнинг ўзи каби кўп қиррали ва мураккаб: бунда яхлит воқелик, унинг иштирокчилари, томошабинлари, курашнинг кутилмаган жихатлари ва муаммоларини

⁵³<http://www.intermedia.ru/news>

кўрсатиш зарур. Вазифанинг мураккаблиги ёндашув ва услублар хилма-хиллигини (таҳлил, синтез, тасвир, баён, мулоҳаза, баҳо) тақозо этади”.⁵⁴

Материалларнинг бу каби кўп томонлама тақдим этиш имкониятини таҳлилий жанрларда кўрамиз. Айнан уларда журналист бирор муаммони яхлитлигича тасвирлаши ва сўнг сабаб-оқибат боғлиқликлари ва ҳал этиш йўллари излаш орқали уни таркибий қисмларга ажратиши мумкин. Ахборий жанрларда эътиборга олинмаган нюанслар ва деталлар таҳлилий материалларда ўз аксини топади.

Интернетда ўзини қизиқтирган исталган ахборотни олиш имконига эга замонавий ўқувчи газетадан фикрлар хилма-хиллиги, полифониясини кутади, ўзининг содир бўлган воқеага оид қарашларини таниқли шахс, эксперт, профессионал журналист нуқтаи назари билан қиёслаш истагида бўлади. Бунда ўқувчига шунчаки фикрларни тақдим этиш эмас, балки маълум воқеликка ўзгача ёндашишга ундовчи бирор янгилик ҳақида хабар бериш мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатларни инобатга олиб, айтишимиз мумкинки, интервью, бугунги кунда ахборот-таҳлилий жанр сифатида бу вазифаларни бажаришга қодир.

Ғарб тадқиқотчиси Б.Розентал спорт мусобақаларига бағишланган журналистик асарларни уч асосий турга ажратишни таклиф қилади: ўйиндан (Advance stories), резюме (Game Summary) ва таҳлил (Post-Game Analysis).⁵⁵ Бу каби бўлиниш аудиториянинг мусобақа аввалидаги, мусобақа вақтидаги ва ундан кейинги ҳолатларга оид ахборотларга бўлган талаби нуқтаи назаридан ўзини тўла оқлайди.

Биринчи тур ўз ичига мусобақадан олдинги материалларни қамраб олиб, бунда журналист бўлажак рақибларга доир статистик маълумотлар таҳлил қилиши, уларнинг ғалаба қозониш имкониятини баҳолаши (ўзи ёки экспертлар ёрдамида), ўқувчиларга у ёки бу жамоа иштирокчиларининг изоҳларини тақдим этиши, мусобақалар ўтказиладиган жой ҳақида қизиқарли

⁵⁴ Солганик Г. Я. О языке спортивной журналистики // Спорт в зеркале журналистики. - С. 146.

⁵⁵ Rosenthal B. Sports journalism an introduction to reporting and writing. Plymouth, 2010. P. 11—26.

маълумотларни келтириши ва, умуман, спорт аренасидаги об-ҳаво, томошабинлар ҳолати, хавфсизлик чоралари ва ҳ.к. ҳақида ҳикоя қилиши мумкин.

Иккинчи турда журналист эътибори мусобақаларнинг ҳал қилувчи эпизодлари, воқеалар боришини баён этиш, уларга ҳамроҳлик қилувчи ҳиссиётлар, баҳснинг кутилмаган вазиятларига қаратади. Бу ниҳоятда муҳим, боиси, материални топшириш вақти жуда чегараланган.

Ниҳоят, учинчи тур — мусобақанинг барча тафсилотларига қизиқувчи, уларни бошидан охиригача кузатувчи аудиторияга мўлжалланган таҳлиллардир. Бу тарздаги материални тайёрлашда журналист спортчилар ёки жамоаларнинг мусобақа вақтида йўл қўйган хатоларини кўрсатади, спортчилар техникаси ва тактикасини солиштиради ва таҳлилни ўтказди, ғалаба ёки мағлубиятга олиб келган сабаб-оқибат алоқаларини келтиради.

Замонавий ОАВдаги спортга оид материаллар аудиторияга ахборот берибгина қолмасдан, уни кундалик турмуш муаммоларидан чалғитиш, хордиқ чиқаришига ҳисса қўшиш каби вазифаларни ҳам бажаради.

“Интерфутбол”, “Футбол экспресс” газеталарининг ихчам формати (А-4), матнлар тилининг соддалиги сўзимизнинг амалдаги тасдиғидир. Тадқиқотчилар С. Рэйнэрди ва В. Ванталарга кўра, «Кўнгилочар материалларнинг биринчи тури қўшимча материаллардир (ингл. *sidebars*). Улар одатда журналист мусобақага оид материалга мос келмайдиган фактларни топган ҳолларда тайёрланади. Баъзан журналист алоҳида асарга айлантиришга арзигулик мавзунини топади. Бошқа турдаги кўнгилочар материаллар инсонларнинг қизиқиши ва спортчиларнинг шахсий ўзига хосликларига асосланади”.⁵⁶

Спорт журналистикаси тили тасвирий ифодаларга бойлиги ва экспрессив (таъсирчан)лиги билан ажралиб туради. “Спорт-Экспресс” газетасидаги интервьюларда спортчиларнинг суҳбат вақтидаги кайфияти, ҳис-ҳаяжонига алоҳида урғу берилганига гувоҳ бўлдик. Қисқа саволлар ва

⁵⁶ Reinardy S. The essentials of sports reporting and writing. Abingdon, 2009. —P. 8-9.

“гапнинг индаллоси”ни жамлаган жавоблар спортга хос шиддат ва чакқонликни ўзида ифода этиш билан бирга, интервьюларнинг енгил ва тез ўқилишини ҳам таъминлаган:

“Спартак” тарихидаги энг зўр тўпурар, Собиқ Иттифоқнинг тўрт карра чемпиони Никита Симонян “Спорт-Экспресс”га берган интервьюсида Россия чемпионатининг 23-тури “Спартак” – “Зенит” ўйинларига хулоса ясади. Унинг сўзларига кўра, қизил-оқларнинг чемпионлиги ҳақида гапиришга ҳали эрта – устунликни осонгина қўлдан бой бериш мумкин.

– Дзюба пойга яқунланганини, Луческу эса “Спартак” ҳақли равишда ўйинда галаба қозонгани ва чемпионатда етакчилик қилаётганини айтди.

– Рақиб жамоа мураббийининг тўғри таҳлили унинг обрўсини оширади.

– Лекин пойга тугадими? “Спартак” чемпионми?”⁵⁷

“Интерфутбол” ва “Футбол экспресс” нашрларида эса журналист ва суҳбатдош ўртасида номувофиқлик юзага келган, интервью қаҳрамонининг фикрлари муаллиф мулоҳазалари соясида қолиб кетган, қолип саволлардан ташкил топган интервьюларни учратдик, айримларида эса стилистик жиҳатдан номукамал, ғализ жумла ва гапларга дуч келдик:

“Термага кимни таклиф қилиш ёки қилмасликни фақат мураббийлар ҳал қилишади. Уларнинг режаларида ҳозирча Санжар Турсуновга ўрин йўқ. Олдинда эса Сурия ҳамда Қатар термаларига қарши бўлиб ўтадиган жиддий баҳслар кутмоқда. Ҳар қандай ўзбек футболчиси бундай пайтда бош жамоага ёрдам беришни ва ғалабаларга ўз ҳиссасини кўшишни орзу қилади. Турсунов гарчи термага чакирилмаётганига қарамасдан, ватан манфаатини устун кўйган ҳолда Ўзбекистоннинг ғалабаларига ишонаётганини алоҳида таъкидлади.

– Сурия билан Қатарни ютамиз деб ўйлайман. Очиги, бу ўйинларда галаба қозонишимиз шарт. Шахсан мен ютишимизга ишонаман. Тугилиб ўсган юртингиз учун жонингизни беришга тайёр турасиз. Шу боис бундай

⁵⁷ Рабинер И. Никита Симонян: Спартак – чемпион? Разбазарить преимущество можно очень быстро // Спорт-Экспресс, 2017 йил, 17 апрел

пайтларда шахсий муносабатлар четга чиқади. Мен катта иштиёқ билан терма жамоамизни қўллаб-қувватлайман...”⁵⁸

Бу қисмда журналист мулоҳазаларининг футболчи томонидан айнан такрорланиши, қолаверса, стилистик хатолар интервью мазмунига ҳам таъсир кўрсатган.

Интервьюнинг муваффақиятини кўп ҳолларда унга тайёрланган саволлар белгилайди. Бироқ ҳозиргача кўп журналистлар орасида спорт соҳаси вакиллари тор билим доирасига эга тунд ва камгап кишилар, деган қараш мавжуд. Мана шу стереотип таъсирида улар спортчилар билан суҳбатга пухта тайёргарлик кўриш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, бугун соҳанинг аксарият вакиллари олий маълумотли, ҳаётнинг турли жабҳалари ҳақида ҳикоя қилишга қодир инсонлардир. Уларнинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари, ички оламини қай даражада очиб бериш эса журналист маҳоратига боғлиқ.

А.Гусевнинг фикрича, интервьюнинг савол-жавобга асосланган шакли унинг асосий ўзига хослигини белгилайди. “Шунингдек, интервьюда устувор нуқтаи назар муаллиф эмас, балки суҳбатдош фикри эканлиги ҳам диққатга сазовор”.⁵⁹

Бугун дунёга машҳур спорт нашрларининг нуфузи унда чоп этилаётган интервьюлар билан ҳам ўлчанмоқда, десак муболаға бўлмайди. Чунки, муҳим шахслар, оммани қизқитирган инсонлар билан бошқалардан кўра тезроқ мулоқот қила олиш, бошқаларга айтилмаган маълумотларни кўлга киритиш каби жиҳатлар тезкор жанрнинг тезкор давр талабларига нақадар мос тушишини билдиради. Шу маънода, мазкур тадқиқот иши орқали кўриб ўтилаётган масала – интервью жанрининг жаҳон журналистикасидаги барқарор ва такомиллашиб бораётган мавқеи айнан замон шиддати ва ахборотни айнан биринчи шахс тилидан ўқиш истагининг кучайиб

⁵⁸ Жўраев Ш. Санжар Турсунов: Шахсий муносабатларни бир четга суриб, терма жамоани қўллаб-қувватлашда давом этаман // Футбол экспресс, 2017 йил, 16 март, -Б. 8-9.

⁵⁹ Гусев А. Литература ва контексте культуры. Вып. 21(1). 2011/www.telenir.net

бораётгани билан изоҳланади. Чунки, журналистнинг бирор муҳим спорт воқеасига оид мақоласи, ўша воқеада бевосита қатнашган спортчидан олинган интервьючилик таъсирчан бўлмаслиги, ҳолат руҳини акс эттирмаслиги мумкин.

Маълумки, жорий йилнинг 23 март куни футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Сурия терма жамоаси билан беллашиб, аламли мағлубиятга учради. Ўйиндан сўнг интернетдаги uz сегментида жуда катта ҳажмда танқидий-таҳлилий мақолалар чоп этилди. Аммо бирор журналист жамоа бош мураббийи Самвел Бабаён билан интервью уюштиргани йўқ. Тўғри, масофа муаммоси бор, мураббий олис сафарда эди. Аммо бундай пайтда интервьюни масофадан туриб уюштириш имкониятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, аксарият ихлосмандлар футбол газеталари ва интернет нашрларидан айнан шу суҳбатни излади. “Интерфутбол” ва “Футбол экспресс” нашрларининг мазкур ўйиндан сўнг чоп этилган илк сониди, афсуски, бирор интервьюни кўрмадик. Ҳаммаси журналистнинг, яъни футбол атрофида юрадиган, лекин ичига кириб кўрмаган шахснинг мулоҳазалари. Воқеликнинг асл сабаблари, муаммо илдизлари ҳақида сўзлаши мумкин бўлган шахсларга эса мурожат қилинмаган. Худди шу кунларда Россия терма жамоаси Кот 'Д' Ивуар терма жамоаси билан ўртоқлик ўйини ўтказди. Тўғри, баҳсларда фарқ катта. Ўйинга бўлган қизиқиш турлича. Аммо масалага журналистнинг ёндашуви нуқати назаридан қараганда, кўп нарса ойдин бўлади. Бироқ рус журналистлари, яъни “Спорт-Экспресс” мухбирлари ўйин бўладиган куни, эртасига, ўйин вақтида, ўйиндан сўнг 30дан зиёд респондент – мутахассис, яқин ўтмишнинг машҳур футболчилари, футбол амалдорлари, таниқли футбол фанатлари билан блиц-суҳбат уюштириб, интервьюлар чоп этишгани таҳсинга сазовор.

2.2. Спортга ихтисослашган нашрларда интервьюлар тематикаси

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ғарбда спорт журналистикаси матбуот бизнесига айланиб, алоҳида кўнгилочар йўналиш сифатида ривожланган.

Дастлабки даврларда спорт мавзуларига бағишланган саҳифалар даврий нашрлар умумий ҳажмининг 10-15 фоизини ташкил қилган бўлса, вақт ўтган сари уларнинг сони кўпая борди. Кейинчалик эса алоҳида спорт ва унинг турларига ихтисослашган нашрлар пайдо бўла бошлади.

Охирги ўн йилликда кенг тармоқли спорт матбуоти буткул шаклланиб улгурди. Бугунги умуммиллий, ижтимоий-сиёсий газета ва журналларнинг бир қисмини спортга доир ахборотлар ташкил этади. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, ривожланган давлатлар матбуотида спорт ва жисмоний тарбиянинг турли жабҳаларига доир ахборотлар ҳажм нуқтаи назаридан, бешинчи ўринда туради. Умумий қилиб айтганда, спорт мавзуси газеталар умумий ҳажмининг 20 фоизини ташкил этади.

Ижтимоий-сиёсий газеталарнинг деярли барчасида спорт мавзуларига алоҳида ўрин ажратилади. Ҳозирги кунда спорт индустрияси шиддатли бир тўлқин каби илдамлаб бормоқдаки, биргина “миллионлар ўйини” — футболнинг ўзи айна дамда қанчалар катта бизнес, улкан кучга айлангани, спортчилар ҳаёти ҳақидаги шов-шувли хабарлар газеталарнинг бош саҳифасидан жой олаётгани сўзимизнинг амалдаги исботидир. Шундай экан, замондан ортда қолишни истамаган ҳар бир давлат бу ҳақиқатни англаши, спортга ва албатта спорт йўналишидаги ОАВ фаолиятига жиддий аҳамият қаратиши зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Россияда кундалик чоп этиладиган “Спорт-Экспресс” бошқа спортга ихтисослашган нашрлар ичида етакчилик қилиб келган “Совет спорти” газетасининг асосий рақобатчисига айланди ва унинг ўрнини эгаллади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу икки газетадан қай бири устунроқ эканини аниқлаш учун кўп вақт талаб этилмади. Маҳоратли ва тажрибали журналистлар жамоасига эга бўлган “Спорт -Экспресс” тез орада мамлакатдаги энг оммавий спорт нашрига айланди.

Бугунги кунда бизнинг юртимизда ҳам спорт ва уни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилаётган бўлишига қарамай, унга ихтисослашган даврий нашрлар сони у қадар кўп эмас. Ҳозирда уларнинг

бошида “Ўзбекистон футболни”, “Спорт”, “Эрудит спорт”, “Интерфутбол”, “Футбол экспресс”, “Аср футболни”, “Спорт арена” сингари газеталар туради. Аммо ушбу нашрларнинг аксарияти турли спорт федерацияларининг расмий сайтлари, хориж Интернет нашрларидан олинган материаллар ҳисобига ўз саҳифаларини тўлдирмоқда. Футболга ихтисослашган нашрлар сони нисбатан кўпроқ, аммо улар ҳам таҳлилий материаллар тайёрлашда оқсаётгани яққол кўзга ташланади. Шу ўринда қайд этиш ўринлики, мамлакатимизда чоп этиладиган нашрларнинг имконияти билан рус матбуотига оид “Спорт Экспресс”ни аслида солиштириб бўлмайди. Чунки ўртада чуқур иқтисодий ва ижтимоий, қолаверса, мамлакатларнинг жаҳон спортидаги мавқеига боғлиқ бўлган фарқлар жуда катта. Айтайлик, рус журналистлари дунё спортининг таниқли вакиллари билан жаҳон спортидаги долзарб масалалар бўйича давомли суҳбатлар уюштирилади ва бу табиий ҳол, деб қабул қилинади. Қолаверса, Россия Федерациясининг жаҳон спортидаги мавқеи, обрўси ва даражасини ўзи ҳам буни тақозо этади. Мамлакатга донгдор спортчиларнинг муҳим баҳс ўтказиш учун келиши одатий ҳол.

Биргина футболни олиб қарайдиган бўлсак, РФ клубларининг зафарли одимлари, Европа чемпионлар лигаси, Европа лигаси каби мусобақалардаги иштироки туфайли бу юртга замонавий футболнинг энг таниқли вакиллари келиши одатий ҳолга айланган. “Зенит”, “Локомотив”, “Спартак”, “Рубин” каби клубларнинг фаолияти фикримизни тасдиқлайди. Шу боис, рус журналистикаси, хусусан, узоқ йўлни босиб ўтган, катта илмий ва назарий билимлар заҳираси ва амалий тажрибага эга бўлган спорт журналистикаси мактаби бутун МДХ давлатлари учун ўрнатилган вазифасини ўтаб келмоқда десак, муболағаб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам фаолиятини эндигина, нари борса 10-15 йил аввал бошлаган маҳаллий спорт нашрларининг тузилиши, ахборот билан ишлаш усуллари, спорт мавзуларини ёритишда ўзига хос томонларини “Спорт-

Экспресс” билан қиёслаш орқали спорт мавзусини ёритиш билан боғлиқ ютуқ ва камчиликларга ойдинлик киритилади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган спорт нашрлари доимий тарзда миллий чемпионатимизда тўп сураётган ўзбекистонлик ва хорижлик футболчилар, чет элда ўйнаётган хамюртларимиз билан уюштирилган суҳбатларни тақдим этиб келади. Бироқ жаҳон футбол юлдузларига тегишли интервьюлар мунтазам равишда рус сайтларидан олиб, таржима қилинади.

2000-йиллар ўрталарида журналист дипломига ҳам эга бўлган собиқ футболчи, эндиликда мураббий бўлиб ишлаётган Азамат Абдураимов Москвада яшаган вақтида Россияга борган жаҳон футболнинг бир қатор юлдузлари билан суҳбат уюштирган ва у “Футбол Экспресс” газетасида эълон қилинган. Бу иш ўша давр ўзбек футбол журналистикасида ўзига хос янгилик бўлганди.⁶⁰

Тадқиқот олиб бориш жараёнида бошқа нашрларни ҳам ўрганиб чиқиб, фикримизни рад этувчи ҳолатларга ҳам дуч келдик. Жумладан, эндиликда фаолиятини тўхтатган “Чемпион плюс” газетасининг ходими 2016 йил Францияда ўтказилган Европа чемпионатини томоша қилиш учун борган ва жаҳон футболнинг машҳур вакиллари бўлмиш Гарет Бэйл ва Йоан Гуркуфф каби ўйинчилардан интервью олган. Бу ҳам ўша вақтда ўзига хос шов-шувга сабаб бўлганди.

Мазкур бўлимда интервьюлар тематикаси масаласида фикр юритар эканмиз, рус спорт журналистикасининг устунлик касб этувчи жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим кўрдик. Шу орқали, маҳаллий матбуотнинг айни пайтдаги аҳволи ва таржима материалларини бериш имконияти борасида тугалроқ хулоса қилиш мумкин бўлади.

Бизнингча, рус матбуоти, хусусан, спорт журналистикасининг ўзбек аудиторияси учун қизиқарли жиҳатлари, маҳаллий матбуотимизни ахборий

⁶⁰Жўраев Ш., Турсунов С.: Шахсий муносабатларни бир четга суриб, терма жамоани қўллаб-қувватлашда давом этаман // Футбол экспресс, 2017 йил, 16 март, -Б. 10 – 11 .

жихатдан қарамлигини келтириб чиқараётган омиллари жуда кўп. Қуйида спорт нашрларида интервьюлар тематикасининг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этувчи ана шу жихатлар қиёсий шаклда таҳлил қилинади.

МДХ давлатлари ичида фақат Россия жаҳон спортидаги барча йўналишлар бўйича энг йирик мусобақаларни қабул қилиш имкониятига эга. Мамлакатда замонавий, юксак технологияларга асосланган спорт инфратузилмаси шаклланган. Ўзбекистонда спорт индустрияси ривожланиш, таракқиёт босқичида. Мамлакатимизда стадионлар, бошқа спорт турлари учун керак бўладиган ўйингоҳлар етарли эмас. Қишки спорт турлари учун зарурий тузилма яратилмаган. Улар хаваскорлик даражасида, баъзи ҳолларда ундан сал юқорироқ савиядагина мавжуд. Бунда иқлим ҳам ҳал қилувчи ўринга эга.

Мамлакат спортининг бош вазифаси давлат номини халқаро майдонларда ёйиш, танитиш эмас. Аксинча, халқаро майдонда анча машҳур бўлган Россия федерациясининг буюк давлатчилик ғоясини муносиб ҳимоя қилишдир. Собиқ иттифоқ даврида бўлгани каби ҳозир ҳам рус мафкурачилари Олимпиада беллашувларида мамлакат спортчиларининг Ғарб мамлакатларидан, айтайлик, сиёсий кескинлик сақланиб турган мамлакатлардан устунроқ поғонадан жой эгаллашини исташади. Тайёргарлик, вазифа шунга мувофиқ қўйилади. Спортчиларнинг ютуқлари ҳам шу мантиқдан келиб чиқиб баҳоланади ёки танқид қилинади. Ўзбек спортчилари зиммасига айна пайтда юкланаётган вазифаларнинг асосийси мамлакат спорт имижини яратиш, доврўғини дунёга дoston қилишдан иборатдир. Бинобарин, мамлакатимиз ҳали ёш ва жуда кўп жабҳаларда энди таракқий этмоқда. Бизнинг спортчиларимиз олимпиада ўйинларида эришган муваффақияти бебаҳо ютуқ тарзида баҳоланади.

Рус журналистлари дунёнинг энг машҳур спортчилари билан интервью олиш имконига эгалар. Исталган спорт соҳасида руслар етакчилик мавқеи учун курашчилар сафида бор. Ўзбек журналистлари Иброҳим Халфан (қатарлик футболчи, Осиё чемпиони совриндори), Аҳмад Халил (БАА

футболчиси, Осиё кубоги совриндори), Гочкули Гочкулиев (туркменистонлик футболчи, тўрт карра Ўзбекистон чемпиони), Артур Геворкян (туркменистонлик футболчи, Ўзбекистон суперкубоги совриндори), Боян Миладинович (Ўзбекистон ва Сербия чемпиони) сингари Осиё юлдузлари билан бемалол суҳбатлашиш имконига эга, бироқ, хитой, япон, корейс футболчи намоёндалари билан улар бирор сабаб туфайли Ўзбекистонга келган тақдирдагина суҳбат куриш имконига эгалар.

Аудитория нуқтаи назаридан ҳам рус нашрининг имконияти баланд ҳисобланади. Чунончи, 147 миллионга яқин фуқароси бўлган мамлакатнинг асосий спорт нашри тиражи ҳам шунга яраша – газета ҳар куни 400 минг ададда, дам олиш кунлари эса тушган буюртма салмоғига яраша янада кўпроқ нусхада чоп этилади. Мамлакатда почта хизмати, матбуот тарқатиш тизими яхши ривожланган. Нашрлар қисқа фурсатда етиб боради. Айнан мана шу омил эвазига газета интернет даври таъсирида юзага келган рақобат шаротида ҳам ўз ўқувчиларини сезиларли равишда йўқотгани йўқ. Шу боис ҳам “Спорт экспресс” ҳар доим энг сўнгги ахборот ва янгиликлар билан “қурулланган” ҳолда чоп этилади. Интервьюлар уюштиришда ҳам ранг-барангликка катта урғу берилади. Тўғри, биринчи рақамли спорт тури бўлмиш футболга оид интервьюлар нисбатан кўпроқни ташкил этади. Аммо бу давр талаби эканини ҳам унутмаслик керак.

Ўзбекистонда кундалик спорт газеталари йўқ. 32 миллионга яқин аҳолиси бўлган мамлакатимизда футбол, кураш, бокс энг оммабоп спорт турлари ҳисобланади. Тираж ҳам шунга яраша, дейлик, “Интерфутбол” газетаси мавсум аввалида 15 мингдан 20 минг нусхагача чоп этилса, “Футбол экспресс” газетаси мавсум бошида 18-20 минг нусхада чоп этилади.

Кузатувларимиз натижасида ҳафтасида икки марта чоп этиладиган мазкур газеталар икки-уч кун фарқ билан ўқувчилар қўлига етиб бориши маълум бўлди. Пойтахт ва марказий шаҳарлардагина тезкор почта хизмати мавжуд. Нашрлар шунга мос равишда газетани чоп этиш вариантида кўрсатилган санадан икки-уч кун аввал босмага топширадилар. Натижада энг

сўнги, чоп этиш санасидан бир кун аввалги қайноқ янгиликлар аксарият ҳолларда нашр эътиборидан четда қолиб кетади. Бу эса матбуот тарқатиш соҳасининг ислоҳотларга муҳтожлигидан далолат беради.

Бугунги ўзбек спорт журналистикасида газеталарнинг интернетга нисбатан рақобатбардошлигини кескин сусайтирадиган омил ҳам айнан мана шу ҳисобланади. Бизда ўнлаб спорт газеталари иш бошлагандан кўп ўтмай, ўз фаолиятини тўхтатганига гувоҳ бўлдик. Ўқувчилар икки-уч кун, чекка ҳудудларда эса беш-олти кун кечикадиган нашрдан кўра, интернет орқали янгиликлардан бохабар бўлишни афзал билмоқдалар.

Россия Федерациясининг “Спорт-экспресс” газетаси таҳририятида 100дан зиёд журналист фаолият кўрсатади. Тираж катталиги эвазига нашр даромади ҳам шунга яраша. Шу боис газетанинг ҳудудлар кесимида ва халқаро миқёсда мухбирлик пунктлари мавжуд. Газетада узатиладиган материалларнинг 80 фоизини ўз мухбирлари ҳисобига тўғри келади. Уларда интервью олиш борасида ҳам деярли муаммо йўқ. “Интерфутбол” ва “Футбол экспресс” каби нашрлар мамлакатнинг энг оммабоп газеталари ҳисобланишига қарамай, ўзбек спорт журналистикасининг энг кучли журналистлари нашр атрофига жамланмаган. Бу газеталар матбуот учун синовли бўлган пайтларда “жон” сақлаб қола олгани, ўқувчиларга номини бир қадар машҳур қила олгани учун ҳам бошқа рақобатчиларга имконият қолдирмайди. Ушбу нашрлар ўзбек матбуоти бозорида муҳим аҳамиятга эга. Энг қизиғи, бу икки газета мамлакат пойтахтида эмас, вилоятларда — бири Наманган вилоятининг Косонсой туманида, иккинчиси Андижон вилоятида фаолият кўрсатади. Таҳририят жамоаси ҳам мос равишда 20-25 нафарни ташкил этади. Газетанинг маҳаллий миқёсда ҳам, халқаро миқёсда ҳам мухбирлик пунктлари йўқ. Масалан, улар “Рубин” – “Барселона” ўйинига мухбир юборишмайди. Ўша ўйинда иштирок этган ўзбекистонлик мухлиснинг интернетда шов-шув бўлган суратини, байроқ кўтириб тушган ҳолатини чоп этишади. Газеталаримизнинг 50-60 фоиз материали хориж сайтларидан кўчирилган, таржима қилинган ахборотлардан иборат. Охириги

икки-уч йилда катта мусобақаларга хайрия ёрдами эвазига бир-икки нафар журналистни юбориш таомили пайдо бўлди. Уларнинг ёзганлари таҳлилий мазмундаги мақолалар бўлмай, сафарнома, футбол атрофидаги гаплар тарзида бўлиб қоляпти.

Спорт ўйинлари спорт нашрлари учун асосий “хомашё манбаи” вазифасини ўтайди. Шу маънода, рус журналистлари нафақат маҳаллий, балки жаҳон миқёсидаги аудиторияга ҳам қизиқ бўлган материалларни ҳам бериш салоҳиятига эга. “Спорт-Экспресс”да чоп этилган биргина интервью онлайн спорт нашрлари учун ўнлаб хабарлар тайёрлашга асос бўлади. Бизнинг журналистларимиз эса ҳатто маҳаллий миқёсда мухлисларга қизиқ бўлмаган Олий лига, биринчи лига баҳсларидан репортажлар уюштиради. Интервьюлар ҳам Олим Навкаров, Павел Саломин кабилардан, гоҳ-гоҳида Миржалол Қосимов, Равшан Эрматов сингари дунёга таниқли инсонлар билан уюштирилади. Аммо мухлислар талабини қондириш, уларнинг қизиқишларига жавоб бериш учун хорижлик ҳамкасблар томонидан уюштирилган интервьюларнинг таржималари чоп этилади. Ахборотни четга сотиш, халқаро доираларга чиқиш кабиларни амалга ошириш учун спорт нашрларимизда интеллектуал ва техник имкониятларни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Мамлакатда спорт соҳасига доир молиявий масалалар тафсилоти, муассасанинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, ошқора равишда муҳокама қилинади. Рус мухлислари севимли жамоаларининг молиявий имкониятларини, трансфер ва бошқа харажатларини, даромадларини аниқ билишади. Клублар ва спортчиларнинг йиллик даромадлари, харажатлари матбуотнинг қизғин эътиборида, муҳокамалар марказида бўлиб келган. Бизда эса клублар, спортчилар оладиган даромад, харажатлар ҳақида матбуотда тайинли маълумот берилмайди. 2011 йили футбол нашрларидан бири ёш ва умидли футболчини “Пахаткор” жамоасига майдон чимини ўрадиган машина эвазига сотиб юборилганини аниқлаб, эълон қилганда катта шов-шувга сабаб бўлганди. Бундай санокли хабарлар спорт жамоалари ва

шахсларининг даромадлари ҳақида маълум бўлган жуда кам ахборотлардан биридир. Қисқаси, ўзбек журналистлари клубларнинг молиявий аҳволини, спортчиларнинг даромадларини фақат тахмин-у тусмол қилувчи материаллар тақдим этадилар.

Россия спортида, хусусан, футбол соҳасида ўйин ҳақидаги ахборотни эътиборни жалб қилувчи жозибали ва харидоргир товар сифатида сота олиш бўйича маркетинг шаклланган. Мамлакатда ўнлаб спортга ихтисослашган ТВ, 30дан зиёд газеталар фаолият кўрсатади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мухлислар спортга оид воқеалар ривожидан хабарсиз қолишмайди. Ўйинлар атрофидаги интригалар, майда тафсилотлар газеталарда қизгин муҳокама қилинади. Ўнлаб интервьюлар олинади. Шунинг эвазига мамлакатда РФПЛ баҳсларини телеэфирга узатиш ҳар йили ТВ каналларига муайян нархларга сотилади. РФПЛ шу тариқа камхарж, имконияти чекланган тузилма эмас, иқтисодий жиҳатдан бақувват ташкилотга айланган.

Ўзбекистонда “Спорт” телеканали марказий учрашувлар, кўпинча пойтахтга яқин жойларда бўлиб ўтадиган мусобақаларни кўрсатади. Бизнинг каналимиз асосан теннис, сув спорти, баскетбол, кураш каби турларни тарғиб қилади. Танқидий кўрсатувлар деярли йўқ. Ҳатто терма жамоамиз мағлубиятга учраган пайтда ҳам давра столи атрофида маҳаллий мутахассислар халқни юпантириш билан шуғулланишди. 2007 йили Осиё чемпионатида гуруҳ баҳсларидаги учрашувда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Хитой билан ўйнади ва 3-0 ҳисобида ғолиб бўлди. Ўйиндан сўнг, журналист студияга таклиф этилган меҳмонга қарата шундай деганди: “Очиғи, бугун мағлубиятга учрасак керак деган ўйда, сизни мухлисларни юпантирадиган гаплар айтсангиз, деб кўрсатувга таклиф қилгандик. Аммо энди биз ютиб қўйдик, унутинг у гапларни...”

“УзРепорт ТВ” кейинги пайтда Европа ЧЛ баҳсларини кўрсатишни бошлади. Бироқ, бу илк қадамлар, холос. Маҳаллий футбол лигаси чемпионат ўйинларини республикамизнинг марказий нашрлари тугул маҳаллий ТВларга ҳам сота олмаяпти. Бундан ташкилот йил бошида

клублардан тушадиган йиғимларга қарам бўлиб яшайди, деган хулосага келиш мумкин. Бошқа даромад манбалари йўқ. Маркетинг йўлга қўйилмаган.

“Спорт-Экспресс” газетаси журналистлари газетани интернет ва бошқа ОАВ орқали ёки блогерлик фаолиятига асосланиб, реклама қилиш имконияти дан унумли фойдаланади.

Бизнинг журналистларимиз, айтайлик, мазкур диссертацияда таҳлилга тортилган иккита газета журналистлари яхлит жамоа сифатида шаклланмаган. Масалан, “Футбол экспресс” газетасига янгиликлар тайёрлаб берадиган икки нафар журналист бир пайтнинг ўзида бошқа жамоаларда (Беҳзод Назаров “Пахтакор”да, Хайрулла Холиқов “Локомотив”да) матбуот котиби бўлиб ишлайдилар. Тарқатилаётган хабарлар, интервьюлар ҳам журналистларнинг ўзи ишлаётган клуби атрофида, унинг манфаатлари негизида бўлади. “Интерфутбол” газетасида ҳам аҳвол шу тарзда. Газетанинг бошқа мақолаларини ёзадиган журналист Муҳаммад Вали “Репетитор” номли абитуриентларга мўлжалланган газетада бош муҳаррир вазифасида ишлайди. Интервьюлар билан махсус шуғулланадиган журналист деярли йўқ. Узоқ вақт радиода ишлаган журналист Камолиддин Алимовнинг интервьюлари эса бу жанр талабларига жавоб бермайди. Хулоса шуки, бизнинг газеталаримизда ишлаётган журналистлар учун бу иш асосий машғулот эмас, аксинча, асосий ишдан бўш вақтларда, ундан узилмаган ҳолда бажарадиган юмуш, баъзилари учун шунчаки хобби вазифасини ўтайди. Бу ўз навбатида мавзуларнинг ёритилиши, муаммоларнинг очиб берилиши, нашр сифати ва нуфузига таъсир этмай қолмайди.

Албатта, икки давлатнинг спортга ихтисослашган нашрларини қиёсий ўрганиш асносида келтирилган фикрлар, баъзи ўринларда бирёқлама ёки бўрттирилгандек туюлиши мумкин. Аммо ҳақиқий аҳволни рўйи-рост тан олиб, ривожланиш йўлини ахтармас эканмиз, мамлакат футболи ва унга қўшилиб, спорт журналистикаси ҳам ўз ўрнидан қўзғалмай туришда давом этади.

Спорт нашрларидаги интервьюлар тематикасига келсак, “Интерфутбол”, “Футбол экспресс” нашрларида бу футбол ва унинг атрофидаги воқеалар бўлса, “Спорт экспресс”да футболдан ташқари, волейбол, хоккей, баскетбол ва теннисга оид мавзулар қамраб олинган. Юқорида санаб ўтилган омилар сабаб, интервьюларда мавзунинг очиб берилиши, ёндашув миқёси, суҳбатдошлар нуфузида ҳам етарлича тафовутлар кўзга ташланди.

“Спорт-экспресс”нинг 2017 йил 5 апрел сонидан эълон қилинган Сергей Циммерманнинг Бразилия термаси ҳамда Россиянинг “Зенит” жамоаси ўйинчиси Жулиану Виктор де Паула билан интервьюсида Бразилиянинг жаҳон чемпионатида чиқиши ҳамда терма жамоа истиқболлари мавзуси атрофида сўз борган.

“ — Табрикларимни қабул қилинг, — Бразилия биринчилардан бўлиб жаҳон чемпионатида йўлланма олди.

— Раҳмат, лекин ҳисоб бўйича у иккинчи. — ? — Бу борада Россия биринчи бўлди(кулади) ”.

Интервьюнинг табрик билан бошланиши суҳбатлашиш учун қулай психо-эмоционал муҳит яратишга хизмат қилган. Натижада самимий, дўстона руҳдаги интервью юзага келган. Яна бир эътиборли жиҳат — журналистнинг оригинал ва қизиқарли саволлар топиш маҳоратидир:

“ — Саралаш босқичида қанча вақтингиз Россиядан Бразилияга ва Бразилиядан Россиягача бўлган парвозларда ўтди?

— Санаманганман, бироқ парвозлар мен учун айни пайтда энг қийин вазиятлардан бири. Ҳаммасига мослашишга тўғри келади. Терма жамоага учиб боришни жуда ёқтираман. Хусусан, мавсум давомида ҳам — ахир чемпионат авжсида сен 10 кун ўз мамлакатингда бўласан, атрофдаги барча билан она тилингда суҳбатлашасан, одатий таомларни истеъмол қиласан. Бу зўр. Лекин Россияга қайтиб жуда олис йўлдан сўнг майдонга тушиши

*керек. Жисмоний томондан бу осон эмас. Соатлардаги фарқлар ҳам одамни чарчатади”.*⁶¹

Бу ўринда журналист саволига берилган жавоб футболчининг ҳаёти кўпчилик ўйлаганидек, осон эмаслиги, касбнинг ўзига хос қийинчиликлари борлиги ҳамда бу қийинчиликларга суҳбат иштирокчисининг муносабатини ўзида акс эттирган. Интервью давомида футболчининг суҳбатдош сифатидаги салоҳияти, характери юзага чиққан.

“Спорт-Экспресс”нинг 2017 йил 22 апрел сонидан эълон қилинган шарҳловчи Игор Рабинер қаламига мансуб интервьюда “Монако” клуби вице-президенти қуръа натижалари ҳамда ёш футболчи Кильян Мбаппенинг ўйинини таҳлил қилади. Журналист саволлари орқали унинг футбол соҳасида чуқур билим ва қатъий позицияга эга эканлигини англаш мумкин. Интервьюнинг қандай кечиши кўп ҳолларда кириш саволига боғлиқ. Дастлабки савол – журналистнинг суҳбатдош қаршисидаги ташриф қоғози, унинг мотивлари, мавзу ҳақида қай даражада тасаввурга эғалигини англатувчи коммуникатив ҳолат, вазият, десак муболаға бўлмайди.

“ — Қуръада сизларга ким рўпара бўлишини олдиндан сезганмидингиз? Ва ростини айтганда, кимни ҳаммадан кўп ёки камроқ хоҳлагансиз?

— Бу босқичда барча рақиблар юқори даражада. Шу сабаб, мен бу ҳақда ўйламаган эдим. “Ювентус” билан ўйнаймиз ва икки йил аввалги мағлубият учун реванш олишга ҳаракат қиламиз.

— Супер ҳужумкор “Монако” учун ўзлари ҳам ўйнаб, бошқаларга ҳам ўйнаш имконини берадиган рақиблар кўпроқ тўғри келади, деб ҳисоблайсизми? “Ман Сити” ва “Боруссия” айнан шундай жамоалар сирасидан, қолаверса, “Реал” сизлар учун қулайроқ бўлармиди?”.

Кўриниб турганидек, мавзунини очишда саволлар мантиқий кетма-кетликда, суҳбатдош жавобларидан келиб чиқиб берилган ва бу ўринда

⁶¹ Циммерман С. : Будь я тренером вашей сборной, пригласил бы всех Россиян из Зенита // Спорт-экспресс нинг 2017 йил 5 апрел

суҳбатдошнинг футбол ҳақидаги қарашлари, ҳакамлар ҳақидаги фикри, видеотакрорларга муносабати ҳам ойдинлашган.⁶²

“Интерфутбол”нинг 2016 йил, 8 сентябр сонида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мураббийи билан интервью чоп этилган. Ўсмирлар футбол мавзуси атрофида кечган ушбу суҳбатни турига кўра эксперт интервьюсига киритиш мумкин.⁶³

Бундай интервьюларнинг самимий ва жонли чиқишига кўпинча суҳбатдошнинг мавқеи тўсиқ бўлади, халқона тил билан айтганда, “салобати босади”. Эксперт қаршисидаги журналист айтилган ҳар бир сўзга ишониб, стенографистга айланиб қолади. Оқибатда у ойдинлик киритувчи ёки суҳбатдош фикрларига зид саволлар беришдан тийилади. Бироқ айти шу ўринда хушёрликни намоён этиш зарур, негаки, эксперт бирор илмий ғояга ҳаддан ташқари берилиб кетиши, муқобил фикрларни инобатга олмаган ҳолда шахсий нуқтаи назарини сингдиришга уриниши, мавзунини бошқа оқимга буриб юбориши мумкин.

“Спорт-Экспресс”даги интервьюлар билан қиёслаганда, “Интерфутбол”даги интервьюларда суҳбат оҳанги ўта расмий, саволлар эса жуда умумийлигини кузатдик:

— Шоҳруз, суҳбатимиз аввалида “Сўғдиёна” билан бўлиб ўтган баҳс ҳақида гаплашсак...

— Энди футболдаги илк қадамларни эслаймиз. Билишимизча, ўзига яраша қийинчиликларга дуч келган экансиз, тўғрими?

— Айтишларича, “Истиклол” жамоасида тўп сурган экансиз”.⁶⁴

Бу саволлар орқали суҳбатдош билан фаол коммуникация ўрнатиш, унинг ички дунёси, характери ҳақида тасаввурга эга бўлиш қийин. Шу ўринда айтиш жоизки, интервью орқали муайян мавзунини очиб беришда

⁶² Рабинер И. Вадим Васильев: Видеоповторы нужно вводить немедленно! // Спорт-экспресс нинг 2017 йил 22 апрел

⁶³ Алимов К. Темур Олимхўжаев: Футболдаги пойдевор — бу болалар футболу // Интерфутбол, 2016 йил, 8 сентябр, - Б.12-13.

⁶⁴ Алимов К. Шоҳруз Норхонов: Неймар, деб чакиришлари жуда ёқимли // Интерфутбол, 2016 йил, 2 июн, - Б. 10..

муаллифнинг шахсий позицияси муҳим ўринга эга. Савол орқали у суҳбатдошини қизгин баҳс-мунозара чорлаши ёки ундаги мулоқот истагини бутунлай сўндириши ҳам мумкин.

Яна бир фарқ матнни тақдим этиш шакли ва ҳажмида кўзга ташланади. “Спорт-Экспресс”даги интервьюларда журналистнинг кириш сўзи (лид) биргина хатбошидан иборат бўлса, “Интерфутбол” ва “Футбол экспресс”да у анча каттароқ ҳажмни эгаллайди. Рус нашрида футболчиларнинг аввалги ютуқлари, улар ҳақидаги умумий маълумотларни деярли учрамайди, боиси, интервьюларнинг барчаси футбол ишқибозлари аудиториясига йўналтирилган бўлиб, уларга қаҳрамонлар ҳақида ортиқча эслатиш шарт эмас, деб қаралади. Маҳаллий газеталаримиздаги интервьюларда эса бунинг аксини кўриш мумкин:

“Аввалги ҳафта Малайзия супер-лигасининг жорий йилги мавсуми якунига етди ва “Жаҳар Дарул Таъзим” клуби кетма-кет 3-марта мамлакат чемпионига айланди. Ҳамюртиимз Лутфулло Тўраевнинг жамоаси — “Фельда Юнайтед” эса ўз тарихида илк бор совриндорлар қаторига кирди — 2-ўрин. Хуллас ҳамюртимиз Малайзиядаги илк мавсумда кумуш медал соҳибига айланди...” ва ҳ.к.⁶⁵

К.Алимовнинг “Пахтакор” яримҳимоячиси Ж.Машарипов билан “Тошкент дербиси”дан сўнг кечган интервьюсида жамоанинг ғалабаси ва кейинги истиқболлари мавзуси атрофида фикр юритилган.⁶⁶

Журналист саволлар орқали футболчини “кашф қилиш”га уринган, бироқ баъзи жойларда ноўрин саволларга дуч келдик: Масалан:

“ — Охирги 4та ўйинда 4та гол уриб, 3та самарали “нас” бердингиз. Шахсий статистикангиз билан қизиқасизми?

— Албатта, ҳар бир учрашувдан сўнг ўзгаришларни ҳисобга олиб қўяман”.

⁶⁵ Алимов К. Лутфулло Тўраев — Малайзия чемпионати совриндори, 2016 йил, 1 ноябр, 11-б.

⁶⁶ Алимов К. Жалолиддин Машарипов: Озгина ишонч билдиришса, бас // Интерфутбол, 2016 йил, 4 октябр, 5-б.

Назаримизда, футболчиларнинг ҳаммаси ҳам ўйин давомида қандай натижа кўрсатганини билади ва бу ҳақда улардан сўрашга зарурат йўқ. Кейинги ўринда журналист

“— *Демак, рақобатга тайёрсиз?*” дея футболчига мурожаат этади. Аслида эса футболнинг ўзи — тўп учун кураш ва рақобат дегани эмасми? Рақобатга тайёр бўлмаган футболчи майдонга чиқиши мантиққа зид ҳолатдир.

К.Алимовнинг яна бир интервьюсида сўнгги йилларда бир қатор давлатларида ташкил этилаётган мураббийлик курслари хусусида сўз борган. ФИФА ва ОФК йўриқчиси Ислом Аҳмедов ФИФА ташаббуси билан Таиланд ва Қирғизистонда ташкил этилган ўқув-курсларини олиб борган мутахассис сифатида журналистнинг бу борадаги барча саволларига батафсил жавоб берган. Журналистнинг мураббийлик соҳасидан хабардорлиги ва саволларни тўғри қўя олгани мавзунинг очилишига ёрдам берган.⁶⁷

Тадқиқотчилар кутилмаган ёки телефон орқали уюштирилган блиц-интервьюларда мавзунинг тўлиқ очилмай қолиши ҳолатлари кўпроқ кузатилишини таъкидлашади. Бунда интервью олувчи “... ҳақида фикрингиз”, “Нималар кутилмоқда?”, “Режаларингиз қандай?” каби жуда жўн саволларни қўллайди. Бу орқали у вазиятга бефарқ эмаслигини ва масалага ойдинлик киритиш истагида эканлигини намойиш қилади. Сухбат усули, саволларни тузиш принциплари интервьюнинг мақсади ҳамда журналист ёндашуvidан келиб чиқади.⁶⁸

“Футбол экспресс”да чоп этилган Иқбол Маликжонов билан интервьюда “Универсиада-2016” спорт ўйинлари хусусида сўз юритилган. Ёш спортчининг “мавсум кашфиёти” бўлиши мумкинлигини қайд этган журналист, интервью давомида унинг характери ёки шахсий қобилиятларини

⁶⁷ Алимов К. Ислом Аҳмедов: Пул тўлаб, мураббий бўлиш тушунчасидан воз кечиш керак // Интерфутбол, 2017. 19-март

⁶⁸ Шостак М. И. Журналист и его произведение: Практическое пособие. М. 1998, 15-б.

очиб берувчи бирор савол билан мурожаат этмаганига гувоҳ бўлдик. Масалан:

“ — Универсиада-2016” спорт мусобақасидан олинган таассуротлар билан ўртоқлашсангиз?”

“ — Қайси ўйин сиз учун қийин бўлди, ярим финалми ёки финал?”

“ — Ўтган йили Ёшлар лигасида тажриба тўлаб, жорий мавсумда Олий лигада ўйнай бошладингиз. Элитадаги дебютингиз ҳақида нима дея оласиз?”

каби саволларни қамраб олган интервью икки киши ўртасидаги самимий суҳбатга эмас, балки кўпроқ ҳис-ҳаяжондан ҳоли ҳисоботга ўхшаб қолган.⁶⁹

“Спорт-Экспресс” газетасидаги “Краснодар” жамоаси бош мураббийи Игорь Шалимов билан интервьюда эса бунинг акси кўзга ташланади. Суҳбат давомида жамоанинг Россия чемпионати ва кубоги ҳамда еврокубоклардаги иштирокидан тортиб, футболчиларнинг жароҳатларигача бўлган турли саволлар атрофида фикр юритилган. Баъзи ўринларда журналистнинг суҳбатдоши билан мунозарага киришганини кўрдик:

“ — Тез-тез такрорланаётган жароҳатларнинг сабаби қулоғимга чалинганди — гўёки бу борада жисмоний тайёргарлик бўйича молдавиялик мутахассисга саволлар бор эмиш? У сизни қониқтиряптими?”

— Менда унга савол йўқ. Унинг иши мени тўла қониқтиради, у мен билан маслаҳатлашиб иш қилади. Машқлар меъёрлаштирилган ҳолда берилади.

— Унда нима?”

— Сабабларни икки кун ўтиб, учинчи кун бўладиган ўйинлардан излаш керак...”⁷⁰

Интервью олиш жараёнида журналист кўплаб психологик масалаларни ҳал этади. Масалан, у суҳбатдошнинг носамимийлиги белгиларини аниқлайди: мантиқий қарама-қаршилик, тафсилотларни

⁶⁹ Дехқонов А. Мақсадим жамоам билан улкан натижаларни қўлга киритиш // Футбол экспресс , 2016. 23 декабр

⁷⁰ Егоров С. Игорь Шалимов: Ныть о судействе — дело слабых // Спорт-Экспресс , 2017. 21-март.

калаштириб ташлаш, нутқий муҳитни интимлаштириш ва ҳ.к. (“Сизга қандай муносабатда эканлигимни биласиз”).⁷¹

Носамимий нутқий коммуникацияда одатда фактларга нисбатан изоҳлар кўпроқ бўлади. Суҳбатдош сўзларида ёлғон борлигини сезган журналистга стратегияни ўзгартириш, интервью берувчининг ёлғонларини айланиб ўтиш, бироқ асло уни фош этганини кўрсатиб қўймаслик тавсия этилади. Саволларнинг мазмуни ва тузилиши журналистнинг ким билан суҳбат уюштиришга боғлиқ. Нуфузини сақлаб қолиш, босимдан қочиш ёки ҳокимиятга эришиш ёки бошқа мақсадларда ёлғон гапирадиган инсонлар тоифаси мавжуд. Журналист буни билиши ва шу билан бирга ёлғонни фош этиш — ишончли муносабатларга путур етказишини ҳам ёдда тутиши шарт.

Бугун худди спорт каби, спорт нашрларига бўлган қизиқиш катта. Бироқ юқорида кўриб ўтган бир қанча омиллар сабаб, даврий нашрлар аудиториянинг таҳлилий материалларга бўлган талабини етарли даражада қондира олмаяпти. Ушбу бўлимда биз спорт нашрларидаги интервьюлар тематикасини таҳлил қилдик ва бу жараёнда Россиянинг “Спорт-Экспресс” нашри қатор устунликларга эга эканига гувоҳ бўлдик. Фикримизча, спорт нашрларимиздаги интервьюларни мазмунан бойитиш учун таҳририятларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, уларга спорт мавзусида талаб даражасида ёза оладиган маҳоратли журналистларни етказиб бериш, аудитория талабларини ўрганиш масалаларига жиддий эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, спорт нашрлари таҳлили асосида уларда репортаж, интервью ва шарҳ каби жанрлар етакчилик қилишини кузатдик. Дейлик, “Интерфутбол” ёки “Футбол-экспресс”нинг бир сониди 4тагача интервью учраши мумкин. “Спорт-Экспресс”да эса интервьюлар сони кўпроқ.

Тадқиқотимиз давомида аксарият интервьюлар информацион-таҳлилий характерга эга эканлигига гувоҳ бўлдик. Таъкидлаш жоизки, интервью

⁷¹ Ключев Е. В. Речевая коммуникация. Учебное пособие для университетов и институтов М., 1998.- С. 89.

нафақат ахборот олиш усули, балки бевосита психологик жараён, фикрлар тўқнашуви, мулоҳазалар майдони ҳамдир. Ана шу нуқтаи назардан, бу жанр муайян қолип ва қонуниятларга бўйсунмаслиги, унинг муваффақияти бир кишига боғлиқ эмаслигини ёдда тутиш зарур.

Спорт нашрларида чоп этиладиган интервьюларнинг мавзу кўлами, табиийки, спорт ва унинг атрофидаги муҳим воқеа-ҳодисаларни қамраб олади. Журналист нигоҳи илғаган ва суҳбатдош томонидан ойдinлик киритилган муҳим воқелик, вазият ёки ҳолат якунда интервьюни ҳосил қилади. Мазкур жанрнинг мавзунини очиб беришдаги имкониятларига келсак, албатта, бунда у таҳлилий мақола ёки шарҳ даражасига ета олмас-да, мазкур жанрларга хос унсурларни ўзида сақлаши мумкин. Умуман олганда, интервью бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажаради:

— воқелик юзасидан унга бевосита дахлдор шахслар муносабатини билиш;

— коммуникантлар фикрларининг тўқнашуви асосида баҳсли масалага ойдinлик киритиш;

— шахс характери ва ички оламини ўрганиш, у билан яқин мулоқот ўрнатиш ва ҳ.к. Бу жараёнда журналист маҳорати ҳам муҳим саналиб, бу хусусда кейинги бобда мулоҳаза юритамиз.

III БОБ. СПОРТ МАВЗУЛАРИДАГИ ИНТЕРВЬЮЛАР ТАҲЛИЛИ: ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ

3.1. Интервьюларда спортга оид долзарб мавзулар таҳлили

Маълумки, спорт доимий мусобакалар, шиддат ва тезкорлик ҳамда изчил ривожланишни назарда тутувчи соҳадир. Бу сифатлар табиий равишда спортга ихтисослашган нашрларда ҳам ўз аксини топади. Интернет ривожига ва онлайн трансляциялар спорт нашрларининг таҳлилий йўналишдаги фаолиятига бўлган эҳтиёжни оширгани ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. Таҳлил – (русча “анализ” сўзидан олинган) 1. Илмий текшириш усули; объектив воқеликни илмий билиш, ўрганиш воситаси; 2. Таҳлил қилиш; 3. Текшириш деган маъноларни англатади.⁷²

Таҳлилий жанрлар — бу турли кўринишларда шарҳланадиган, умумлаштириладиган, маълум муаммони ёритиш ва ҳар томонлама кўриб чиқишга хизмат қиладиган кенг фактлар майдони бўлиб, тадқиқотчилар таҳлилий жанр сифатида, одатда, шарҳ, мақола ва тақризни ажратиб кўрсатишади. Бироқ тараққиёт билан боғлиқ турли сабаблар туфайли сўнгги йилларда интервью ҳам таҳлилий характер касб этиб бормоқда. Айниқса, спорт журналистикасидаги интервьюларнинг аксариятида таҳлил элементлари кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан, қуйида биз долзарб мавзулар таҳлилини қамраб олган интервьюларни кўриб чиқамиз.

Спорт, жумладан, футболда мавзулар долзарблиги улар мухлисларда қай даражада қизиқиш уйғотишидан келиб чиқиб белгиланади. Футбол ихлосмандларини кўпинча жамоаларнинг ички сирлари, футболчиларнинг маоши, шахсий ҳаёти, футбол трансферлари (ўйинчиларни сотиш ёки сотиб олиш учун махсус ажратилган вақтда амалга ошириладиган битим ва шартномалар)га оид маълумотлар қизиқтиради. Шунингдек, спортда “кийиниш хонасидаги суҳбатлар” тушунчаси мавжуд бўлиб, мураббий ва

72 Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Русча-ўзбекча луғат. - Тошкент.: Ўқитувчи, 2013. - Б 31.

футболчиларнинг ўзига хос “инжикликлари”, ғайритабiiй одатларини “фош этувчи” бу каби суҳбатлар тафсилоти фақат интервьюлар чоғидагина ошкор қилинади. Масалан, баъзи мураббийлар иримчи бўлиши ва мушукларни ўлгудек ёмон кўриши, баъзилари ўз жамоаси аъзоларига пицца ейишни ман қилиши, бошқа бирлари эса компьютердан фойдаланишга рухсат бермаслиги каби фактлар интервьюларнинг шов-шувга сабаб бўлишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида нашр нуфузига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Жумладан, Россиянинг “Уфа” жамоаси бош директори Ш.Газизов билан интервьюда “Спорт-Экспресс” мухбири унга қуйидаги савол билан мурожаат қилади:

” — Сергей Семак ўйинчиларга машқлар давомида ножўя сўз ва ибораларни қўллашни ман этиб, рус футболда маданий инқилоб ясадими?”

— Мен бу каби янгиликларни фақат қўллаб-қувватлайман. Сергей Богданович жуда ақлли ва маданиятли инсон. Баъзан унинг ишларидан яхши маънода ҳайратга тушаман...”⁷³

Афсуски, футболга ихтисослашган миллий нашрларимизда соҳанинг долзарб муаммолари таҳлиliga бағишланган интервьюларни жуда кам учратдик. Бу спорт журналистларининг материал тайёрлашда аудитория талаб ва истакларини ҳисобга олмаслиги, интервью жараёнига пухта тайёргарлик кўрмаслиги каби омиллар билан изоҳланади.

Интервью учун мавзуни журналистнинг ўзи топиши ёки содир бўлган бирор муҳим воқеадан келиб чиқиб саволлар тузиши мумкин. Баъзан суҳбатдошнинг берган жавобларига қараб, интервью йўналиши бироз ўзгариши ҳолатлари ҳам учраб туради. Айтиш керакки, мазкур жанрнинг ахамияти ва мавзу долзарблиги ҳам маълум маънода журналист маҳорати, суҳбатдошнинг соҳадаги нуфузи каби омилларга боғлиқ. Дейлик, интервью чоғида у томонидан айтилган бирор қутилмаган ахборот бош планга чиқиши мумкин. Интервьюнинг нафақат журналистик фаолият тури, балки

⁷³ Айрапетов В. Шамиль Газизов: Игроки РФПЛ достойна хороших зарплат // Спорт-Экспресс, 2017. 25-январь.

психологик жараён сифатида тадқиқ этилишининг сабаби ҳам шу каби жихатларда кўзга ташланади.

“Интерфутбол” нинг 2016 йил, 22 сентябр сонида “Сиз кутган суҳбат” рукни остида Жанубий Африка футбол ассоциациясида фаолият юритаётган агент Санъат Шарипов билан интервью чоп этилган.⁷⁴ Унда ЖАРнинг қаровсиз ва безориликка қўл урган болаларни футболга жалб этиш сиёсати масаласига алоҳида урғу берилган.

Жанр ўзига хосликлари нуқтаи назаридан олиб қараганда, ушбу интервьюда йўл очерки элементлари учрайди. С.Шарипов журналистнинг саволларига тўлиқ ва батафсил жавоб бераркан, ЖАРдаги одамлар, футбол ассоциацияси тузилиши ҳамда болалар футболи ҳақида ҳикоя қилган. Бу ўринда журналист иштироки, ташаббускорлиги кўзга ташланмаган, у шунчаки умумий саволлар билан чеклангани боис, интервью таҳлилий эмас, балки ахборот етказиш характерига эга. Масалан, интервью бошида у суҳбатдошига

”— Дастлаб, Жанубий Африкада футболни бошқариш қай кўринишда олиб борилиши тўғрисида билишни хоҳлардик”, — дея юзланади. Бизнингча, агар журналист саволни

”— Жанубий Африка федерацияси тузилмасининг жуда катта эканлиги ҳақида эшитгандим. Сиз унинг фаолияти билан яқиндан танишиши имконига эга бўлдингиз. Бу ҳақдаги таассуротларингиз қандай?” қабалида шакллантирганида, суҳбатдошларнинг даражаси ўртасида мувозанат юзага келиши, интервью берувчида эса журналистнинг мавзудан хабари бор, деган фикр уйғониши мумкин эди. Зеро, муваффақиятли интервью шартларидан бири шундаки, журналист саволлари ўқитувчисига савол бераётган ўқувчиникига ўхшаб қолмаслиги керак.

“Спорт-Экспресс”да эълон қилинган Россиянинг “Спартак” жамоаси мураббийи Массимо Каррера билан интервьюда жамоанинг “Зенит” устидан

⁷⁴ Мирзаев У. Санъат Шарипов: Болалар футболга кўз юмиб, ЖЧга чиқиш — маънисизлик! // Интерфутбол, 2016 йил, 22 сентябр, - Б. 12-13.

қозонган ғалабаси ва чемпионлик пойгаси ҳақида сўз борган. Журналистнинг ўйин деталларига оид берган саволлари мураббий тактикасига ойдинлик киритиш ва келгуси ўйинларда унинг имкониятлари қандай бўлишини баҳолашга имкон яратган:

” — *Бугун бир неча қутилмаган қарорларга гувоҳ бўлдик. Нега ҳимоя марказида Кутепов эмас, Жикия чиқди? Нега дастлаб Самедов эмас, Попов ўйинга тушди?*

— *Жикия рақибидан келиб чиқиб ўйнади. Бунга машқлар ва “Уфа” билан кечган ўйинда амин бўлганман. Айнан у Дзюбага қарши яхши ўйнай олади, деган қарорга келдим. Попов ва Жано ўзаро яхши ҳамкорлик қилишади. Умуман олганда, ҳар бир ўйинчи муҳим. Мелгарехо ва Самедов ўйинга зўр кириб боришди. Менинг жасоам — зўр йигитлар. Улар билан фахрланаман. Улар — заҳирадагилар майдондагиларга ҳасад қилмайдиганлар жасоаси. Мураббий учун бу жуда муҳим.*

— *Луиз Адриану ва Зе Луишнинг аҳволи қандай?*

— *Биз бошиданоқ уларнинг “Зенит” билан ўйнаш имконияти йўқлигини билардик. Бугун Зе Луишнинг аҳволи анча яхши, у аллақачон шахсий дастур бўйича ишляпти.*

— *Биз уни овқатланишини кўрдик.*

— *Ҳа, у овқатланишни яхши кўради(кулади)...”⁷⁵*

Журналистнинг сўнги гапи у ва интервью берувчи ўртасида расмий савол-жавоб эмас, балки дўстона суҳбат кечаётгандек таассурот уйғотади, мураббийнинг жавоби эса унинг ўз шогирдлари ҳақида етарлича маълумотга эга эканидан далолат беради.

Интервью мавзусининг етарлича очиб берилишида суҳбатдошнинг фикр ва нутқ имкониятларидан ташқари, журналист саволларининг тўғри кўйилиши муҳим саналади. “Спорт-Экспресс” газетаси мухбирлари интервью берувчи сифатида кўпинча тажрибали футболчилар, мураббийлар,

⁷⁵ Папенков Ф. Массимо Каррера: У меня команда классных парней. Горжусь ими // Спорт-Экспресс, 2017. 17-февраль.

клуб раҳбарлари, жамоаларнинг собиқ ўйинчиларига мурожаат этишини кузатдик. Шунинг таъкидлаш керакки, уларнинг аксарияти аудиторияга қизик бўлган ахборот ва фикрларни бера оладиган кишилардир. Интервью давомида журналист мавзу, дейлик, жамоа мағлубияти сабабларини ўйинчилар имконияти, мураббий тактикаси, ҳакамнинг қарори, маълум футболчиларнинг жамоани тарқ этиши каби ракурслардан назар солиб, таҳлил қилади.

“— “Барса”нинг Туриндаги мағлубияти сабаби — Бускетснинг йўқлиги эдими?

— Йўқ, бунинг умуман дахли йўқ. Буларнинг бари сафсата. Ҳатто Бускетс ҳам ёрдам беролмасди.

— Унда бу жамоанинг маълум маънодаги инқирози ҳақида гапириши мумкинми?

— Дарҳақиқат, “Барса” аввалгидек эмас. Кейинги мавсумда, албатта, ҳимояни кучайтириши керак...”⁷⁶

Бу ўринда журналист астойидил мавзунини ойдинлаштиришга ҳаракат қилгани, суҳбатдошидан аниқроқ жавоб олишга интилгани кўринади.

“Футбол Экспресс”нинг 2015 йил 12 феврал сонида журналист Ф.Нишонов “Локомотив” ҳужумчиси А.Шоғуломов билан жамоанинг мағлубияти сабаблари хусусида суҳбатлашган.⁷⁷ Интервью самимий руҳда кечган, бир қанча муҳим масалаларни қамраб олган бўлишига қарамай, журналист томонидан ноўрин ҳамда мантиқан бир-бирига зид саволлар берилиши, бир масалага қайта-қайта мурожаат этилиши, суҳбатдош фикрларини очиқчасига инкор этиш каби ҳолатлар кўзга ташланган. Қуйида бу жиҳатлари бирма-бир кўриб чиқамиз.

“— Лекин натижа хунук кўриниши олди. Атиги тўрт иштирокчи орасида сўнги ўринни эгаллаш кишини ҳайрон қолдиради?!”

⁷⁶ Айрапетов В. Александр Глеб: Чудеса закончились. Барса уже не так // Спорт-Экспресс, 2017, 14 апрел

⁷⁷ Нишонов Ф. Алишер Шоғуломов: Терма жамоада ўйнаш ҳар бир футболчи учун фахр // Футбол Экспресс, 2015 йил, 12 феврал

— *Ҳа, шунақа бўлиб қолди. Мен ҳар доим фикримни эркин гапиришига ўрганганман. Шунинг учун бу сафар ҳам шахсий фикрим билан ўртоқлашаман. Назаримда мусобақадаги бундай иштирокимизда мураббийларнинг айби бор. Нега? Чунки таркибга футболчи жалб қилиш борасида хатога йўл қўйилганга ўхшайди. Терма жамоага чақирилган аксар ўйинчиларни умуман таниганим йўқ. Улар билан мусобақа давомида танишдим. Бош мураббий ёрдамчиси Алексей Евстафеев ўзи ишлаётган клуб “Нефтчи” дан кўплаб футболчиларни жалб қилган».*

Журналистнинг «нега ютказиб қўйдинг?» қабилидаги саволи, аввало ахлоқий қоидаларга мутлақо зид. Боиси, ҳар қандай ўйинда ғолиблар қаторида мағлублар ҳам бўлиши табиий. Бунинг сабабини футболчидан эмас, мураббийлардан, клуб раҳбарларидан сўраш, мақсадга мувофиқ бўларди, назаримизда.

«— Терма жамоага таклиф қилинган ўйинчиларни танимаслигингиз бу мураббийларни айблашга сабаб бўлмайди. Алексей Евстафеев қўл остидаги ўйинчиларни сиздан яхшироқ билади.

— *Албатта. Фикримни тўғри тушунинг, мен уларни кучсиз демоқчи эмасман, лекин “Бунёдкор”, “Пахтакор”, “Насаф” каби жамоаларда улардан кучлироқ ўйинчилар бор. Битта фактга реал қараш керак: “Нефтчи” ўтган йили олий лигада нечанчи ўринни қўлга киритди? Шунинг ҳам ҳисобини олиш керак эмасми?*

— **Ўзингиз мусобақа давомида нечта учрашувда майдонга тушдингиз?**

— **Балки шунинг учун мураббийни айблаётган бўлсангиз керак?**

— **Футболчи мураббийни айблаши одоб доирасига кирмайди?! Қолаверса, сиз ҳали кўпни кўрмаган ёш ўйинчисиз?!»**

Бу қисмда, кўриниб турганидек, журналист футболчига ўзи нотўғри савол билан мурожаат этиб, сўнг унинг жавобини муҳокама қилишга уринган. Шунингдек, интервью жараёнида футболчига одобдан сабоқ бериш, унинг тажрибасизлигини рўқач қилиш ҳам журналист вазифаларига

кирмайди. Қуйидаги савол билан эса муаллиф ўзининг сал аввалроқ билдирган фикрини инкор этаётгани кўзга ташланади:

«— Айтингчи, Олимпия терма жамоамиз шу мураббийлар билан кўзланган мақсадга эришиб, Олимпиада йўлланмасини қўлга кирита оладими?»
Сухбатдошининг «кўпни кўрмаган ёш футболчи» эканини айтиб, ўқувчи каршисида уни обрўсизлантирган журналист энди унга яна мураббийлар ҳақида савол бериши қанчалик тўғри? Афсуски, интервью жараёнига, журналистик матнга бу каби эътиборсиз ёндашув, журналистнинг нафақат ўқувчи, балки спортга муносабатини ҳам амалда намоён этиб турибди.

Ҳакамлик ва у билан боғлиқ муаммолар замонавий футболнинг долзарб мавзуларидан биридир. “Спорт-Экспресс”нинг 2017 йил, 2 май санасида эълон қилинган ҳакам В.Безбородов билан интервьюда журналист муайян воқелик (ЦСКА — “Спартак” дербисидан сўнг) мисолида бу мавзунинг аҳамиятли жиҳатларини кўрсатиб беришга интилган.⁷⁸

“— Ҳакамликка тайинланиш кунда сиз “Дерби тетиклантиради”, деган эдингиз. Ҳозир худди шундай ҳисларни бошдан кечиряпсизми? Ўйин сизни тетиклантирдими?”

— Жуда. Бизга шундай ўйин тушгани ва уни жуда юксак даражада ўтказганимиздан бахтиёрман. Бу учрашувни бирга ўтказган жамоадан фахрланаман. Эҳтимол биз камдан-кам бирга ишлаганимиз сабаб, қўшимча қийинчиликлар юзага келгандир...”

Унинг саволлари ҳакамнинг ўйин давомидаги хатти-ҳаракатлари маъносини ойдинлаштиришга йўналтирилган бўлиб, таҳлилий характерга эга:

“— Сиз дарвоза ортидаги ёрдамчиларингиздан ниманидир сўраганингизни айтдингиз. Нимани сўрагандингиз?”,

— Акинфеев тўпни дарвоза чизигидан уриб чиқаргандаги мураккаб вазиятни ҳал этишда айнан дарвоза ортидаги ассистент ёрдам бердимми?”,

⁷⁸ Егоров С. Владислав Безбородов: Не надо приглашать иностранцев, мы сами можем судить большие матчи // Спорт-Экспресс, 2017, 2-май

“— Сиз ўйинга 7 дақиқа қўшиб бердингиз. Бу пиротехника сабаб ўйинни бир неча маротаба тўхтатишга тўғри келгани учунми?” ва ҳ.к.

Журналист суҳбатдоши билан баҳсга киришмаган, унинг жавобларини изоҳламаган ва, айтишимиз мумкинки, бу ўзига хос ҳисобот-интервьюнинг юзага келиши учун замин яратган. Таъкидлаш керакки, ўйин деталларининг бундай таҳлилни фақат интервью орқалигина амалга ошириш мумкин. Бошқа жанрлар ҳакамнинг ўйиндаги тактикасини бу сингари батафсил очиб бера олмайди. Айтиш жоизки, Россия футболда анчадан буён ҳакамлик муаммоси кўтарилмоқда. Кўпгина интервьюларда тизимли равишда шу мавзуга оид фикрлар билдирилаётганини кузатдик. “Спорт-Экспресс” нашридаги интервьюлар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот, ҳам таҳлилий (муаммонинг борлигини кўрсатиш ва ечимларини излаш) функцияларни бажариши ана шу каби жиҳатларда кўзга ташланади.

Ҳакамлик соҳасидаги ислохотлар мавзусини камраб олган яна бир интервью “Футбол Экспресс”да чоп этилган бўлиб, унда журналист саволларига ФИФА рефериси Равшан Эрматов жавоб берган. Интервью давомида мавзу ва унга доир масалалар атрофлича муҳокама этилган, дейиш мумкин. Журналист компетентлиги, қолаверса, суҳбатдошнинг ақлий салоҳияти бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Журналист саволлари мавзунини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишга имкон яратган:

“— Шунини айтмоқчиманки, охириги пайтларда Европа футболда видеотакрорлардан фойдаланиш кенг тус олмоқда. Айтинг-чи, умумий маънода айтганда, сизнингча, бу тизимнинг қанчалик самараси билинмоқда?”,

— Видеотакрор бўйича ишлаган ҳакам сифатида унинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида нималарни айта оласиз?” ва ҳ.к.⁷⁹

Интервьюларда таҳлилга тортиладиган яна бир мавзу бу ўтказилиши кутилаётган ўйинларнинг прогнози ёки ўтказиб бўлинган ўйинлар

⁷⁹Жўраев Ш. Бизнинг чемпионатда ҳам дарвоза ортида турувчи ҳакам жорий этилиши мумкин // Футбол Экспресс, 2017 йил, 21 март, - Б. 8-9.

муҳокамасидир. Бу каби таҳлиллар жараёнида мусобақа иштирокчиларининг имкониятлари баҳоланади, хато ва камчиликлар кўрсатилади. Жумладан, «Интерфутбол» газетасининг 2016 йил 1 сентябр сонида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Сурияга қарши ўйинда кўрсатиши мумкин бўлган натижаси таҳлил этилган. Икки нафар респондентдан иборат жамоавий интервьюда журналист фаоллиги кўзга ташланмаган, у шунчаки экспертлар фикрини бериш билан чекланган, шу боис масаланинг кўп томонлари очиклигича қолиб кетган, аксарият фикрларга ойдинлик киритилмаган.⁸⁰

«Интерфутбол»нинг 2016 йил 6 октябр сонида эълон қилинган Ўзбекистон миллий терма жамоаси дарвозабони А.Лобанов билан интервьюда унинг жамоа ҳақидаги мулоҳазалари етакчи планга чиққан. Илк саволнинг ўзиёқ таҳлилга йўналтирилган:

«— Саиа, гуруҳнинг дастлабки икки учрашувида галаба қозондик. Ижобий стартнинг асосий омиллари нимада?»

— Ҳар бир футболчи жон-жаҳди билан майдонда ҳаракат қиляпти. Тўп учун охиригача курашяпмиз. Очколарнинг қандай қийматга эга эканлигини тушуниб турибмиз...».

Журналист таҳлил жараёнида иштирок этмаган бўлса-да, саволлари билан мавзунинг яхлит кўриниш олишига эришган.⁸¹

«Футбол экспресс» нинг 2016 йил 18 феврал санасида эълон қилинган тожикистонлик мутахассис Ҳаким Фузайлов билан интервьюда футбол бўйича Осиё чемпионати, унда Тожикистоннинг иштироки, Ўзбекистон терма жамоаси каби кўплаб мавзулар қамраб олинган, қолаверса, суҳбатдошнинг шахсий фаолияти юзасидан ҳам саволлар берилган:

«— Бугунги кунда Тожикистон футбол федерациясининг техник департаментида ишлаётганингизни айтиб ўтдингиз. Ўз ишимни топдим, деб ўйлайсизми? Ҳар ҳолда сиз асосан мураббийлик соҳасида фаолият кўрсатгансиз.

⁸⁰ Алимов К. Сурияни мағлуб этишимиз шарт, бошқача бўлиши мумкин эмас // Интерфутбол, 2016 йил, 1 сентябр, -Б.10-11.

⁸¹ Алимов К. Қарши ҳужумлардан эҳтиёт бўлишимиз керак // Интерфутбол, 2016 йил, 6 октябр, -Б.12.

— Ҳозирданок аниқ фикр билдиришим мушкул. Агар фаолиятим орқали Тожикистон футболининг ривожини учун нимадир бера оладиган бўлсам, бундан албатта хурсанд бўламан ва бу тўғри қарор қабул қилганимдан ҳам дарак беради».⁸²

Эътироф этиш ўринлики, журналист саволларининг бир тизимга асосланмагани ва интервьюда кўтарилган мавзу кўламининг ҳаддан ташқари кенглиги ўқувчи фикрини чалғитиши ва зериктириб қўйиши мумкин.

«Спорт-Экспресс»нинг 2017 йил 29 апрел сонидан эълон қилинган собиқ футболчи ва жаҳон чемпиони Марсел Десайи билан интервьюда журналист асосий диққатни Россия футболга қаратган. Унинг саволлари замонавий футболнинг энг долзарб масалаларини қамраб олган:

«— Сўнгги пайтларда Россия терма жамоаси фақат ҳафсалани пир қилмоқда...

— Ҳақиқий синов мусобақаларда бўлади. Хусусан, конфедерациялар кубоги жамоанинг турнир муҳитидаги ҳаракатларини баҳолаш имконини беради. Жамоа ўз қаторларидан етакчиларни илгари суриши керак...»⁸³

Муайян мавзунини таҳлил қилиш, унинг янги қирраларини очиб беришда баҳс-мунозара асосига қурилган интервьюларнинг ўрни бекиёс. Фикрлар хилма-хиллигининг энг олий намунаси бўлмиш бу каби суҳбатларда журналист компетентлиги, баҳс-мунозара маданиятидан хабардорлиги, суҳбатдош фикрларига ҳурмат билан ёндашиши жуда муҳим.

«Спорт-Экспресс»нинг 2017 йил 28 апрел сонидан эълон қилинган машҳур португалиялик агент Паулу Барбоза билан интервьюда айтилган шундай жиҳатлар кўзга ташланган. Бу интервьюнинг фарқли жиҳати шундаки, унда журналист фақат савол берувчи, ахборот тўпловчи сифатида эмас, балки суҳбатдоши сингари таҳлил қилиш қобилиятига эга мутахассис сифатида гаўдаланади.

«— *Паулу Соузага мураббий сифатида қандай баҳо берасиз?*

⁸² Нишонов Ф. Келишмаслик учун келишиб ўтириш шарт эмас! // Футбол экспресс, 2016 йил, 18 феврал

⁸³ Просветов А. России нужно стать Грецией -2004 // Спорт-Экспресс, 2017, 29 апрель.

— Буни, албатта, «Зенит»нинг ўзи баҳолаши керак, лекин менинг фикримча, Соуза энди-энди юксак даражада иш бошламоқда. Бироқ питерликларда ёшироқ португалиялик тренер билан ишлаш тажрибаси бор. Мен Виллаш-Боашни назарда тутяпман.

— Лекин Виллаш-Боаш анча ёш. Соуза эса элликка яқинлашиб қолган.

— Ҳа. Аммо биз ёш эмас, яшаб ўтилган йилларга қараб ўлчанмайдиган тажриба ҳақида гапиряпмиз. Соуза катта тажрибага эга деб айтолмайман. «Зенит» — кўпни кўрган мутахассисга муҳтож бўлган топ-клубдир.

— Мен бошқа нарса ҳақида сўрамоқчиман, — дея давом эттиради Барбоза.

— Бемалол.

— Нега «Зенит»дагилар айна пайтда ишсиз бўлган яхши россиялик тренерга қарашмаяпти?

— Кимни назарда тутяпсиз?

— Албатта, «Зенит» ва бошқа ҳар қандай клубнинг ишларига аралашишга ҳаққим йўқ, лекин фикримча, шу ернинг ўзида яхши компетент мураббий бўла туриб, нега у ўз бозорида ишламайди? Бу мен учун жумбоқ! Слуцкий яхши иш кўрсатди, унинг катта малакаси бор». ⁸⁴

Кўриниб турганидек, бу ўринда роллар алмашинуви юз берган, яъни саволни журналист эмас, унинг суҳбатдоши бермоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кун журналистикасида, айниқса, спортга оид нашрларда қатъий қоидалар аллақачон урфдан чиққан. Аниқроқ айтадиган бўлсак, интервью деганда фақат журналист саволларига суҳбатдош томонидан берилган жавоблар тушунилмайди. Балки мулоҳазалар баҳси, қарашлар кесишган нуқтада янги фикрларнинг юзага келиш жараёни ҳам назарда тугилади. Журналист суҳбатдоши билан мунозарага киришаркан, унинг фикрларини инкор этмайди, балки тушунарсиз ҳолатларга ойдинлик киритишга интилади. «Зенит»га маҳаллий мураббийни жалб этиш зарурлигига оид масалани

⁸⁴ Егоров С. Паулу Соуза? А почему Зенит не позовет Слуцкого? // Спорт-Экспресс, 2017 йил, 28 апрель.

суҳбатдоши тилидан моҳирона ўртага ташлай олган журналист бу борада шахсий позицияга эга эканлигини ҳам кўрсатган. Эътиборимизни тортган жихат шу бўлдики, рус спорт нашрлари, хусусан, «Спорт-Экспресс» газетасидаги интервьюларнинг аксариятида футбол клублари раҳбарлари олиб бораётган сиёсатга нисбатан журналист муносабати акс этади. Бу ўқувчига вазиятни бошқа ракурстан баҳолаш имконини берибгина қолмай, спорт нашрларининг ОАВ сифатидаги кучини ҳам амалда намоён этади.

«Спорт-Экспресс» газетаси интервьюларининг яна бир ўзига хослиги шуки, уларнинг деярли барчасида суҳбатдош кайфиятига қараб иш тутилгани, яъни журналист биринчи саволни беришдан олдин мавжуд вазиятни атрофлича ўргангани сезилади. «Футбол экспресс» газетасидаги интервьюларда журналист томонидан кўпроқ «сарик матбуот»га хос бўлган «фош этувчи» саволлар берилишини кузатдик. Бу баъзи ҳолларда суҳбатдошнинг ўз қобиғига ўралиб, ўзини ноқулай ҳис этишига олиб келган. «Интерфутбол»даги интервьюларнинг асосий қисми ўхшаш саволлардан ташкил топгани ва айнан бир савол билан бошланганига гувоҳ бўлдик. «Бугунги ўйин ҳақида қандай фикрдасиз?», «Рақиб жамоа имкониятлари ҳақида нима дея оласиз?» каби умумий саволлар, масалани чуқур ўрганиш, суҳбатдошни бирор қутилмаган янгиликни айтишга ундаш учун етарли эмас, назаримизда. Интервьюга тайёргарлик кўриш жараёнида журналист вақтини тежашга хизмат қилса-да, бундай шаблонларни меъеридан ортиқ қўллаш нутқ мазмуни ва таъсирчанлигига путур етказиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллий спорт нашрларимиздаги интервьюларда долзарб мавзуларга қўл урилади, бироқ уларни етарли даражада таҳлил қилишга келганда, журналистларнинг оқсаётгани кўринади. Бу муаммонинг сабаблари ва ечимлари ҳақида кейинги фаслда атрофлича сўз юритамиз.

3.2. Спорт мавзусидаги интервьюларда журналистнинг маҳорати

Спорт мавзуидаги интервьюлар, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзига яраша мураккаблик ва нюансларга эга. Бу ўз навбатида соҳада фаолият

юритадиган журналист зиммасига ҳам қатор вазифаларни юклайди. Журналист интервью чоғида шунчаки савол берувчи эмас, балки ташаббускор томон, гоё муаллифи сифатида гавдаланади. Унинг бош мақсади эса ахборот тўплашдан иборат. Бу жараёнда у ҳар қандай шароитга тайёр туриши лозим. Чунки айрим ҳолатларда ахборот ташувчилари алоқага чиқишни истамаслиги, ёки уни чалғитишга ҳаракат қилишлари мумкин.

Журналистлар доимий равишда спортчиларнинг матбуот билан мулоқот қилиш маданияти етарли даражада шаклланмаганидан нолишади. Айниқса, гап футбол ҳақида кетганда, бу масала янада жиддийроқ кўриниш олади. Матбуот вакиллари футболчиларнинг баъзан ҳатто экспресс-интервьюлар ҳақидаги илтимосларни ҳам рад этишларини таъкидлашади. Бу муаммо спорт журналистларининг яна бир қатор сифатларга эга бўлишини тақозо этадики, улар жумласига топқирлик, қатъият ва ҳатто сурбетликни ҳам киритиш мумкин.

Интервью олувчи суҳбатдошига исталган саволни бериш ҳуқуқига эга. Бироқ бу саволга жавоб бериш ёки бермаслик суҳбатдошнинг шахсий иши ҳисобланади. Биз таҳлил этган интервьюларнинг кўпида суҳбатдош журналистнинг у ёки бу саволига жавоб бериш нияти йўқлигини билдирган ўринларга дуч келдик. Бу баъзида саволнинг нотўғри тузилгани, баъзи ҳолларда эса жамоа ёки спортчи шахсига бевосита дахл қилгани билан изоҳланади. Мисол тариқасида «Спорт-Экспресс»нинг 2017 йил 4 май сонида эълон қилинган интервьюдаги ҳолатни келтирамиз:

«— Емельянов ва Павлюченко Фернандеш онангизни ҳақоратлаганини айтишди. Шу ростми?

— Бу ҳақда гапиришни ҳоҳламайман. Лекин ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай эркак ота-онаси ва яқинлари шаънига бундай гаплар айтилишига йўл қўймайди. Яхшиликча, Фернандешни майдоннинг ўзида ерга кўмиш керак эди».⁸⁵

Бу ерда гап Россия кубоги финалида футболчилар ўртасида юз

⁸⁵ Астахов С. Я поступил плохо. Но главный виновник — Арии // Спорт-Экспресс, 2017 йил, 4-май.

берган муштлашув ҳақида кетмоқда. Интервью бошида Артем Фидлер Ари Фернандеш билан даҳанаки жангга киришгани ва португалиялик футболчи чегарадан чиқиб, унинг шахсига дахл қилганини айтганидан кейин ҳам журналист бу ҳақда яна бир савол бериши бироз ноўриндек кўринади. Унинг мақсади футболчи кўз ўнгида яна ўша ҳолатни гавдалантириш ва интервьюнинг жонлироқ чиқишига эришиш бўлгандир, эҳтимол. Бироқ бу каби қалтис саволлар суҳбатдош ва журналист ўртасида мураккаб психологик вазиятни юзага келтириши ҳамда интервью жараёнига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Футбол амалиётида журналистга интервью бериш чоғида жамоанинг ички сирларини ошкор этиб, ўйинда жаримага тортилган футболчилар ҳам учраб туради. Шу боис, оммавий коммуникация соҳаси вакиллари билан муносабатда футболчилар хушёрлик ва эҳтиёткорликка асосланишади.

«— «Амкар» билан ўйиндаги Иванов ҳакамлигидан сўнг ўзингизга келишингиз қийин бўлгандир?

— *Нега айбни ҳакамга ағдаряпсиз? Арбитр нима асосида иш кўрганини билмайман. Бу билан махсус идоралар шугуллансин. Бўлган ишга саволот, икки очкони ҳеч ким қайтариб бермайди. Ўзимиз эҳтиёткорроқ бўлишимиз керак эди. Энди кейинги ўйинга тайёргарлик кўриш керак.*

— **Яъни галабани кўлдан бой берганингизга аввало ўзингиз сабабчисиз?** (синовчан савол — муаллиф)— *Биз кўпроқ гол уришимиз ҳам мумкин эди. вазиятлар бўлди-ку. Амалга ошира олмадик. Ҳакамликка келсак... Буни комиссия ҳал қилсин.*

— **Чемпионлик пойгасида ЦСКА учун мухлислик қиласизми?**

— *Бу каби саволларга эҳтиёткорлик билан жавоб беришга ҳаракат қиламан. Ҳозир бирор нарса деганим учун менга сариқ карточка... бекор гапирдим, яна фаршталар омин демасин (кулади)».*⁸⁶

Бу интервьюда журналист бир неча бор футболчидан ўзи кутган жавобни олишга ҳаракат қилгани, бироқ футболчининг эҳтиёткорлиги сабаб

⁸⁶ Айрапетов В. В чем фишка Фернандеса? Так я вам и рассказал! // Спорт-Экспресс, 2017, 25 апрель.

бу жавоб яширин ҳолатда айтилганини кўриш мумкин. «*Арбитр нима асосида иш кўрганини билмайман. Бу билан махсус идоралар шуғуллансин*» ва «*Ҳакамликка келсак... Буни комиссия ҳал қилсин*» деган жавоблардан суҳбатдош аслида ҳакамнинг қароридан норози эканлигини пайқаш қийин эмас. Бироқ баъзи сабабларга кўра, у буни ошқора айтишни истамаган.

Бундай вазиятда журналист, суҳбат йўналишини бошқарувчи шахс ўлароқ, суҳбатдоши, унинг у ёки бу фактларни ошқор этиш истаги, руҳий ҳолатига қараб иш тутишга мажбур бўлади. Бунда журналистдан мустаҳкам хотира, юксак шахсий интизом, руҳий қатъият, сўзамоллик, қизиқувчанлик, тезкор реакция, ирода ва топқирлик каби профессионал ва шахсий сифатлар мажмуи талаб этилади.

Петербурглик машҳур спорт журналисти Борис Ходоровскийнинг фикрича, инсон спорт журналисти касбини бутун ҳаёти давомида эгаллаб бориши керак. «Яхши спорт журналисти бўлиш учун бой ҳаётини ва спортга оид тажриба зарур. Шунингдек, амалиёт ҳам муҳим, айниқса, агар у инсон журналистика факультетида таълим олаётган бўлса, биринчи семестрданоқ, амалиёт ўташи лозим. Ниҳоят, у спортни ва ўз касбини ўзидан ҳам ортиқроқ севиши лозим».⁸⁷

Замонавий спорт амалиётида собиқ спортчилар ва спорт ишқибозларининг журналистик фаолият билан шуғуллана бошлашига доир талайгина мисолларни учратиш мумкин. Масалан, «Спорт-Экспресс»нинг етакчи шарҳловчиларидан бири Игорь Рабинер дастлаб футбол ишқибози сифатида танилган эди. Умуман олганда, спорт соҳасини ёритиш учун, инсон аввало бу соҳага қизиқиши, уни яхши ўрганган бўлиши зарур.

Спорт журналистдан фақатгина ижодий қобилият эмас, балки махсус билим, соҳа вакиллари билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатишни талаб этилади. Зеро, спорт журналисти футбол ўйинини ишқибозлардан кўра чуқурроқ таҳлил қилиши, улар илғамаган жиҳатларни кўра олиши, жараёнга

⁸⁷Новиков Д. Борис Ходоровский, спортивный журналист: Нельзя научить человека журналистике, а спортивной — в особенности //www.studme.org

мутахассис даражасида ёндашиши керак.

Спорт журналистининг ихтисослашуви аниқ бир жавоби топилмаган куйидаги саволлар кетма-кетлигини назарда тутати: «Журналист нечта спорт турини билиши керак?», «Қай даражада?», «Қаерда тўхташ лозим?» ва ҳ.к. Д. А. Туленков бу ўзига хосликни шундай таърифлайди: «Бугун замонавий журналистикани ихтисослашган йўналишлар мажмуи сифатида тасаввур этиш мумкин. Дейлик, академик эшкак эшиш ҳақида ёзаётган журналист, бу спорт тури тарихи, халқаро эшкак эшиш спорти федерацияси ва Халқаро олимпия қўмитасининг унга доир сиёсати, у ёки бу жамоанинг йирик беллашувлардаги имкониятлари, ушбу спорт турининг маданияти ва тактикаси ҳақида билиши, қолаверса, ўз мавзуси бўйича расмий сайтлар билан ишлай олиши керак».⁸⁸

Интервью ахборот олишнинг асосий усулларида бири эканлигини ҳисобга олсак, бу жараёндаги компетентлик, чуқур ихтисослик масалаларидан хабардорлик талаби журналистларнинг спортчилар, ишқибозлар ва ўқувчилардан ташқари мамлакат спорти олдидаги масъулиятини ҳам ўзида акс эттиради.

XX аср бошларидаёқ босма спорт журналистикасининг илк вакилларида бири А. Анохин «Спорт мухбири икки асосий талабга жавоб бериши керак: 1) нима ҳақида ёзаётганини билиш, 2) эҳтиросларга берилмаслик», дея таъкидлаган эди.

Бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, спортда журналист тезкорлиги жуда муҳим ўринга эга. Замонавий спорт изчил воқеалар кетма-кетлигига асосланиб, бугунги кун билан яшагани сабабли, журналистикада ҳам оперативлик тамойили биринчи ўринга чиқади. Интервью матнлари аксарият ҳолларда бир кун ичида тайёрланади. «Воқеа содир бўлган куннинг эртасига газетани очаркан, ўқувчи фактларни аниқлаштириш, ўз таассуротларини мутахассис фикри билан солиштириш ва албатта, спортчи, унинг қандай

⁸⁸Туленков Д. А. Спортивная публицистика и спортивная журналистика: особенности специализированного направления. - С. 176.

инсонлиги, муваффақиятга қай тариқа эришгани ҳақида билишни истайди».⁸⁹

Нашр сонининг юксак даражадаги оперативлиги спорт журналистидан нафақат мобиллик, балки ахборотни қайта ишлаш жараёнини тезлаштирувчи замонавий компьютер технологияларни билишни ҳам талаб этади.

Спорт журналистикасига хос яна бир муҳим жиҳат — унда аввалдан прогноз қилиш имконияти борлигида кўзга ташланади. Спорт мусобақалари ўтказиладиган жой ва вақт, одатда бир неча ҳафта олдин белгиланади. Бу спорт журналистларининг тезкор шароитдаги ишини бироз енгиллаштиришга хизмат қилади. Бироқ, репортаж, хабар каби жанрларни аввалдан режалаштириш, тахминий вариантини тайёрлаб қўйиш имконияти бўлса, интервьюда бу ишни амалга оширишнинг иложи йўқ. Боиси, «мусобақа қаҳрамони ким бўлиши, у суҳбатлашишга розилик бериш-бермаслиги, суҳбат қай тариқа кечишини аввалдан билиш имконсиз. Таъкидлаш керакки, таҳлилий жанрлар журналистик ихтисосликлар доирасида аввалдан режалаштирилади, негаки, бу турдаги материаллар ёзиш вақт талаб этади, демакки, воқеалар якунидан бир муддат ўтиб, эълон қилинади».⁹⁰

Бугунги ахборот жамияти шароитида журналистнинг аудитория билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши, уни қачон ва қандай ахборотлар қизиқтиришини билиши муҳим саналади. Мисол учун, Россиянинг Қатар билан бўлиб ўтадиган ўйинидан аввал журналист Д.Зеленов миллий терма жамоанинг собиқ мураббийидан интервью олган. 5 йил олдин унинг раҳбарлигида жамоа Қатар билан ўйнаб, баҳсни 1:1 ҳисобдаги дуранг билан яқунлаганини эслаш баҳонасида журналист мураббийнинг ҳозирги терма жамоа ҳақидаги баъзи мулоҳазаларини билиб олган.

«— Станислав Черчесовни биласизми?»

— *Унчалик яхши эмас, лекин биз суҳбатлашиб турардик. Менимча у пайтда*

⁸⁹Накорякова М. Н. Портрет спортсмена (из наблюдений над газетной практикой) // Спорт в зеркале журналистики. -С. 138.

⁹⁰Туленков Д. А. Спортивная публицистика и спортивная журналистика: особенности специализированного направления. -С. 178.

у ишламасди ва ўйинларга тез-тез келиб турарди. Мен уни чемпионат ва терма жамоа ўйинларида кўрганман. Жуда хушмуомала инсон.

— Нима деб ўйлайсиз, сиздаги авлод иқтидорлироқ эдими?

— Кўшилмайман. Ҳа, Аршавин йўқ, ўйинчилар алмашган, лекин сизларда кўп нарсага эришиши мумкин бўлган футболчилар бор. Кокорин, Дзюба, Дзагоев. Уларда сифат, қобилият бор! Краснодарлик ҳужумчи-чи?!»⁹¹

Айни ҳолат учун бу интервью жуда долзарб аҳамият касб этиши, табиий. Спорт журналистининг кўп йиллик тажрибаси, топқирлиги ва маҳорати шу каби вазиятларда қўл келади. Ушбу интервьюни долзарб мавзунини очиб беришда ўзгача журналистик ёндашув сифатида таърифлаш мумкин.

Спорт журналистикасидаги профессионаллик шартларидан бири — объективлик ва совуққонлик талабидир. Унинг муҳимлиги ва долзарблиги спорт журналистларининг аксарияти собиқ спортчи, мураббий ва ишқибозлар экани билан изоҳланади. Уларнинг шаклланиб улгурган диди, фикри ва қарашлари бўлиши, табиий. Бироқ журналистикада «ўзимизникилар» деган тушунчага асло ўрин йўқлигини ёдда тутиш зарур. Ўзи мухлислик қилаётган жамоа мағлуб бўлганда ҳам, спорт журналисти кайфиятидаги ўзгаришни мухлисларга сездирмаслиги керак. Бу, айниқса, интервьюлар чоғида муҳим.

«Спорт-Экспресс» газетаси мухбири Игорь Рабинер бу борада бироз фарқли фикрларни билдирган: «Спорт журналистларининг 99 фоизи мухлислардан «ўсиб чиқади». Мен «Спартак» мухлисман, бироқ кимдир менга бу жамоани бирор марта асосиз кўкларга кўтарганимни эслатсин-чи?! Аксинча, муваффақиятсизликлардан сўнг севимли жамоангни кўпроқ танқид қиласан, негаки, улар учун жонинг ачийди. Журналист ишқибозлигида ҳеч бир кўрқинчли нарсани кўрмайман, чунки кўп ҳолларда мухлис бўлмаган журналистнинг объективлиги ўқувчиларни зериктиради. Мухлислик — футболга муҳаббат рамзи, бу муҳаббат эса ўқувчиларда ҳам шунга мос

⁹¹ Зеленов Д. России нужен Денисов // Спорт-Экспресс, 2017 йил, 10 ноябрь.

ҳиссиётларни уйғотади. Асосийси, ижодда тундлик ва бефарқлик бўлмаслиги керак».⁹²

Турли тазйиқ ва босимларга дуч келмаслик, мухлислар ғазабини кўзғотмаслик учун спорт журналисти, энг аввало, фикр мустақиллигига эга бўлиши, касбнинг ахлоқий меъёрлари ва доимий равишда ҳаққоний ўйин — fair play талабини акс эттирувчи спорт қонуниятларига амал қилиши ҳамда шахсий жавобгарликни ҳис этиши зарур. Касбга чуқур кириб, унинг нозик жиҳатларини англаб боришнинг ўзи у ёки бу воқеликка нисбатан юзаки қарашлардан қочиш, баҳолашда бир ёқламалик ва шошқалоқликдан қутулишга ёрдам беради ҳамда спорт олами ҳақида яхлит тасаввурни шакллантиради. Бироқ спорт ҳаётини ОАВда объектив ва ҳаққоний акс эттиришда журналистларнинг тўғрисиўзлиги ва принципларга содиқлигидан ташқари яна бир муҳим жиҳат бор. Бу — бўлаётган воқеаларга оид ўз қарашларини журналистларга сингдириш истагидаги клублар, ташкилотлар, федерациялар ҳамда бошқа субъектларнинг хоҳишлари билан ҳисоблашмаслик имконини берувчи спорт нашрлари мустақиллигидир. Дастлаб бу ўзига хослик маълумотлар излаш ва тўплаш жараёнида юзага чиқади. Бунда спорт клублари, жамиятлари ва ташкилотларининг ички ҳаётига доир ахборотларни қўлга киритиш муҳим саналади, чунки, спорт мусобақаларини кузатиш, натижаларни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг ўзи ғалаба ва мағлубиятлар сабаблари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш ва уни ўқувчига тақдим этиш учун етарли эмас, ўқувчи шундоқ ҳам ўйин натижаларини билади, уларнинг трансляцияларини кўради.

Журналист спорт ҳаётининг ички сирларидан бохабар бўлиши, оддий мухлислар кира олмайдиган эшикларга йўл топиши лозим. Бунга имкон яратувчи муҳим восита — «аккредитация» саналиб, лотин тилидан келиб чиққан бу сўз бирор кишига ишонч билдириш ҳамда унинг маълум фаолият турини амалга ошириш ваколатини тан олишни билдиради. Шу тариқа, журналистни аккредитациядан ўтказиш орқали ташкилот унинг зарур

⁹²Рабинер И. Интернет-журнал. URL: peoples.ru/state/correspondent/rabiner/index.html 2003.8.03.

ахборотни олиш ҳуқуқи ва мажбуриятини тан олади ҳамда бунинг учун зарур шароитларни яратади. Аккредитация зарур ахборотни тез, аниқ, қулай ва одатий усулларда олиш имконини беради (матбуот вакиллари учун ажратилган махсус жойга кириш, конференц-заллар ва матбуот анжуманлари, брифингларда қатнашиш имконияти ва ҳ.к.).

Журналистлар ва спортчилар мулоқотини енгиллаштирувчи яна бир восита — кўплаб спорт объектларида мавжуд бўлган микст-худудлар (аралаш худудлар) ҳисобланади. Бу — журналистларнинг спортчилар билан (улар розилик берган тақдирда) тўсиқ ва воситачилардан холи шароитда суҳбатлашиши учун қатъий келишув асосида белгиланган жойлардир.

Бироқ спорт журналистикасида муваффақиятли фаолият юритиш учун матбуот ложеси, матбуот анжуманлари ёки микст худудларда олинандиган ахборотнинг ўзи камлик қилади. Бу ерда кўплаб журналистлар ўз диктофонига умумий маълумотлар, жамоавий интервьюларни ёзиб олиб, турли кўринишларда спорт ОАВга тақдим этишади. Лекин чинакам эксклюзив ахборотни матбуот анжуманидан топиш қийин. Уни қўлга киритиш учун, спорт журналисти доимий ахборот манбаларига эга бўлиши, спорт соҳаси вакиллари билан алоқаларни йўлга қўйиши ва мустаҳкамлаши зарур. Журналист учун зарур маълумотларни биргина телефон қўнғироғи орқали тезкор равишда қўлга киритиш имконияти спортчи ёки мураббийнинг унга бўлган ишончи асосига қурилади. Бу ишончни қозониш учун журналист келишилган ваъдаларни бажариши, олинган маълумотларни ўзгартирмаслиги (контекстдан юлиб олиш, ўзидан фикр қўшиш ва ҳ.к.), информаторга қўнғилсизлик олиб келиши мумкин бўлган ўтқир фикрлар ҳақида огоҳлантириши ва шахслараро мулоқотда юзага келувчи бошқа кўплаб жиҳатларни ҳисобга олиши керак бўлади.

Интервьюнинг муҳим босқичларидан бири — унга тайёргарликдир. Бунинг учун суҳбат ўтказиладиган жой ва вақт ҳақида келишиб қўйишнинг ўзи етарли эмас, балки, суҳбатдошга руҳан мослашиш, у ҳақида маълумот тўплаш зарур.

Журналистнинг ҳам ўз қарашлари, хоҳиш-истаклари бор. Ўз ишига ҳам у турлича кайфиятда ёндашади. Бу ишнинг натижаси ҳам ўз навбатида унинг кайфиятига таъсир этади. Баъзи ҳолларда у ўзини тутиб тура олмаслиги, ҳиссиётларига эрк бериши, суҳбатдошига нисбатан ўзини нотўғри тутиши мумкин. Таъкидлаш керакки, журналистни ҳамма ерда ҳам бирдек эшикларни ланг очиб кутиб олишмайди, балки, бу эшиклар баъзан унинг юзига ёпилган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Суҳбатнинг расмий ёки нормасмий туридан келиб чиқиб, журналист ўзини тутиш усули, қўл ҳаракатлари, сўз ва ибораларни танлайди. Шу ўринда психологлар томонидан ажратиб кўрсатилган ва журналистикада кенг қўлланиладиган суҳбатлашиш усулларини келтириб ўтишни лозим топдик:

1. **«Ниқоблар мулоқоти»** – суҳбатдош шахсини англаш муҳим бўлмаган расмий суҳбат. Бунда одобга хос одатий ниқоблар, яъни суҳбатдошга бўлган муносабатни яшириш имконини берувчи юз ифодалари, қўл ҳаракатлари, стандарт иборалар мажмуидан фойдаланилади.

2. **Расмий-ролли суҳбат**да суҳбат мазмуни ва воситалари суҳбатдошларнинг ижтимоий роллари асосида чегараланади: масалан, шифокор ва бемор, назоратчи ва йўловчи.

3. **Иш юзасидан суҳбат** у ёки бу фаолият предмети — ишлаб чиқариш, илмий, ўқув ва ҳ.к.ни оптималлаштириш ва ташкиллаштиришни назарда тутди. Бу суҳбат турида суҳбатдош шахсининг ўзига хосликлари, характери ва кайфияти инобатга олинади, лекин биринчи ўринда суҳбатдош эмас, ишга оид манфаатлар туради.

4. **Шахслараро маънавий суҳбат**да шахснинг ички олами очилади ва суҳбатдошларнинг бир-бирини тўлиқроқ англашига эришилади.⁹³

Интервью – бу шунчаки савол-жавоб эмас. Драматургия, изчил ва қизгин диалогсиз ҳақиқий интервьюни тасаввур қилиш қийин.

Суҳбат давомида журналист инсонни турли усулларда ахборот беришга

⁹³ Айви Е. Практическое пособие для освоения приемов и навыков делового общения. Новосибирск, 1995. - С. 30.

йўналтириш, очик сўзлашишга ундаш, фактларни идрок этиш каби вазифаларини доимо ёдда тутиши лозим.

Ҳар бир суҳбатдош — алоҳида шахс. Унинг ўзига яраша характери, одатлари, хоҳиш-истаклари, қўрқувлари бор. Унинг кўнглига йўл топиш, керакли ахборотни қўлга киритиш учун журналист ўзига хос ёндашув, психологик тактика ҳамда коммуникатив қобилиятларни қўллаши зарур. Тадқиқотчи Г.Лазутинанинг фикрича, «Журналист дастлаб суҳбатдошининг кўзга ташланиб турган ташқи белгиларига разм солиш, кейинчалик эса аниқ бир шахс сифатида идрок этиш орқали уни ҳар дақиқада ўрганиб боради».⁹⁴ Инсон — бетакрор ва битмас-туганмас хазинага ўхшайди ва ҳар бир интервьюдан сўнг журналистда яна кўп саволлар туғилиши табиий. Бу жараёнда табиат ва жамиятнинг умумий қонуниятларини акс эттирувчи фалсафий билим ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Интервью босқичма-босқич тайёрланади. Дастлабки босқичда суҳбатдошининг одатлари, қизиқишлари, инжиқликлари, ўзига хосликлари ҳақида билиш тавсия этилади. Суҳбатдошни сўзлашув ёки баҳсга тортишга ёрдам берувчи саволлар тизимини ўйлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, суҳбатдошининг тахминий жавобларини олдиндан кўра билиш муҳимдир. Мулоқот характери «рақиб — журналист» ёки «ҳамкор — журналист» каби икки хил ёндашувга кўра белгиланади. Суҳбатдоши у билан ҳамкорлик қила бошлаши учун журналист катта куч сарфлаши ва бор маҳоратини ишга солиши зарур. Деярли ҳар доим суҳбатдошни интервьюга тайёрлаш, интервью берувчи сифатида ундан нималар талаб этилишини (суҳбат давомийлиги, саволларнинг мураккаблик даражаси, компетентлик ва ҳ.к.) тушунтиришга эҳтиёж бўлади.

Суҳбатдошининг интервью беришга розилигини олиш учун журналистлар одатда ўз нашрлари нуфузига таянишади. Бироқ шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзи инсонлар у ёки бу нашр улар учун нуфузга эга бўлмагани, ёки журналистнинг ўз номидан иш кўрмагани боис, интервьюга

⁹⁴Лазутина Г. В. Основы творческой деятельности журналиста. -М, 2000. - С. 171.

розилик билдиришмайди. Мақсадлари жиддий эканини исботлай олган журналистгина суҳбатдошни интервьюга кўндириши мумкин. Ҳамма ҳам журналистлар билан мулоқотга киришиш тажрибасига эга эмас ва агар биринчи марта интервью бераётган бўлса, асабийлашиши ёки ундан нима истаётганини англамаслиги, у журналистга тақдим этаётган ахбороти чиндан ҳам муҳим эканлиги борасида иккиланиши мумкин. Бу эса жуда кўп вақтнинг бекорга сарфланишига олиб келади. Яхшиси, коммуникатив ҳамкор билан барча шартлар — интервьюнинг давомийлиги, ёзиб олиш усули ҳамда сўзлашув мавзусини келшиб олиш, суҳбатдошнинг компетентлик даражасини аниқлаш лозим, негаки, у ҳам интервью берувчи сифатида ўз вазифасини уддалаганини ҳис этиши керак.

Суҳбатдошни унинг ўзига хос ва бетакрор шахс эканига ишонтира олиш журналистнинг касбий маҳоратига боғлиқ. Бунда кўпинча ҳавойи гаплару, куруқ мақтовлардан кўра, интервью берувчининг сўзларида уни қайси жиҳатлар таъсирлантирганини билдириш кўпроқ қўл келади.

Журналистнинг психологик маданияти кўплаб хатолардан халос этиб, вазиятларни олдиндан кўра билишга ёрдам беради. Суҳбатдошлар кутилмаган, йўл-йўлакай сўзлашувларни ёқтиришмайди. Саволлар рўйхати суҳбат тизимини сақлаган ҳолда, суҳбатдошга саволлар олдиндан ўйланганини аниқлашга хизмат қилади.

Профессионал журналист тўғридан-тўғри мулоқот чоғида интервью берувчида ғазаб, уялиш, жажл, афсусланиш каби ҳисларни уйғотувчи саволлар тузмасликка ҳаракат қилади. Акс ҳолда, суҳбатдош ўз қобилигига ўралиб, суҳбатни тезроқ якунлашга ҳаракат қила бошлаши мумкин.

Савол фақатгина бир фикрдан иборат бўлиши лозим, негаки, бир неча саволлар бирданига берилган ёки бир саволда бир қанча масалалар акс этган ҳолларда суҳбатдош фақатгина сўнгги саволга ёки унинг бир қисмигагина жавоб бериши кузатилади.

Бугунги аудиторияда жонли, ноодатий мулоқотларга талаб катта. Шаблон саволлар ва уларга берилган куруқ жавоблар ўқувчи диққатини жалб

этмайди ва интервьюда кўтарилган муаммо қанчалик долзарб бўлмасин, унинг ўқилмасдан бир чеккада қолиб кетиш эҳтимоли катта. Ана шу тенденцияни ҳисобга олган ҳолда, замонавий спорт журналистлари долзарб мавзуларни ёритишда ўзгача ёндашув асосида иш кўриши, ўз устида ишлаши, кўпроқ деталларга аҳамият бериши ва оригинал саволлар тузиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, “Спорт-Экспресс”нинг 2017 йил 2 май сонидан эълон қилинган “Спартак” жамоаси мураббийи Массимо Каррера билан интервьюси диққатга сазовор.

“— Сирингиз нимада?

— Биз, аввало оила, ундан кейин жамоа бўлдик. — Италия ва Россия футболлари ўзаро таққосланг.

— Бу ердаги чемпионат ёмон эмас, футбол ҳам шундай. Россия футболлари даражасига кўра, Европаникига яқинлашмоқда. Мен юқори изчиллик ва юқори тайёргарликка гувоҳ бўляпман. Эҳтимол, Россия тактикани Италия каби батафсил ўрганмаётгандир, лекин бу — вақт масаласи.

— Зе Луишга ўйин олдидан қандай егулик бергандингиз?

— Ўздан сўранг, мен унинг уйида овқат пиширмайман. Умуман, у анчадан бери ўйнамаган эди, бироқ майдонга чиқиб, кутилган ишни бажарди”.⁹⁵

Айтиш керакки, бу интервьюда муҳим ахборот ёки таҳлил йўқ, аммо у мураббий ва жамоанинг ғалабадан кейинги кайфиятини акс эттиришга хизмат қилган. Саволларнинг қисқалиги эса бевосита ўйин руҳини ҳис қилишга, журналист ва мураббий суҳбатини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиришга ёрдам беради.

Матбуот назариётчиси В. М. Горохов суҳбатнинг бир неча асосий қоидадини ажратиб кўрсатади:

1. Саволнинг ўзида журналистнинг кўриб чиқилаётган муаммога оид

⁹⁵ Зеленов Д. : В чем секрет? Мы стали семьей // Спорт-Экспресс, 2017, 2-май.

билимлари акс этиши лозим;

2. Сухбатдошнинг жамиятдаги нуфузи, ижтимоий ролидан ташқари, унинг шахси, реал характериға нисбатан бевосита ёки билвосита қизиқиш билдириш;

3. Сухбатдош характерининг ўзига хосликлари, унинг маънавий ҳолатини ҳисобға олувчи қулай психологик шароитнинг яратилиши. Журналист ўз қаҳрамонининг маънавий қувватини фаоллаштириши керак.

4. Мунозаравийлик, баҳсли муаммоларни келтириш билан ёндашув уйғунлиги. А. Аграновский ўзининг сухбат олиб бориш услублари қаторида қўйидаги қоидаға алоҳида эътибор қаратади: «Баҳслашиш керак... Мен учун иккиланишдан халос бўлиш муҳим, шунда мен газета саҳифасида ҳам бу ишни қила оламан...».

5. Сухбатнинг иккиёқламалиги, нафақат сўзлаш, балки тинглашға ҳам қодирлик. Тинглаш қобилияти, деганда, аввало айтилган нарсани тўғри англаш ва баҳолаш, оригинал фикрни ўз вақтида илғаш, сухбатни керакли оқимға йўналтириш, сухбат бўйича ҳамкорға босим ўтказмаслик, балки аксинча, унга ҳар томонлама кўмаклашиш назарда тутилади.⁹⁶

Сухбатдошлар ҳаракати қизиқишлардаги фарқлар, зиддиятлардан келиб чиқиши ҳам мумкин. Бу ҳолатда сухбат тактикасини ўзгартириш талаб этилади.

Д. Дмитриевскийнинг фикрича, «муваффақиятли интервью бу яхши қўйилган спектакль бўлиб, интервью олувчи унда бирданиға ҳам драматург, ҳам режиссёр, ҳам актёр, ҳам грим устаси, ҳам рассом, ҳам суфлёр ва, албатта, томошабин ўрнини босади».⁹⁷ Журналист интервьюға тайёрланиш жараёнида респондентнинг шахси, унинг ижтимоий даражаси, касбининг ўзига хослиги, биографиясига оид фактларни ўрганеди.

Муваффақиятли сухбат шартлари:

- Пухта (шу жумладан, психологик) тайёргарлик.

⁹⁶Горохов В. М. Основы журналистского мастерства. -М., 1989. - С. 57-58.

⁹⁷Дмитровский В. Как взять интервью // Именно это может спасти интервью от поверхностности. Театральная жизнь. 1997. № 1. - С. 37.

- Суҳбат йўналишига мослашиш, ёқимсиз вазиятларни тезкорлик билан баратараф этиш.
- Суҳбатни ривожлантиришга ёрдам берувчи усулларни қўллаш билиш.
- Журналистнинг сўз бошлаши ва унга якун ясаши.
- Суҳбат «асосийдан иккиламчига» тамойили бўйича олиб борилиши лозим.
- Журналистнинг ижодий кайфиятда бўлиши ва суҳбатдошига ҳам ҳиссий таъсир кўрсатиши.⁹⁸

Баъзан пухта тайёргарлик ҳам суҳбатнинг кўнгилдагидек чиқишига ёрдам бермайди. Интервью олувчи ва респондент суҳбатида психологик, ижтимоий-психологик ҳамда ахлоқий тўсиқлар юзага келиши мумкин.

Психологик тўсиқлар қуйидаги сабабларга кўра юзага келади:

- суҳбатдошлар ижтимоий мавқеининг ўзаро мутаносиб эмаслиги;
- интеллект даражасининг турлича эканлиги;
- темперамент ва характерлардаги фарқ;
- суҳбат кечаётган муҳитга унинг мақсадлари ва моҳиятининг мувофиқ эмаслиги.

Савол — маълумот олишда журналистнинг асосий қуролидир. У суҳбатдошни дарҳол баҳсга чорлаши мумкин. Тўғри қўйилган савол суҳбатдошда жавобдан қочишга имкон қолдирмайди ва гапнинг «пўсткалласини» айтишга мажбур қилади. Баъзан кўзланган мақсадга эришиш учун журналист тизимли равишда бир неча саволлар кетма-кетлигидан фойдаланишига тўғри келади.

Интервью мазмуни саволларнинг қандай тақдим этилишига боғлиқ. Журналист билан суҳбатга розилик билдирган инсон жавоб беришда қийналмаслиги керак. «Менга ўзингиз ҳақингизда бирор қизиқ нарсани ҳикоя қилиб беринг» қабилидаги саволга журналист ўзи кутган даражада жавоб ололмаслиги мумкин. Саволларни тўғри тартибда бериш орқали журналист ўзининг ахборот олиш, суҳбатдошнинг эса саволларга жавоб топиш жараёнини осонлаштиради.

⁹⁸Петропавловский Н. Н., Ситников А. П. Путь к власти. М., 1996. - С. 154.

«Нега?» ва «Нима учун?» — журналистларнинг сеvimли саволлари сирасига киради. «Шундай эмасми?», «чиндан ҳам ...ми?», каби саволли бирикмаларни қўллаш орқали журналист суҳбатдошидан «Ҳа» деган жавобни олишга ҳаракат қилади.

Интервью жараёнидаги асосий мураккабликлардан бири — суҳбатдошда интервью мақсадлари ҳақида тасаввурни шакллантириш. Масалан, «Туғилган кунингизга одатда нима совға қилишади?» кабилидаги нейтрал савол орқали журналист «Бу сафар туғилган кунингизда қандай совға олишни хоҳлайсиз?» деган саволга жавоб кутиши мумкин. Бирок респондент бу ҳолатда ўтган йиллар мобайнида унга берилган совғалар ҳақида гапириб, дейлик бош кийимлар мавзусига ўтиб кетиши эҳтимоли йўқ эмас. Бу ҳолатни қуйидаги мисол асосида кўриб чиқамиз:

«— Жамоанинг олий лигадаги иштироки хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— 1-турда «Металлург» билан қандайдир оғир, қийин ўйин бўлди. Ёлғир ёққани сабабли майдоннинг ҳолати кўнгилдагидек эмасди. Лойли майдонда тўп суриш қийин бўлдими, қисқаси ўша кун умуман ўйинимиз қовушмади...»⁹⁹

Журналистнинг умумий саволи сабаб, футболчи фақатгина ўйин тафсилотларини санаш билан чекланган. Бундай вазиятда йўналтирувчи ёрдамчи-саволларга мурожаат этишга тўғри келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, коммуникация жараёни журналистдан рухий тайёргарлик, муайян билимлар мажмуи, муҳим фактларни пайқай олиш ҳамда суҳбатдош фикрини ҳурмат қилиш каби қатор хусусиятларга эга бўлишни талаб этади. Савол тузиш — интервьюнинг мураккаб жараёнларидан бири ҳисобланиб, тўпланаётган ахборотнинг сифати саволларнинг ўз ўрнида ва аниқ берилишига боғлиқ бўлади.

Тадқиқот ишимиз давомида «Интерфутбол», «Футбол-экспресс» ҳамда «Спорт-Экспресс» нашрларида чоп этилган интервьюларни долзарб мавзулар

⁹⁹ Нишонов Ф.: Ўзимга бўлган ишончим қайтди // Футбол экспресс, 2015 йил, 18-апрел.

таҳлили жиҳатидан қиёсий ўргандик. Айтиш жоизки, «Спорт-Экспресс» газетасидаги интервьюларнинг аксариятида спортга оид воқеалар таҳлилини учратиш мумкин. Журналист ва респондент ўртасидаги баҳс-мунозаралар, тенглик асосидаги суҳбатлар жараёнида спортга оид турли мавзулар атрофлича муҳокама этилган. Спорт соҳаси вакили билан бирор мавзуда фикр алмашиш учун журналистдан чуқур билим, шахсий позиция ва ҳозиржавоблик талаб этилади. «Интерфутбол» ва «Футбол экспресс» нашрларида фаолият юритаётган журналистлар бу борада бироз оқсаётгани кўзга ташланди.

Таъкидлаш керакки, журналистнинг интервью жараёнидаги вазифаси шунчаки савол бериш эмас, ижтимоий аҳамиятга эга ахборотларни тўплашдан иборат. Мулоқотнинг барча босқичларида журналист рухий тўсиқларни енгиб ўтиши, объект томонидан кўрсатилаётган қаршилиқни бартараф этиш механизмларидан фойдаланиши, муҳим нуқталарни илғаши ҳамда суҳбатнинг салбий оқибатлари олдини олиши зарур.

ХУЛОСА

Спорт соҳасини ёритиш, жамиятнинг унга муносабатини шакллантиришда ОАВнинг ўрни беқиёс. Мусобақалар тафсилоти, қизгин жараёнларга оид ахборотларни тақдим этишда репортаж ва хабар жанрлари етакчилик қилса, спорт ҳаётининг ички сирларини акс эттиришда интервью кўл келади. Интервьюсиз журналистикани тасаввур қилиш қийин. У ахборот тўплаш усули ҳамда жанр сифатида хилма-хил коммуникатив вазифаларни бажаради. Жанр сифатида интервьюнинг ўзига хослиги — унинг икки томонлама ижод маҳсули, фикрлар кесишувида юзага келадиган умумий хулосалар мажмуи эканлигида намоён бўлади. Спорт интервьюларининг, асосан таҳлилий характер касб этиши тезкор технологиялар ва Интернет асри яратаётган имкониятлар, жумладан, ўйин ва мусобақаларни жонли эфирда кўриш кабилар билан изоҳланади. Тадқиқотимиз давомида бу жиҳатларни чуқур ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

биринчидан, интервьюнинг муваффақияти шахслараро коммуникациянинг қай йўсинда қурилиши, вербал ва новербал мулоқот воситаларидан тўғри фойдаланиш каби жиҳатларга боғлиқ саналади.

иккинчидан, спортга бағишланган босма нашрларнинг деярли барчасида интервью жанри етакчилик қилишини кўриш мумкин. Унинг савол-жавоб асосида қурилиши спорт мусобақалари ва ўйинларидаги тезкорлик, шиддат руҳини тўғридан-тўғри ўқувчига етказиш имконини беради. Босма спорт журналистикаси бир қанча жанрларга бўлинишига қарамай, улар орасидаги чегаралар нисбий ва амалий фаолиятда у ёки бу жанрлар қоришуvidан иборат материаллар кўпроқ учрайди.

учинчидан, интервью жанрининг жаҳон журналистикасидаги барқарор ва такомиллашиб бораётган мавқеи айнан замон шиддати ва информацияни айнан биринчи шахс тилидан ўқиш истагининг кучайиб бораётгани билан изоҳланади. Чунки, журналистнинг бирор муҳим спорт воқеасига оид мақоласи, ўша воқеада бевосита қатнашган спортчидан олинган

интервьючилик таъсирчан бўлмаслиги, ҳолат руҳини акс эттирмаслиги мумкин.

тўртинчидан, спорт нашрларида чоп этиладиган интервьюларнинг мавзу кўлами спорт ва унинг атрофидаги муҳим воқеа-ҳодисаларни қамраб олади. Мазкур жанр муайян мавзунини очиқ бериш баробарида воқелик юзасидан унга бевосита дахлдор шахслар муносабатини билиш; коммуникантлар фикрларининг тўқнашуви асосида баҳсли масалага ойдинлик киритиш; шахс характери ва ички оламини ўрганиш, у билан яқин мулоқот ўрнатиш каби вазифаларни бажаради.

бешинчидан, «Интерфутбол» ҳамда «Футбол-экспресс» нашрларидаги интервьюлар журналистик услуб ва ёндашув нуқтаи назаридан «Спорт-Экспресс» газетасидаги интервьюлардан тубдан фарқ қилади.

олтинчидан, интервью — мураккаб руҳий-эмоционал жараён бўлиб, журналистдан ҳар томонлама пухта тайёргарлик, муайян билимлар мажмуи, муҳим фактларни пайқай олиш ҳамда суҳбатдош фикрини ҳурмат қилиш каби қатор хусусиятларга эга бўлишни талаб этади.

Диссертация мавзусини тадқиқ қилиш асосида миллий спорт нашрларимиз таракқиёти учун муҳим бўлган қуйидаги тавсия ва таклифларни илгари сурмоқчимиз:

1. Журналистларнинг спорт турлари бўйича ихтисослашувини таъминлаш мақсадида спорт федерациялари матбуот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, спорт нашрлари таҳририятлари билан тизимли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;
2. Спорт журналистларининг ахборот олиш эркинлигига дахл қилувчи бюрократик чекловлардан халос бўлиш, аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш;
3. Журналистика факультетлари талабаларини амалий фаолиятга жалб этиш, уларнинг спорт мусобақаларини ёритиш, интервью олиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилувчи илмий-амалий конференциялар, семинарлар-тренинглар ташкил этиш;

4. Спортга ихтисослашган нашрларда фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш мақсадида, мухбирлар сонини кўпайтириш, имкон даражасида алоҳида спорт тури ёки жамоа бўйича ихтисослашган журналистларни тайёрлаш;
5. Спорт журналистларининг малакасини ошириш учун уларни турли хорижий давлатларнинг етакчи спорт ОАВ таҳририятларга юбориш мақсадга мувофиқ. Чет давлатлар журналистлари билан ҳамкорлик қилиш орқали янги ахборот узатиш, интервью олишнинг замонавий усуллари билан танишиш имконияти вужудга келади.
6. Спортга ихтисослашган нашрларимизда фаолият кўрсатувчи журналистлар йирик халқаро мусобақаларда қатнашиши, уларни кузатиш, таҳлил қилиш ва аудиторияга ҳолис еткази олиш кўникмасига эга бўлишини таъминлайди;
7. Миллий нашрларимиздаги бир хиллик, қолип материаллардан воз кечиш учун мақсадли аудитория талабларининг ўрганиб чиқилиши, жамоатчилик орасида сўровлар, он-лайн тестлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Бугун интерактивлик нафақат спорт нашрлари, балки умуман, матбуот учун ҳам жуда зарур саналади. Таҳлилийлик Интернет билан рақобатда матбуотнинг асосий қуроли бўлиши лозим. Албатта, миллий спорт нашрларимиз фаолиятида ҳали жуда кўп ишлар амалга оширилиши, жуда кўп янгиликлар киритилиши керак. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам, газета фаолиятидаги энг асосий куч бу — журналист салоҳияти ва мавзулар долзарблиги бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 74 б.
- 1.2. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т.: 1992.
- 1.3. Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатлар тўплами. – Т.: Меҳнат, 2003.
- 1.4. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: 2009.

II. Расмий адабиётлар

- 2.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 29 б.
- 2.2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 485 б.
- 2.3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 103 б.
- 2.4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 47 б.
- 2.5. “ 2011–2013 йилларда Республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Қаримов тўғрисида” ги Қарори.

III. Асосий адабиётлар

- 3.1. . Абдуҳолиқов И., Қаримов А. Тележурналистика асослари. - Тошкент.: 2005.

- 3.2. Абдухоликов И., Каримов А. Тележурналистика асослари. - Тошкент.: 2005.
- 3.3. Аграновский В. Беседы о журналистике. – М., 1994.
- 3.4. Айви Е. Лицом к лицу: практическое пособие для освоения приемов и навыков делового общения. Новосибирск, 1995.
- 3.5. Белановский С. А. Методика и техника фокусированного интервью. - М., 1993.
- 3.6. Голанова Е. И. “Устный публичный диалог: жанр интервью // Русский язык конца XX столетия (1985-1995)”. - 2-е изд. - М.: Школа «Языки русской культуры», 2000.
- 3.7. Гусев А. Литература в контексте культуры. Вып. 21(1). 2011/www.telenir.net
- 3.8. Гусев А.В. “Жанры спортивной журналистики”/www.studopedia.ru
- 3.9. Дмитровский В. Как взять интервью // Именно это может спасти интервью от поверхностности. Театральная жизнь. 1997. № 1.
- 3.10. Золотова Г. А., Онипенко А. К., Сидорова М. Ю. Коммуникативная грамматика русского языка. - М.: Филолог. ф-т МГУ, 1998.
- 3.11. Ильченко С. Н. Интервью в журналистском творчестве.: - СПбГУ, 2003.
- 3.12. Кашкин В. Б. Введение в теорию коммуникации : учеб. пособие. Воронеж : Изд-во Воронеж. гос. тех. ун-та, 2000.
- 3.13. Ключев Е. В. Речевая коммуникация. Учебное пособие для университетов и институтов - М., 1998.
- 3.14. Лазутина Г. В. Основы творческой деятельности журналиста. – М, 2000.
- 3.15. Лукина, М. Технология интервью: учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2003.
- 3.16. Мальцева Д.А. Общение как воздействие и диалог. www.lib.csu.ru
- 3.17. Metzler K. Creative Interviewing: the writer's guide to gathering information by asking questions. 2nd Edition. Prentice Hall, 1989.

- 3.18. Муратов С. Нравственные принципы тележурналистики. – М., 1995.
- 3.19. Новиков Д. Борис Ходоровский, спортивный журналист: "Нельзя научить человека журналистике, а спортивной — в особенности". URL: gipp.ru/openarticle.
- 3.20. Reinardy S. The essentials of sports reporting and writing. – Abingdon, 2009.
- 3.21. Rosenthal B. Sports journalism an introduction to reporting and writing. – Plymouth, 2010.
- 3.22. Рэндалл, Д. Универсальный журналист. – М.: Международный центр журналистики, 1996.
- 3.23. Саватски Д. How To Ask Powerful Questions: Лекции / Европейский центр журналистики. – Маастрихт, 2000.
- 3.24. Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Т., 2008.
- 3.25. Скоряпин В. И. Техника спортивного интервью // Спорт в зеркале журналистики / сост. Г. Я. Солганик. – М., 1989.
- 3.26. Солганик Г. Я. О языке спортивной журналистики // Спорт в зеркале журналистики.
- 3.27. Тертычный А.А. Аналитическая журналистика, - М.: Аспект-пресс, 2009.
- 3.28. Тертычный А.А. Жанры периодической печати: Учебное пособие. - М.: Аспект Пресс, 2000.
- 3.29. Тошпўлатова Н., Журналистикага жанр керак(ми?) // Хуррият, 2017 йил, 25 январь.
- 3.30. Худойкулов.М. Журналистика ва публицистика. – Т.:”Тафаккур нашриёти”. 2011.
- 3.31. Шарков Ф. Основы теории коммуникации. [www. iub.at.ua](http://www.iub.at.ua)
- 3.34. Шостак М. И. Журналист и его произведение: Практическое пособие. – М. 1998.

IV. Республикада чоп этиладиган нашрлар

4.1. “Интерфутбол” газетасининг 2016 – 2017 йил таҳламлари.

4.2. “Футболл экспресс” газетасининг 2016 – 2017 йил таҳламлари.

V. Интернет манбалари

5.1. Игорь Рабинер. [Интернет-журнал]. URL: peoples.ru/state/corresponent/rabiner/index.html 8.03.2003.

5.2. «Профутбол»: «Срна давал нашему каналу «интервью», а не «флеш-интервью».sports.ru (23 апреля 2013).

5.3. <http://tolkslovar.ru>

5.4. www.wikipedia.org

VI. ТАДҚИҚОТЧИ ТОМОНИДАН ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

6.1. Бўриева М. Интервьюга тайёрланиш технологиялари Изланиш ва ижод - Т.: 2017.

7.2. Бўриева М. Интервьюда журналист позицияси Изланиш ва ижод –Т.: 2017.